

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ  
“ТИҚХММИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

# ШАЙБОНИЙ СУЛТОНЛАР ТАЗКИРАСИ

Илмий рисола

Қарши,  
“ИНТЕЛЛЕКТ”  
2023 йил

UDK: 7.091 (075)

КВК: 85.33

Қ – 23

Шерхон Қораев. Шайбоний султонлар тазкираси. Илмий рисола (Матн). Тошкент. “Интеллект” нашриёти. 2023 йил. 112 бет

Ушбу илмий китобда юртимиз тарихида ҳукмронлик қилган ўзбек ва форс тилида шеър ёзган ўзбек хонлари ижоди ҳақида сўз боради. Энг қизиғи Шайбонийлар, Аштархонийлар, Бухоро, Қўқон ва Хива давлатларини бошқарганлар ичидан ақалли бирор бир байт айтмаган хон камдан кам топилган. Муҳими шоир хонлар ўз ижоди ҳамда назм аҳлига ғамхўрлиги билан ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшишган.

Ушбу тадқиқот кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори

Юлдуз ЭРГАШЕВА,

Махсус муҳаррир:

Тарих фанлар доктори

Парда НОРБЎТАЕВ.

Такризчилар:

Филология фанлари доктори

Нафас ШОДМОНОВ,

Филология фанлари доктори

Дилнавоз ЮСУПОВА.

Ўзбекистон Республикаси “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Илмий Кенгашининг 2023 йил 16 апрелдаги мажлиси 7-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9358-5-9

© Шерхон Қораев, 2023.

© «Интеллект» нашриёти, 2023.

## КИРИШ

### ЁКИ ШЕЪР ВА ШОИРЛИК ИЛМИ ТАРИХИ

Аллоҳ азза ва жаллага беҳад ҳамду санолар бўлсин! Икки дунё сарвари хотамул анбиё пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламга саловоту саломлар ёғилсин!

Маълумки, инсоният қадимдан ижод билан шуғулланган. Одамзод шеър ёзиб, завқланган, ўз дардини тўкиб солган. *Нақл қилишларича, биринчи бўлиб шеър айтган киши Одам алайҳиссаломдир, фарзанди Ҳобил марсиясида сурёний тилда шеър айтган. Бошқаларнинг гапига кўра, илк шеър айтган одам Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлмиш Яъраб бин Қаҳтондир. Мазкур шеър арабий тилда бўлган. Баъзилар айтадиларким, биринчи шеърни яратган одам Баҳром Гур (Сосонийлар подшоҳи Варахран IV)дир, айтгани эса ушбудир.*

*Байт:*

***Манам он бабри дамону манам шири яла,  
Ном Баҳром марову куниятам Бу Жабала.***

*(Мазмуни: Менман қўрқинчли йўлбарс, занжирдан бўшалган шер, Халқ номимни Баҳром, куниямни эса Абу Жабала дер.)*

*Яна бировлар биринчи шеър айтган Абу Ҳафс Ҳаким Сугдий, Самарқанд Сугдидан чиққандир ва айтганлари мана бу, деб кўрсатганлар.*

*Байт:*

***Оҳуи куҳий дар дашт чигуна давадо,  
Чун надорад ёр, бе ёр чегуна равадо?***

*(Тоғ оҳуси биёбонда қандай югургуси? Ёри йўқдир ёнида, ёрсиз қандай юргуси?)”<sup>1</sup>*

Фахрий ҳам Мутрибий каби Баҳромшоҳни биринчи форс шоири сифатида талқин қилган: “*Биринчи бўлиб форсий тилда назм битган киши Баҳром Гўр (Эрон шоҳи) эди. Ва уни мана бундай келтирганларки, Баҳром Гўрнинг Дилором деган маҳбубаси бор эди ва у ўткир зеҳн, нуктадон, мавзун ҳаракот, рост таъб, хушовоз ва чанг чалувчи эди. Ва Баҳром билан ҳамма жойда бирга бўларди ва гоҳида у билан мунозара қиларди. Баҳром бирор латифани тилга*

<sup>1</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.23-27

олса, у ҳам ўшанинг баробарида муносиб ва мувофиқ бирор нарсани ишио қиларди. Кунлардан бир кун Баҳром тўқайда бир шер билан олишди ва унинг икки қулогидан тутиб жазолаб, ўлдирди. Бу диловарлик ва шижоатдан ниҳоятда гурурланганидан бу мисра унинг тилига келди:

**Манам ў шери жаёну манам пили пилла.**

(Мазмуни: У шеру жаён (йиртқич) менману у пили пилла (пиллапоя) менман).

Дилором ўша ерда эди, жавобига деди. Мисра:

**Номи Баҳром турову падарат Бу Жабала.**

(Мазмуни: Сенинг отинг Баҳром эдию, отангники Бу Жабала).

Баҳромга бу сўзлар жуда ёқди ва бу мисрани ўқиб бериш учун мажлисга олимларни чақирди. Улар назм учун қоида ихтиро қилдилар.”<sup>2</sup> Бинобарин ана шундай қилиб, тарихда назм, шоирлик ва шеърят мажлислари пайдо бўлган бўлса, не ажаб?!

Хўш, нега юракдан отилиб чиққан сўзларни айнан шеър дейдилар? Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, бир киши Яман қабилаларининг отаси бўлиб, уни Шеър бинни Сабо деганлар. Ва у араб тилида бағоят фасих киши бўлган. Чунончи, унинг аксар сўзи мавзун бўларди. Унинг оти Шеър бўлганлиги учун вазнга солиб айтган сўзларини шеър деганлар.<sup>3</sup> Мутрибийнинг фикрича эса, шеър сўзининг лугавий маъноси “топмоқ ва билмоқ”дир. Шу жиҳатдан шоирни “билувчи ва топгувчи” деб атайдилар. Чунки шоир бошқалар топа олмайдиган сара сўзларни топади ва унга ўзгалар эплай олмайдиган даражадаги шакл беради. Истилоҳ сифатида шеър сўзи маъни, вазн ва қофиянинг ҳамоҳанг келишини англатади. Чунки яратувчиси уларни ана шу бир-бирига боғлиқлик ҳолатда шакллантиради.

Шеър тўртта қоидадан иборат. Биринчи қоида вазндош ва қофиядош сўзларни чиқариш учун зарур бўлиб, яратувчиси унда фақат ана шу иккисининг ҳамоҳанглигини кўзда тутади. Бу ўринда маънога эътибор берилмайди, худди мана бу шаклда.

Байт:

**Ойнаад он пешани, жоми Жаманд ё маҳи бадр?**

**Ки ними аз куҳ бўланд асту ними пинҳон аст.**

<sup>2</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т: “Мумтоз сўз”-2014.7-б.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар.. –Б. 17.

(Мазмуни: Ойнами ул пешона, Жамишд жоми ё тўлин ой? Ки ярми тогдан баланд, ярми эса пинҳон.)

Иккинчи қоида маъно ва қофиядош сўзларни чиқариш учун зарур бўлиб, лекин улар орасида вазнга риоя қилинмайди, яъни арузнинг махсус ўлчовлари қўлланилмаган, худди мусажжаъ (сажъ)да қофияланган сўзлар каби: гуйи бохтаву асби тохта, фалонро карам бисёр асту ҳунар бешумор (Ўзбекчада шунга ўхшаш: отлари югуриб, туялари бўкириб ёки фалончининг карами кўп ва сўзлари хўб-Исмоил Бекжон).

Учинчи қоида маъно ва вазни англатувчи сўзларни чиқариш учун зарур бўлиб, лекин улар орасида қофиялашга риоя қилинмаган. Масалан, қуйидагидек:

Байт:

**Шоҳо, бақойи умри ту бодо ҳазор сол,**

**Иқбол дар паноҳи ту бодо ҳазор сол.**

(Мазмуни: Эй шоҳ, умринг узунлиги бўлсин минг йил, Бахту иқбол паноҳингда бўлсин минг йил.)

Тўртинчи қоида айрим Қуръоний оятлар ва Набавий – саллаллоҳи алайҳи вассаллам – ҳадисларни чиқариш учун ишлатилади. Масалан, ушбу ояти карима: “Сумма акрартум ва антум таиҳадуна; сумма антум ҳоулои тақтулуна”<sup>4</sup> ва ушбу саҳиҳ ҳадис “Ал-карим бин ал-карим бин алкарим”<sup>5</sup> фоилатун фоилатун фоилот вазнида келган бўлсалар ҳам уларни қўлловчи ҳамоҳангликни назарда тутмаган ва буларни шеър деб бўлмайди.<sup>6</sup>

Бинобарин, шеър ва шоирлик қадимий тарихга эга. “Равзат ус-салотин” маълумотига қараганда, Абу Тохир Хотуний ўзининг тарих (“Маноқиб уш-шуаро” ва “Тарихи саложиқа”) китобида келтирганки: Дайламанинг подшоҳларидан бири бўлган қудратли Изуддавла Дайламий Хонақайнга яқин бўлгани сабабли ҳали бутунлай хароб бўлмаган Қасри Шириндан қадимги форс тилида ёзилган мана бу байтни топдилар. Байт:

**Сароро нигаҳбон абуша буди,**

**Жаҳонро ба дидори у шаҳ буди.**

<sup>4</sup> Қуръони Карим, Бақара сураси (2). 84, 85-оятларидан.

<sup>5</sup> Ал-карим бин ал-карим бин ал-карим...Юсуф бин Ёқуб. “Саҳиҳи Бухорий” ҳадислар тўпламидан

<sup>6</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.23-27

*(Мазмуни: Саройга қари чол қўриқчи эди, Унга қараб туриши билан гўё жаҳонга шоҳ эди.)*

*Шундан маълум бўладики, ислом давридан олдин ҳам форсий шеър айтганлар. Ва дерларки, Бани Саффор давлати айёмида Амир Аҳмад бин Абдуллоҳ Қаҳистоний Хуросонда волий бўлган ва мулк унга қарор топганди. Кунлардан бир кун ўгли дор ус-салтана Ҳирийда болалар билан ёнгоқ ўйнар эди. Амир ўглининг яқинига келди ва бир сиқим ёнгоқни доира ичига ташлаётган эди, биттаси доирадан отилиб чиқиб, яна доира тарафга қайтиб юмаларди. Амирзоданинг ниҳоятда шод ва хурсандлигидан бу мисра унинг тилига келади. Мисра:*

***Ғалтон-галтон ҳами равад то таҳи гур.***

*(Мазмуни: Чуқур ичига тушганча юмалаб-юмалаб боради.)*

*Ҳукмдорга бу сўз жуда ҳам маъқул келади. Бу бўлган воқеани фозилларга билдирганида, улар дедилар: Бу айтилган шеърдир. Кейин Абу Далаф Аъжлий ва Бинт ул-Каъб биргаликда шеър таҳқиқи ва тақтиъига машғул бўлдилар. Ва унинг баҳрини аниқлаб, яна битта мисра қўшдилар. Агар тўрт мисра бўлса ва рубоий десалар яхшидир. Ва бир муддат хуштабъларнинг вақти рубоий айтиши билан ўтиб, хушасноф (яхши тоифа) суханварлар ортиб бориб, сомонийлар даврига қадар кўп сайқал ва равнақ топди”.<sup>7</sup>*

*Ўтмишимизда ҳукмдорлар орасидан ҳам етук шоирлар етишиб чиққан. Ғазнавийлар султони “Маҳмуд Ғазнавий шоир ва олим сифатида ҳам маълум”.<sup>8</sup> Маҳмуд Ғазнавий араб ва форс тилларини пухта билган, туркий тилда ҳам шеърлар битган:*

***Юзинг шуъласи шамъи анжумандир,  
Чиройинг гуллари зийнати – шаъндир.  
Сен иккинчи Юсуфисан бугуннинг,  
Шу боис ошигинг ҳар марду зандир.  
Чиройинг кўрди ҳар ким, деди завқ-ла,  
Бу – Оллоҳ-оллоҳ, не хил сиймтандир.  
Сеники бағрига ким қисди қаттиқ-  
Муроди ҳосил-у, дили чамандир.  
Юзингни хатти сабзинг янги этди,  
Ки бандаси бинафша-ю, сумандир.***

<sup>7</sup> Кўрсатилган асар. –Б. 17-19.

<sup>8</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.335.

**Аёз зулфин толаси эрса, Маҳмуд,  
Оёзинг банд этар ажаб расандир.<sup>9</sup>**

*(Форсчадан Жонибек Субҳон таржимаси)*

Бертельснинг ёзишича, “Маҳмуд Ғазнавий ўз даврининг билимдон кишиларидан эди. У уч тилни, жумладан, араб тилини мукамал биларди. Султон Маҳмуд қонли жанглардан бўш вақтларида тафсир яратган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, унинг илми бадеъни билмаслиги асло мумкин эмас эди.<sup>10</sup>

*Салжуқий султонлардан Султон Санжар бинни Султон Маликшоҳ ва Тўғрулбек бинни Тўғрул бинни Арслон назм айтган...*

*...Султон Маликшоҳ бинни Али Арслон бинни Жаъфарбекнинг салтанат муддати ўттиз саккиз йилга етди ва бақо диёрига азм қилди. Ва “Тарихи Жалол” ундан хотирадир...*

*Султон Санжар... багоят муборак қадамли подшоҳ, дарвишсифат, одил, хушхўй ва хулқли эди. Ва назмда яхши таъби бор эди ва шу тоифада кўп шеърлар ёзган.*

**Базарби тизги жаҳонгиру гурзии қалъагушой,**

**Жаҳон мусаххири ман шуд, чун тани мусахаррой.**

**Басе қалов кушудам, баяк кушудани даст,**

**Басе сипоҳ шикастам, баяк фишурдани пой.**

**Чу марг тохтан овард, ҳеч суд надошт,**

**Бақо бақоии Худойист ва мулк мулки Худой.**

*(Мазмуни: Жаҳонгир тизгу қалъани очувчи гурзи зарбидан, Гўё бўйсунувчи танадек жаҳон менга бўйсунди. Қўлимни бир чекиш билан қалъаларни забт қилдим, Бир оёқ қўйиши билан кўплаб лашкарларни йиқитдим. Ниҳоят, ўлим ҳамла қилганида, ҳеч қайсиси фойда бермади, Бақо, Худонинг бақосидир ва мулк Худонинг мулкидир.)*

*Султон Тўғрул бинни Тўғрулбек бинни Арслонбек бинни Тўғрул бинни Муҳаммад бинни Маликшоҳ багоят хўбқирдор ва хуштабъ, сурат ва сийратда гўзал бўлган. Шеърни жуда яхши айтган. Бу рубоийни уники деб ёзишган:*

**Дей рўз, чунон висоли жон афрўзи,**

**Имрўз, чинин фироқи олам сози.**

**Афсуски, дар дафтари умрам, айёми,**

<sup>9</sup> <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/mahmud-gaznaviy-967-1030/>

<sup>10</sup> Бертельс Е. Э. История литературы и культуры Ирана. М: «Наука», 1988.-С.203.

**Онро рӯзи нависад ин ро рӯзи.**

(Мазмуни: Кеча гӯё жон висолини ёқдинг, Бугун эса шу қадар олам фироқини солдинг. Афсуски, умр дафтаримга, бир кун, У кунни бу кун деб ёзади.)<sup>11</sup>

Салимбек Салимий тарих китобида Туғрул ибн Алп Арслоннинг “хушфеъл шоир бўлган”<sup>12</sup> ини ёзган.

Салимбек Салимий “Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ зикрида” ҳукмдорга нисбат бериб, рубоийлар келтирган: “Султон Хоразмшоҳ Марв ва Балхдан ҳам қўшин чақириб, унинг қўшинларини умумий сони тўрт юз йигирма минг эди. Чингизхон истиқболига Туркистонга келиб, манзилгоҳларда гурурлик билан айш-ишрат билан машғул бўлиб, май ичиб, аёлларни атрофига йиғиб, ишратдан бошини кўтармай, бу рубоийни айтар эди. Рубоий:

**Фардо алами фироқ тай хоҳам кард,**

**Ба толъи саъд қасд мехоҳам кард.**

**Маъшуқ мувофиқ аст аёми беком,**

**Акнун накунам нишот қай хоҳам кард.**

(Мазмуни: Эртага фироқ алами билан дунёга сайр қиламан, Некбахтликка қасд қилмоқни хоҳлайман. Мақсадсизлик айёмида маъшуқ мувофиқдир, Энди хурсандчилик қилмасам қачон қиламан.)

Баҳор чоғи сабззорда ўтириб, Чингизхон қуйидаги рубоийни айтар эди. Рубоий:

**Эй дил чу замона мекунад гамнокат,**

**Ноки биравад зитани равону покат.**

**Бар сабза нишин, хуш бизе рӯзи чанд,**

**Зи он бешки сабза баромакд аз хокат.**

(Мазмуни: Эй кўнгил замона қилади гамгин, Нопоклик ва оллидалик пок бадан танида бўлади равон. Сабззорда ўтириб неча кун кўнгилхушлик қилсанг, Ўша сабза сенинг тупрогиндан олдинроқ ўниб чиқади.)

Муҳаммад Хоразмшоҳ қуйидаги рубоийни айтган экан. Рубоий: **Айёми гул бас намонад май хўр,**

<sup>11</sup> Кўрсатилган асар. –Б. 24-31.

<sup>12</sup> Салимбек Салимий. Кашкўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахириин. Форсчадан Нарзулло Йўлдошев таржимаси. Бухоро, 2003.-Б.247.

**Гул худ чи кунад нафс намонад май хўр.  
Аз даври фалак зарин работи вайрон,  
На дур ва не дер касе намонад май хўр.**

(Мазмуни: Гул айёмидир, ҳеч нарса қолмайди май ич, Гулнинг ўзи нима қилсин, нафс қўймади май ич. Фалак даврида бу вайрона работда, На узоқ ва на яқиндан ҳеч ким қолмайди май ич.)<sup>13</sup>

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ёзишича, “Жаҳон тарихида ҳам шоҳ, ҳам шоир бўлган зотлар у қадар кўп эмас. Лекин туркий халқлар оламида шеър ёзмаган шоҳ кам бўлган. Бу қонимиздаги азалий шеъроятга, санъатга бўлган ишқдан, гўзалликка бўлган майлдандир. Салжуқийлар, усмонийлар, темурийлар тарихига назар ташланг. Шоҳлик наслдан наслга қандай мерос бўлиб ўтган бўлса, илмга, ижодга меҳр ҳам шундай қондан қонга ўтиб келган.

Туркий халқлар тарихининг биз ўрганмаган, биздан пинҳон тутилган саҳифалари кўпдир. Хусусан юксак фазл эгаси бўлган шоҳларнинг улуғ ишлари, улуғ асарлари назаримиздан четда бўлган. Бунинг сабаби аён. (Собиқ иттифоқ даврида) Илмда, санъатда ҳоким бўлган синфийлик назарияси ўтмишимизга ҳалол илмий назар билан ёндошишига имкон бермади. Мумтоз адабиётимиз намояндалари “бизникилар” ва “бегоналар” қабилда икки қутбга тақсим қилинди. Навоий бизники, Хусайний (Султон Хусайн Бойқаро) бегона; Нодирабегим прогрессив, Амирий (Амир Умархон) реакцион; Огаҳий “яхши”, Феруз (Муҳаммад Раҳимхон) “ёмон” ва ҳоказо. Ваҳоланки, улар бир маданиятнинг вакиллари, бир анъананинг давомчилари бўлганлар”.<sup>14</sup>

“Темурий шоирлар тазкираси” номли китобимизда шеър ёзган темурий султонлар ва маликалар ҳақида сўз юритган эдик. Мазкур тазкирада эса қалам тебратган ўзбек хонлари ва маликалари ижоди ҳақида сўз боражак.

Албатта кишиларнинг, айниқса ҳукмдорларнинг шеър ёзиши бу - Яратганнинг инояти. Негаки, ҳаммага шоирлик қобилияти ато этилмаган. Ўрта асрлар даври кишиси ўзида шоирлик қобилиятини сезса, Низомий Арузий Самарқандий ибораси билан айтганда, агар

<sup>13</sup> Салимбек Салимий. Кашкўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Форсчадан Нарзулло Йўлдошев таржимаси. Бухоро, 2003.-Б.250-251.

<sup>14</sup> Воҳидов Э. Тарихий адолат. (Сўзбоши). //Хусайн Бойқаро. Рисола.Девон. Т.: Шарқ НМАК БТ, 1995.-Б.5.

шоир ёшлик айёмида ва йигитлик давронида ўтмиш шоирларининг шеърларидан йигирма минг байтни хотирасида тутмаса, замондошларининг асарларидан ўн минг байтни ёд билмаса, устоз шоирлар девонини пайваста ўқимаса, сўзнинг нозик томонлари ва қийин жойларини қандай йўл билан ҳал этганликларини ўрганмаса, юксак даражага етолмайди ҳамда шеър навлари ва йўллари унинг табиатида ўз ифодасини топмайди, шеърнинг соз ва нуқсонли томонлари ақлининг саҳифасида ўз аксини кўрсатмайди, сўзлари буюклик томон, таъби эса юксаклик сари майл этмайди. Содда қилиб айтганда, ўрта аср шоирлари ўзларида шеърини иқтидорни сезгач устоз шоирларнинг минглаб байтларини ёд олганлар. Навоий нафақат ёшлигида шеърини тўпламларни ўқиш билан шуғулланган, балки назм жавоҳирларини ёдлаган. Шоирнинг ёзишича, *“...Йигитлигим замони ва ёшлигим кунлари даврларида кўпроқ шеърда ўйин кўрсатувчи ва назмда афсунбозлик қилувчи шоирларнинг шеърларидан ва рангдор байтларидан элик мингдан ортигрозини ёдлаганман. Уларнинг завқ ва қувончидан ўзимни овутибман. У шеърларнинг яхши ва ёмон томонлари устида фикр юришибман. Махфий нозикликларига ўйлаш ва фикрлаш орқали етишибман”*.<sup>15</sup> Навоий 50 минг байтни ёд олганини шундай изоҳлаган: *“Булардин доғи бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидан элик мингдин ортуқ ёд тутупмен”*.<sup>16</sup> “Булардин доғи бошқа” деганда Навоий Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар, Амир Хусрав ва Абдурахмон Жомийни назарда тутмоқда. Ғазал пирларидан бошқаларнинг ижодидан 50 000 минг ёд билган шоир, уларнинг шеърларидан яна ҳам кўпроқ ёд олгани шубҳасиз. Бундан ташқари, туркий шоирлар ғазаллари ҳамда форсий дostonлар, қасидалар, рубоий-у қитъалар ҳам кўшилса, Навоий ёд билган байтлар сони 200 мингдан ошса керак. Такрорлаймиз – ёд билганларининг ўзи.

Шунча шеър ёд билганнинг сўз бойлиги, назмий диди ва тафаккури ҳам мутаносиб тарзда юксак бўлган ва жаҳон тарихида

---

<sup>15</sup> Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Қ.Содиқов таҳлили, табдили ва талқини остида. Т.: Академнашр, 2017.-Б.78.

<sup>16</sup> Кўрсатилган асар.-Б.78-79.

“Алишер Навоий” деган феноменнинг пайдо бўлишига пойдевор сифатида хизмат қилган.”<sup>17</sup> Холбуки, “гўдакликдан шеър ёд ола бошлаган Алишер ажойиб натижага эришади: эллик минг байт (юз минг сатр) шеърни ёд олади. Шу билан бирга, Алишернинг ёши улғайган сари, бу ёд олиш фақат эстетик аҳамиятга эга бўлмасдан (“агар завқ хушҳоллиғидин ўзумни овутубман”, дейди Навоий), балки чуқур ўрганиш, хулосалар чиқариш характериға эга бўлади. Алишер бу шеърларнинг яхши ва ёмон томонлари (“салоҳ ва фасодлари”) ҳақида фикр юргизади, уларнинг нозик жиҳатларига (“махфий дақойиқиға) фикр билан етишиб, бемалол тушунишга ва ҳатто форсий шеърнинг қайси хилиға кўл урмасин, унда муваффақият қозонишга эришади. Шундай қилиб ёд олиш – катта мактаб ролини бажарган”.<sup>18</sup> Бу ҳақда Иззат Султон шундай деган: “...*Ўрта асрларда Осиёда, Шарқда кичикликдан бутун-бутун шеърларнигина эмас, ҳатто катта китобларни ҳам болага ёд олдиришга тўғри келар, “ҳофиза қуввати”ни тарбиялаш-педагогиканинг энг муҳим вазифаларидан эди. Китоб – жуда нодир нарса (китоб босиш ҳали ихтиро қилинмаган), ёд олиш – мулла, олим бўлишнинг деярли бирдан-бир йўли, мактабда ҳам ёд олдириш – ўқитишнинг асосий усули эди*”.<sup>19</sup>

Чунончи, шоирлик иқтидор, салоҳиятдан ташқари билимдонликни талаб қилинган. Шеър ёза бошлаган киши турли хил илмлар ўзлаштирган бўлиши лозим бўлган. Ҳасанхожа Нисорий шоир битта шеър яратиш учун бўлса ҳам жуда кўп нарсани билмоғи керак,<sup>20</sup> деган. Шоирларнинг энг фасоҳатли саналган Ибн Ямин шоир ўта билимдон бўлиши зарур, деб, мазкур қитъани ёзган:

***Як шабам устоди сухан Анварий,  
Гуфт ба таълим ки: эй навъжавон.  
Хотират аз қоидаи шоирий,  
Металабад як сухан аз ман бидон.  
То ки дар ашъор шууре кунӣ,  
Ҳал шавадат жумлаи ашколи он,***

<sup>17</sup> Аъзам А. Абзорлар ҳайрати.//Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 2021.-№6.-Б.38.

<sup>18</sup> Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари Т: Ғ.Фуллом номидаги БАН-1969.-Б.95.

<sup>19</sup> Кўрсатилган асар.-Б.58.

<sup>20</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.137.

***Рав ду-се рузе талаби илм кун,  
Нуктаи чанд аз ҳма бобе бихон.  
3-онки ба наздики ҳақимони аср,  
Нуктаиносони маоний баён.  
Шоири беилм бувад филмисл,  
Куни бараҳна камаре бар миён.***

*(Мазмуни: Бир кеча тушда сўз устаси Анварий, Деди таълим юзасидан: эй ёш ўспирин. Кўнглинг тиласа шеър қондасини агар, Мендан эшит бир сўзни-ю билиб ол. Ашъор илмидан ўргансанг бир нечасин, Ҳал бўлур не эрса сенга бу бобда мушкул. Бир-икки кун қатнаб илм ўрган, Ҳар тўғрида бир нечта сабоқ ол. Чунки аср билимдоню, маъно, Баёнчиси – ҳикмат билувчилар наздида: Илмсиз шоир эрур гўё иштонсиз, Одам кетига боғлангандек камар.)<sup>21</sup>*

Мухтасар айтганда, ўрта аср шоирлари ҳам турли хил билимларни чуқур эгаллашган. Бинобарин, шеър айтган ўзбек хонлари шеър илмидан ташқари, бошқа кўплаб фанларни ҳам мукамал ўзлаштиришган ҳамда етук устозлар қўлида таълим олишган.

---

<sup>21</sup> Кўрсатилган асар.-Б.137.

**I – ҚИСМ**  
**ШАЙБОНИЙ ХОНЛАР**  
**1.МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН**

Ўрта Осиё худудида XV - XVI асрларда ҳукм сурган шайбонийлар давлати асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) нафақат ҳукмдор, у шунингдек, олим, дин пешвоси ва сўз санъаткори - шоир бўлганлиги кўпчиликка маълум:

*Хон эрур подшаҳи олами сўз,  
Хон эрур эрта-кеч ҳамдами сўз.  
Хон сўзи ишқи жаҳонидиндур,  
Хон сўзи гайб лисонидиндур.  
Хон ўзи ошиқ эрур, ориф ҳам,  
Борча сўз жонибидин воқиф ҳам.  
Хон ўзи сўзни бача хўб айтур,  
Назм ила насрни марғуб айтур.  
Қайси хондур бу, муайян билгил,  
Айтайин мен санго равшан билгил.  
Тенгрининг сояси Шайбонийхон,  
Ким ани қўйди халифа раҳмон.  
Ғайбдин оти Муҳаммад бўлди,  
Қобили давлати сармад бўлди.<sup>22</sup>*

Шайбонийхон “Девон”ида унинг ҳаёти, ижоди ва мажлисларига доир қимматли маълумотлар мавжудлиги ҳақида тўхталмоқчимиз. “Девон”да зикр этилишича, “Самарқандни олганда бача Кўк-саройда тўй қилиб, валадимни тахтга миндуруб, ул мажлисда зебо санамларни келтируб, ўғлум Муҳаммед Темур Баҳодирни сандалда ўлтуртиб, бу газални айттим:

*Эй манга саждагоҳи ол қошларинг меҳробидур,  
Бу кўнгил қушин тутарга шул кўзинг саййодидур.  
Новакинг ўқлари жоним кўз ёшимдин сусади,  
Ваҳ бағир қонидин ичкан кирпугинг пайкони дур.  
Ғунча лаълин кўргали бу лаълу маржонлар тўқун,  
Инглари олинда ё Раб кўзларим намноки дур.  
Оташин ёкут лабиндин ёқилиб ишқинг оти,*

<sup>22</sup> Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.: Ғ.Фуллом номидаги АСН-1989.-Б.25.

*Май ичиб ким маст бўлса шул гўйинг чавгонидур.  
Муҳтасиб манъ этмагил маъшуқ куйиндин ҳар заман,  
Кўз ёшима ваҳ отиндин ҳар замон замнокидур.  
Ул парини Кўксарой ичинда ҳар дам кўргали,  
Зулфи анбар-бўйу мушкин васфида девонидур.  
Эй Шабоний шул санам жавринда новмид ўлмагил,  
Бас кўнгил ораста қилгил дилбаринг сандолидур.<sup>23</sup>*

Бинобарин, “у шоир сифатида Шайбонийхон, Шоҳбахт, Шойбоқ, Шойбек, Шебони, Шоҳибек, Шайбоний тахаллуслари билан шеърлар ёзган, камдан-кам ижодкорга насиб этадиган рутба – “Девон” эгаси бўлган. Бу девон 300 дан ортиқ газал, рубоий, туюқ, чистон, таърих ва бошқа жанрдаги асарларни ўз ичига олган. Девон Истанбулдаги Тўпқоти саройи музейида сақланади...

Муҳаммад Шайбонийдан, нафақат шеърӣ девон, шу билан бирга диний мазмундаги “Баҳр ул-худо” номли достон, ўгли Темур султонга атаб ёзган панд-насиҳатлардан иборат китоб ёзган, демак, ҳаёти бетўхтов жангу жадал ичида кечганига қарамай, катта маърифий мерос қолдирган инсон эди. Ишончим комилки, Ҳазрат Мир Алишер Навоий хоннинг “Девони”, достону ҳикматномаси билан танишиши имкониятига эга бўлганда, бу асарларга муносиб баҳо берган бўларди”.

Ҳукмдор шоирнинг “Баҳрул худо” (“Ҳидоят денгизи”) номли қасидаси 1508 йилда ўзбек тилида яратилган. Бу қасидада шоирнинг диний-тасаввуфий қарашлари бадий ифодаланиб, ўзбек хонининг бошидан ўтган воқеалар унинг ички кечинмаларини билан уйғунлашиб кетган. Ушбу қасида тасаввуф шайхлари Абулҳасан Харрақоний ва Боязид Бастомий мақбаралари зиёратида ёзилган:

*Эрди тўққуз юз тақи ўн тўрт ҳижрат вақтидин,  
Ким, бу гулшан ичра топти булбули табъим наво.  
Манзилим ул вақт эди Бастом била Домгонда,  
Ким, менга қилди мадад арвоҳи поки анбиё.  
Пири Хароқоний – тариқатнинг имоми Булҳасан,  
Барча орифларга султон Боязид ул муқтадо.*

<sup>23</sup> Şeybani Han Divani. (Inceleme-Metn-Yaqub Qorasoy). Konya, 1989..-C.136.

“Меҳмонномаи Бухоро” асарининг Х-бобида Ибн Рўзбеҳхон ёзишича, “Ғиждувонда хоннинг илтимоси кўра, мажлис аҳлининг унинг туркий тилдаги сўфий қасидасининг мазмуни билан таништирдим ва унинг розилиги билан унга шарҳ ёздим”.<sup>24</sup> Унинг кўрсатишича, қасида 250 байтдан иборат бўлиб, 7 байтини Ибн Рўзбеҳхоннинг ўзи кўшади ва келгусида шу қисмини ўз асарига киритган. Эҳтимол, шу асар Темур Хўжа ўғлининг мақоласида келтирилган “Баҳрул худо” (“Ҳидоят денгизи”) қасидаси бўлса керак. Мазкур рисола 1508 йилда туркий-чигатой тилида ёзилган бўлиб, унинг ягона нусхаси Лондон шаҳридаги “Бритиш музейи” кутубхонасида сақланмоқда. Бу сўфий руҳдаги қасида эканлигини куйидаги байтдан аниқлаб олиш мумкин:

***Подшолизда Шайбоний фақирдан айрилмагил,***

***Фақр шоҳи икки олам ичра бўлур подшо.***

***Тангри гар берди сенга Эрону Турон,***

***Бандалик таврин Шайбоний бермагил элдан даҳо...***

Муҳаммад Шоҳбахт яхшигина хаттот ҳам бўлиб, бизгача унинг шахсан ўз қўли билан ва котиби Мирзо Мўмин Мунший томонидан кўчирилган Мулло Биноийнинг “Шайбонийнома” ...асари (Хива хонларининг рус ҳарбий маъмурлари томонидан Россияга олиб кетилган нодир қўлёмалар кутубхонасида сақланган нусхаси) етиб келган. Кейинчалик бу китоб рус олими А.Самойлович томонидан тавсифлаб берилган, ҳозирда ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Академик В. Бартольднинг маълумотларига қараганда, Шайбонийхоннинг 1507-1508 йилларда тўнғич ўғли ва валиаҳди Темур Султонга атаб ёзган (панд-насихатлардан иборат) китоби ҳам бўлиб, у ҳозир Туркияда сақланади”.<sup>25</sup>

Муҳаммад Шайбоний адабий меросининг асосий қисмини уруш тафсилотлари, ҳаётининг муаммолар, дарвешлик кечинмалари билан йўғрилган диний-тасаввуфий қарашлар акс этган ғазаллар ташкил этади. Улар ўз замонида кенг тарқалган ва машҳур бўлган. “Меҳмонномаи Бухоро” асарида қайд этилган эътироф, яъни Шайбонийнинг тасаввуфий ғазалларига жуда кўп шарҳлар

<sup>24</sup> Фазлаллах ибн Рузбихан Исфоханӣ. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. Москва, Издательство “Наука”, 1976.-Б.9-17.

<sup>25</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008.-Б.18-19.

ёзилгани, бунинг яққол далилидир.”<sup>26</sup> Унинг мазкур девони Туркияда Ёқуб Қорасуй томонидан нашр этилган.<sup>27</sup>

Муҳаммад Шайбонийхон сарой шоири Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида ҳам етук шоир сифатида таърифланган:

***Шеърни хўб танир завқ била,  
Ўзи ҳам хўб айтур шавқ била.  
Турки абъёти эрур шарбати ноб,  
Форсий шеърлари ҳам сероб.  
Борча серобу салису дилкаш,  
Табъ аҳлига жалису дилкаш.***<sup>28</sup>

Шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” достонида зикр этилишича, ўзбек хонининг шеърлари Мовароуннаҳр ва Хуросонда севиб ўқилган ва ғазаллари муғаннийлар томонидан шаҳару кишлокларда ва унинг ҳузуридаги адабий мажлисларда куй жўрлигида мутолаа қилинган:

***Юзунгни кўрдум ул чортоқ ичиндо,  
Очилмиш тоза гул ёпроқ ичиндо.  
Табассум қилсанг ул гунча лабингдин,  
Дегойсен бол томар қаймоқ ичиндо.  
Кел эй соқий, юкунуб бир аёқ тут,  
Манга дилбар била қишлоқ ичиндо.  
Шабонийга берубтур нусратин ҳақ,  
Қовуб мен хусрав(ин) чакмоқ ичиндо.***<sup>29</sup>

Бироқ, Бобур “Бобурнома”да Шайбонийхон шеърларига салбий баҳо берган: “Яна Қози Ихтиёр била Муҳаммад Мир Юсуфгаким, Ҳирийнинг машҳур ва хуштабъ муллоларидин эдилар, бовужиди омилиқ тафсирдин сабақ айтти. Яна Мулло Султон Али Маишадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хаттига қалам кюруб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўқутуб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила (совга) олур эди”.<sup>30</sup> Бобурдан фарқли ўлароқ, Ҳасанхожа Нисорий “Музақкири аҳбоб”да шоирлар даврасида мушоиралар ўтказадиган шоир ҳукмдорни ижобий тавсифлаган: “Соҳибқирон хон

<sup>26</sup> Фазлаллах ибн Рузбихан Исфоханӣ. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. Москва, Издательство “Наука”, 1976.-Б.70.

<sup>27</sup> Даврон Х. Шайбонийхон ҳақида. [https://t.me/SHAYBONIYLAR\\_1](https://t.me/SHAYBONIYLAR_1)

<sup>28</sup> Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.: Ғ.Фуллом номидаги АСН-1989.-Б.28.

<sup>29</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993.-Б.30.

<sup>30</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1990.-Б.186.

*(Шайбонийхон) илму фазилатлардан хабардор, аниқроғи, уларни тўла эгаллаган киши эди. Шеърят соҳаси ва шоирларга эътиқод–эътибори катта бўлган. Мудом олиму фозилларни ўзига ҳамсуҳбат қилган. Яхши шеърлари бор. Ҳазрати Нажмиддин Кубро (Унга тангри раҳмати бўлсин)нинг вафоти таъриhini яхши айтган. Таърих:*

***Онинг таърихидур шаҳи шуҳадо,***

***Яна бир алиф бирла бўлур адо.***

*Бу туюқни ҳам манзур бўларлик айтган:*

***Сўғд ичинда ўлтурурлар ёбулар,***

***Ёбулар минган оти ёбулар.***

***Ёбуларнинг илгидан эл тинмади,***

***Ё булар бўлсин, бу ерда ё булар.***

*...Дейдиларки, хон Ҳазора қалъаси фатҳига отланганда, бир газал битиб, Ҳири (Ҳирот) шайхул-исломи ва Қози Ихтиёрга юборибди. Мана бу бир неча байт ўша газалдан битилаётир. Байт:*

***Мандан салом ул шайху Ихтиёрга,***

***На Ихтиёрким, ул чуғул, ришвахорга,***

***Тангри инояти била қавми ҳазорани,***

***Андоқ қилайки, тажриба бўлсин ҳазорга.***

*Қози Ихтиёр туркий тилни билмас экан, унинг учун туркий тил қонун-қоидалари китобини битиб юборибди”.<sup>31</sup>*

Ҳерман Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида Нисорий фикрларини тўлдириб, Шайбонийхонни шундай тасвирлаган: “Шайбонийнинг шахси хусусида шуларни айтиши мумкин: у ҳар ҳолда ўзининг эронлик душманлари тарафидан тасвир этилганидек, нимани хоҳласа, шуни бажариб юрувчи ваҳший бир кимса эмас эди. Масалан, у замоннинг руҳоний уламоларига катта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар кичкина гўзал кутубхонасини олиб юрар, Темур каби у ҳам давр уламоси билан диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфлар билан баҳслашган. Бобур Шайбонийнинг маъносиз ва лаззатсиз шеърлар ёзганини, уларни (Ҳиротда)

<sup>31</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993.-Б.17-21.

минбардан ўқишга амр этганини истехзо билан баён қилади. Аслида эса, бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортиқ даражада қалам соҳиби бўлган. Чунки унинг шеърлари, душманлари фикридан тескари ўлароқ, буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини кўрсатмоқда.”<sup>32</sup> **Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”**да хукмдор шоирни “*фирдавсмакон Шохбудоғ тожининг бахти ва Абулхайрнинг набираси эди. Унинг шавкати ва адолати замон аҳлига маълумдир. Унинг баёнини бирор муносиб сўз билан бошлаш мушкул,*” деб зикр этган: “*Баҳодир, одил, карим ул-таъб ва бетакаллуф подшоҳ эди. Идроки ва таъби баланд эди. Турк бўлганлиги учун туркий иборалардан ниҳоятда баҳраманд эди. Шунга кўра ундан гоҳ-гоҳида бирор назм зоҳир бўлар. Ва Маишҳади муқаддасда Ҳазрат Имом Али ар-Ризо (алайҳит-таҳийёту вас-сано)га атаб қасида айтган. Мана бу икки байт ўша қасидадандир.* Назм:

***Тусу Маишҳадким, лутфи эҳсон андадур,  
Равзаи Султон Али – шоҳи Хуросон андадур.***

***Гумбазинг қуббаси оламга бўлди нурбахш,  
Кўр эрурким, партави хуришиди тобон андадур.***

Унинг мана бу форсий матлаъси ҳам машҳурдир. Матлаъ:

***Булбулони ту ки жонам булбулон оварди,  
Булбулони шаккарин то булбулон оварди.***<sup>33</sup>

(Мазмуни: *Жонимга булбулларни келтирган сенинг булбулинг, Шакар (сўзли) булбуллар булбул келтирди.*)

Шайбонийхон бадихатан яъни, ўйлаб ўтирмасдан, ҳозиржавоблик билан ҳам шеърлар айтган. Пўлатжон Қайюмов “Тазкираи Қайюмий”да ёзишча, “*Ҳирот айёнлари шаҳардан чиқиб, бориб (Шайбонийхон ҳузурига) табрик маросими ижро этдилар, итоат этдилар. Бунда биздан сизга бошқа нималар керак, деб Шайбонийни дуо этдилар. Сархуш ҳолда Ҳирот шаҳри вакилларига хитобан бу байтни демишдир:*

***Эй мардумони шаҳри Ҳирот барчангиз керак,***

<sup>32</sup> Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН-1990.-Б.91.

<sup>33</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.34-35.

**Ҳозир бизга қози, кўзи бир қиз ила қимиз керак.**

*деб мутаоала этмишидир. Шайбоний туюғ сўйлашни суяр эди. Афғонга қарашли Амунинг чап соҳилида яшовчи ҳазора номли қавмга газаб ила бу туюқ(икки мисра)ни демишидир:*

**Тангри инояти била қавми ҳазорани,  
Андоғ этайки, тажриба бўлсун ҳазорага”.**<sup>34</sup>

Мухтасар айтганда, “Шахсан Муҳаммад Шайбонийхон ҳамда у тузган ва қарийб 100 йил яшаган давлатимиз хусусига келсак, у ва унинг авлодлари фаолияти ва қолдириб кетган маданий, маърифий ва меъморий ёдгорликларга қараб баҳо бермоқ жоиздир. Шайбонийхоннинг ким бўлганлигини, дунёқараши ва маънавий қиёфаси қандай бўлганлигини билмоқ ва аниқламоқ учун лоақал унинг ғазалларини ўқимоқ лозим. Фақат ачинарли ери шундаки, шўролар даврида чоп этилган тарихий ва бадиий китобларда бу тарихий шахс ҳақида нотўғри таассурот ҳосил қилинган эди”.<sup>35</sup>

## **2. МЎҒУЛ ХОНИМ**

Бобурнинг тоғаси Султон Маҳмудхоннинг қизи “Маҳди улё” - Мўғул хоним Муҳаммад Шайбонийхоннинг севимли хотини бўлган. У Муҳаммад Раҳим Султоннинг онасидир. Мўғулхонимнинг асли исми Оиша хоним бўлган. “*Жавоҳир ул-ажойиб*”да ёзилишича, “*Ақл ва фаросатда ўхшаши йўқлигини айтишининг ўзи унинг таърифига етарли. Табиати назм жавҳарлари билан зийнатланган эди. Ва ундан гоҳида назм зоҳир бўлар эди. Мана бу туркий матлаъ уникидир ва Убайдуллахон (унга) жавоб ёзган. Матлаъ:*

**Демаким, дардингни изҳор айла дилдор оллида,  
Қайси бир дардимни изҳор айламон ёр оллида.**

*Ўзбек хони Убайдуллахон жавоб тариқасида айтган (газалининг) матлаъси мана будир. Матлаъ:*

**Бир-бир айтинг, дўстлар, дардимни дилдор оллида,  
Айтиб-айтиб йиғлангиз зинҳор-зинҳор оллида”.**<sup>36</sup>

Шоиранинг шеърлари ўз замонида машҳур бўлган.

<sup>34</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.:Кўлёмалар институти, 1999.-Б.44-47.

<sup>35</sup> Ибраҳимов А. Бизким ўзбеклар. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2011.-Б.319.

<sup>36</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.155-156.

Нақл қилишларича, уни Убайдуллахон яхши кўрган. У Шайбонийхон ҳалок бўлгач, Убайдуллахонга тегади. У ҳам ўлгач, Кистан Қора султон билан оила қуради.

### 3. ПЎЛОД СУЛТОН

Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да Шайбонийхоннинг набираси Темур Султоннинг ўғли шоир **Пўлод (Фўлод) Султон ижоди ва адабий мажлисларига** тўхталган: *“Ўзбек султонлари орасида ҳусну жамолу караму табъ латофат ва тамкину ҳилму виқорда ундан яхшиси йўқ эди. Унинг мажлисида ҳамиша хуштабълилардан бирортаси ҳозир бўлар эди. Гўзал хулқи шу даражада эдики, бир кун и ўз масхарабозига деди: Сен бундай бадбашаранг билан қизларни ўзингга қандай ром қила оласан? У ўйлаб ўтирмай мана бу мисрани ўқиди:*

***Зар бар сари пўлод неҳи, нарм шавад,***

*(Мазмуни: Олтинни пўлатни устига қўйсанг, юмшоқ бўлади.)*

*Султон писандида ва ҳамида ахлоқ билан табассум қилиб, уни (уни) авф этди. Ва бу матлаъ уникидир:*

***Ҳар гаҳ ки боз бар каси пари ноз мекуни,***

***Дарҳо баруи ман з-бало боз мекуни.***

*(Мазмуни: Қачон биров томонга қараб ноз қанотини ёзсанг, Мен томонга бало эшикларини очасан.)<sup>37</sup>*

Шоир Бобур Мирзо ижодкор Пўлод Султон билан мактуб ёзишиб турган ва унинг адабий кечаларига ўз шеърий девонини юборган. Бобурнинг ёзишича, *“Самарқандга, Пўлод Султонга девонимни юбордим. Девоннинг орқасига ушбу кичик қитъани битдим:*

***Ул сарвинг ҳаримига гар етсанг, эй сабо,***

***Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.***

***Раҳм айлабон соғинмади Бобурни бор умид,***

***Солгай Худой раҳмин Пўлод кўнглига”.*<sup>38</sup>**

Бу ҳақда Бобур “Бобурнома”нинг 1509-1510 йиллар воқеаларида қайд этган. Яна бир рубоийсида ҳам шеърийтсевар Пўлод Султонга ўз девонини юборгани ҳақида сўз борган:

***Девонима не рабту не тартибдурур,***

<sup>37</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014. –Б.39-40.

<sup>38</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Ўқитувчи, 2008. – Б.179.

*Не жадвалу не лавху не тазҳибдурур,  
Гар санга йибордим ани, айб айламаким,  
Девонингни тиларга тақрибдурур.*<sup>39</sup>

Демак, юқоридаги маълумотлардан келиб чиқсак, икки ҳукмдор шоир ўзаро шеърлар ва девонлар алмашиб туришган. Демак, Пўлод Султон ҳам Бобурга ўз шеърларини юборган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

#### 4. УБАЙДУЛЛАХОН

Бу ҳукмдор ҳам шоир бўлган ва мажлисларда шоирларни шеър айтишга чорлаган. *“Убайдуллахон Ўзбек – зиёда рост салиқа ва шоиртабиат ва хуштабъ подшоҳ эрди. Ўзбакияда ул подшоҳдек далир биров бўлмандур. Табъи ақсоми шеърда яхши бордур.”*<sup>40</sup> Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, *“Хоннинг салим табъини бир нечта машгулотлар банд этганига қарамай, ул ҳазратнинг ўтқир зеҳни барча фазилатларни ўзида мужассам қилган эди. Олийшоҳ, ҳидоятпаноҳ – Мисра: - **Ошўби турки шўри ажсам, фитнаи араб** – туркларни ўз ошуфтаси қилган, ажсам халқи орасига завго солган, араб қалбини ўғирлаган - Мир Араб лақабли Амир Абдулла Яманийга эътиқод-иродати бор эди...*

Ҳазрат хон Шайбоний шаҳид бўлганларидан кейин Мовароуннаҳр вилоятларининг барчаси Шайбон султонлари қўлидан чиқиб, тўққиз юз ўн еттинчи йили мазкур амир (Мир Араб)нинг нафис нафаслари шарофати сабаб ҳазрат Убайдулло Баҳодирхон уч минг қуролланган чавандоз билан келиб, олтмиш минг кишига қарши жанг қилиб, **“Оллонинг изми билан озчилик кўпчилик устидан галаба қилади”** каримаси мазмунига кўра душман устидан галаба қозониб, Мовароуннаҳр мулкини бутунлай қўлга киритганлар. Тўққиз юз ўн саккизинчи йили юлдузи куйгур, ёмон юлдузли Нажмнинг газоти воқеаси рўй берди. Ўшанда ул бадбахтнинг толеъ юлдузи иззат авжидан тубанлик тубига эниб, нобудлик қуёши оловида куйиб қулга айланди ва бошидан тож дурри ва такаббурлик гурури учиб кетиб, жаҳаннам сари равона

<sup>39</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Т.: Фан, 1993.-Б.75.

<sup>40</sup> Муҳаммад Али Содикбек Содикий Афшар (Китобдор). Мажмаъу-л-хавос. Т.: Мумтоз сўз, 2019.-Б.20.

бўлди. Ва бу байт эса ул ҳазрат (Убайдуллохон)нинг таъблари маҳсулидир. Байт:

**Шуд зи оташи муҳорибаи сунниёни пок,**

**Нажми ситорасўхтаи рофизий ҳалок.**

(Мазмуни: Пок суннийлар уруши оловидан, юлдузи куйгур рофизий Нажм ҳалок бўлди.)

Мулки давлат таишишларига қарамасдан, Убайдуллохоннинг малакий сифат зоти **“Инсон ўз ҳиммати қаноти воситасила юксакликка кўтарилади”** тақозосига кўра, ҳамма олий ҳиммат ва олий гайратини илму камол мамлакатларини қўлга киритиш ҳамда фазлу фазоил шаҳарларини ишғол қилиш сари йўналтирган, яъни, жозибали саъй – ҳаракат машаққати ва жаҳду жадал масъулиятини ҳақойиқ ва дақойиқ таҳсили, ақлий ва нақлий билимлар учун сарф қилиб, илм йўлида тиришқоқлик намунасини кўрсатганлар, ҳеч қачон баракатли вақтларини беҳуда ва бекор кетказмаганлар. Тасаввуфда фикрлари мазмуни асосли ва кучли намоён бўлар, баланд маъноларни дилписанд иборатлар билан баён қилар эди. Ва бу рубоийни ҳазрат Махдумий мавлоно Косонийга...юборган.

Рубоий:

**Аҳволи ним, эй дўст, яке-ду бинам,**

**Ҳар чиз, ки бинам, ҳама бо ў бинам.**

**Мустағриқи “ҳу” чунон шудам дар ҳама ҳол,**

**Ҳу гуляму “ҳу” бишнаваму “ҳу” бинам.**

(Мазмуни: Ярим аҳволимни, эй дўст, бир-икки кўраман, Нимани кўрсам барчасини у билан бирга кўраман. Барча ҳолатда ҳам “ҳу”га шунчалар гарқ бўлибманки, Фақат “ҳу” дейман, “ҳу”ни эшитаман ва “ҳу”ни кўраман.)

Махдуми Аъзам Косоний бу рубоийга яхши шарҳ ёзганлар ва рубоий яратувчиси мақомотини баён қилганлар.

Ва Убайдуллохон ҳадис фанида муҳаддислар боши хожа Мавлоно Исфаҳоний шогирдидирки, алар сифати шарҳи машириқу мағрибда машҳур...

Фиқҳда замон фақиҳлари сарвари мавлоно Маҳмуди Азизоннинг...шогирдиким, алар етук таъби “Бидоя” мутолаасида қунт-эътиборни юқори даражага етказган зот эдилар...Ва қироати сабъада устози ҳофизлар қаймоғи мавлоно Ёр Муҳаммад

Қорийдир, шул боис хон қуръон қироатида беҳабар қадам босмасди ва тажвидсиз ўқишни мутлақо жойиз кўрмасди. Фазилатларининг энг яхши кўрсаткичларидан бири у Қуръон мутолаасини осонлаштириши учун туркий тилда ёзган Қуръон тафсириким, далилларга суянадиган асосда битилган ва фикҳ бўйича ёзган рисоласи ҳам фойдалар конидир...

Ва хони жаҳонпаноҳ даргоҳининг мулозимлари кўпинча фозиллар бўларди...Убайдуллахон шеър илмида соҳиби фан эдиким, бу ўринда таърифига эҳтиёж ортиқча иш. Тозий тилидаги бу газални жуда тиниқ (ва равон) ишио қилганлар. Ғазал:

**Ҳайра фи жамолиҳи унзур фи камолиҳи,  
Кулли лисон восиф фи сифати жамолиҳи...  
Ман ашақа лиқоука йахрукуху фироқука,  
Кайфа якувну ҳолиҳу ман раҳома биҳолиҳи.  
Толибука Убайдука минка хува йурийдука,  
Фааътиху муродуху анта туриду болиҳи.**

(Мазмуни: Ёр жамоли ҳайратга солур, қадди-қомати кўзинг олур, Ҳар бир тил эса ҳусни сифатни васф этар...Уни кўришга ошиққанлар, ҳажрида куйиб кул бўлди, Ошиққа раҳм-шафқат бўлса, у қандай бўлади ўзи? Убайдинг ҳам толибинг, у ҳам висолингдан умидвор, Кўнглинг раво кўрса, уни ҳам истагига етказгил.)

Ва мана бу форсий газалида ҳам дур сочувчи каломи мўл-кўл гавҳар ҳадя этган. Ғазал:

**Буй арбоби вафо аз гули мо меояд,  
Каъба зи он ру ба тавофи дили мо меояд...  
Чехра афрўхта имшаб зи май он шамъеи бутон,  
Бахри афрўхтани махфили мо меояд.  
Ҳар кужо дарди диле ҳаст, Убайдй, ҳосил,  
Батавофи дили беҳосили мо меояд.**

(Мазмуни: Вафо аҳлининг ҳиди бизнинг гулдан келадур, Шунинг учун Каъба ҳам бизнинг юракни зиёрат этгани келадур... Чехрасини ял-ял ёндириб ул санамлар шамъи майдин бу оқшом, бизнинг ўтиришимизни равшанлатмоқ учун келадур. Қаерда дарди шифо топган дил бўлса, Убайдий, бизнинг муродига етмаган дилимизни тавоф этгали келадур.)

*Ва бу туркий газалда ҳам онҳазрат қаламининг абри найсони тагин гуҳар сочувчилик ишини адо этган. Ва бу газал эл аро шуҳрат топган шеърлардандир. Газал:*

***Бир-бир айтинг дўстлар дардимни дилдор оллида,  
Айтиб-айтиб йиглангиз зинҳор-зинҳор оллида...  
На манга гамхораким, анга ҳолимни дегай,  
Не гамим ер, не сўзум айтур киши бор оллида.  
Эй Убайдий, билган эрмиш дард ила ҳолингни ёр,  
Ҳожат эрмас қилгасен дардингни изҳор оллида”***.<sup>41</sup>

Ўз замонининг шоирлари Убайдий ижодига юксак баҳо беришган. Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллонома”да ёзишича, “Убайдуллахон бин Маҳмуд султон бин Шоҳ Будог султон бин Абулхайрхон адолат шевасида динпарвар ва сиёсат йўлида зоятда машҳур бир подшоҳ эди.

...(У зоят) фазилатли бўлиб, фазлу камол безак(лар)и билан зийнатланган эди. Суханпардозлик шевасида сеҳрсозлик расмини тутарди.

*Маснавий:*

***Эй Парвардигор! У қандай сухандон подшоҳ,  
Сўз бобида зийрақлардан эди.  
Туркча ҳам арабча назм ва наср қилишда  
Сеҳрсозлик йўли унга халал эди.  
Шеър бобида у билимдонлар султони,  
Маданиятда у етакчи эди.  
У шеър дарёсида гавҳарга Уммон(денгиз)дек бой эди.  
Дарё соҳилига гавҳарни тўкиб юборарди.  
Шеърларининг мазмуни дилни олувчи, лафзи ширин эди.  
(Қалами) тиги шакар билан асалнинг аралашмаси эди.  
Фасиҳликда дами жонни парвариш қиларди.  
Иъзозда Исодан дарак берарди.”***<sup>42</sup>

Убайдуллахон кучли сўфий шоир, хаттот, тафсир ҳамда фикҳ илми билимдони, олим, қалам аҳли ҳомийси бўлган.<sup>43</sup> “Бу киши кучли сиёсий тадбирлилиги ила баробар тасаввуфга берилган сўфий эди. Таъби назми ҳам бўлиб, тахаллуси (Қўл Хожа Аҳмад

<sup>41</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. – Б.21-31.

<sup>42</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома.Т.:Шарқ НМК БТ, 1999. – Б.59.

<sup>43</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008.-Б.28.

каби) Қул Убайдий эди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг тариқатида бўлур эди...

*Навоийга эргашиб ёзган шеърлари бордир...*

*Чун бўлдум оиноси фоний жаҳон ичинда,*

*Эй дўст мосиводин бегона бўлгудекмен.*

*Девона қилди оқил ишқ ичра Қўл Убайдий,*

*Девона бўлдум эмди фарзона бўлгудекмен.*

Шеърлари шайбонийлари давлатида машҳур бўлган:

*Ҳар сафар ватан ичра сафар қилгумдур,*

*Юрмакда қадам узро назар қилгумдур.*

*Хилват тутмоқ ҳам анжуман ичра мудом,*

*Хилватгаҳи гурбатга гузар қилгумдур”.*<sup>44</sup>

“Аммо, Убайдуллахоннинг маърифатпарварлиги ва шоир сифатидаги ижоди, рисолалари китобхонлар диққатидан деярли четда қолмоқда. Ҳолбуки, унинг номи тилга олинган барча тарихий манбаларда яхши хислатлари ва шоирлиги тилга олинган.”<sup>45</sup> Жумладан, Абулхайр Фазлуллоҳ Ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида унга махсус боб бағишланган бўлиб, “У зийрак, ақлли, олижаноб, жасур, кенг маълумотли шоир эди”, деб таъриф берилади.<sup>46</sup>

## 5. КЎЧКИНЧИХОН

Самарқанд тахтига ўтирган шайбонийлардан шеъриятсевар ҳукмдор **Кўчкунчихон** ҳам ўз атрофида шоирларни тўплаб, шеърият мажлислари ўтказган: “Мазкур хон Самарқанд шаҳрида салтанат сура бошлади ва халифалик яловини осмон қуббасию, ою қуёш авжига кўтарди. Ўзининг ҳукмронлиги ва салтанат айёмида олиму фозилларга марҳамат ва таъзим бажо келтиришни ўз ҳиммати зиммасига олмоқни вожиб ва лозим, деб билди.”<sup>47</sup>

<sup>44</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Қўлёмалар институти, 1999.-Б.50-51.

<sup>45</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008.-Б.28.

<sup>46</sup> Фазлаллах ибн Рузбихан Исфahanӣ. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. Москва, Издательство “Наука”, 1976.-Б.124-125.

<sup>47</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеул вақоеъ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.-Б.17.

## 6. АБДУЛЛАТИФХОН

Шайбонийлардан **Абдуллатиф Баходирхон бин Кўчкинчихоннинг** ҳузурида доимий йиғинлар ташкил қилинганки, Ҳасанхожа Нисорий ўзбекча шеърлар ёзган хоннинг гоҳо шоирлару надимлар ва фозиллар билан суҳбат қурганлигини, тарих фани ва илму нужумдан хабардор эканлигини айтган: *“Гоҳо шоирлару надимлар ва фозиллар билан суҳбат қурарди. Аммо шеър айтиши билан кам шугуланарди. Ва бу рангин матлаъни ул жанобга нисбат берадилар. Матлаъ:*

***Мовий ёғлигини солибтур дилбарим қош устина,  
Ноз бирлан ҳар на қилса ул пари бош устина.**”<sup>48</sup>*

Шоир ва адабиётшунос *“Мутрибийнинг 100 ёш умр кўрган бобоси Малик Арғун ва отаси, амакиси ҳам шайбонийлар сулоласидан Абдуллатиф ва Абусаид бин Кўчкинчихонлар томонидан Самарқандда маданият ва шеърят аҳли иштирокида ўтказиб турилган йиғин ва мушоираларда фаол қатнашганлар”*.<sup>49</sup>

## 7. АБДОЛ СУЛТОН

Самарқанд султони Абдолхон Абдуллатифхон бин Кўчкинчихон Самарқандийнинг ўғлидир. Довруқли исми ва атоқли оти Абдулмаликдир. Ўз даврида **Абдол султон** шеърда “Хуш” тахаллуси билан танилган. Фозил ва латиф таъби шеър айтишга мойил подшоҳ бўлган. Маълумотларга қараганда, фазл аҳлига кўп риоят ва хўб иноятлар кўрсатган.<sup>50</sup>

“Тазкират уш-шуаро”да ёзилишича, Мутрибий билан учрашувда султон қуйидаги рубоийни ўқиган:

***Ойнаи рухсори ту ҳайронам кард,  
Ошуфтагийи зулф паришонам кард,  
Дар ишқи ту доштам сару сомоний,  
Ҳажри ту ажаб бесару сомонам кард.***

<sup>48</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993.-Б.31-32.

<sup>49</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.4.

<sup>50</sup> Кўрсатилган асар. – Б.28.

*(Мазмуни: Ойнаи рухсоринг ҳайрону зор айлади, Тим қора сочинг тийраи рўзгор айлади, Ишқингда бор эрди тинчу қарорим менинг, Ҳажринг сенинг не ажаб беқарор айлади.)*<sup>51</sup>

“Мазкур салтанат шиорли ҳазратнинг таъби тиниқ ва соғлом бўлиб, матбуъ шеърларга қараганда, кўнгли кўпроқ маснуъ шеърларга боғланган эди. Шу сабабли таъби аниқлик билан танилган Дайрий Тошкандий сингари бошқа шоирларни эъзозларди. Ўтмишнинг маснуъгўй шоирларидан Хотамийга эътиқоди кучли эди ва бу султоннинг ўтиришлари(мажлислари)да кўпинча Хотамийнинг шеърларидан ўқиларди”.<sup>52</sup>

Дайрий Тошкандий Абдол Султоннинг маддоҳи бўлиб, шу салтанатпаноҳ мадҳида беназир ғазаллар ва ёқимли қасидалар яратган. Маснуъ фанидан ҳам хабари бўлиб, мазкур шахриёр мадҳида бир мутаййир яратган ва ушбу байтни унинг саккизинчи устунидан мувашшаҳ сифатида чиқарганди:

***Ҳаст дар жуд чу Хотам маху сол,  
Вориси мулки Самарқанд Абдол.***

*(Мазмуни: Саховатда Хотам эрур ой ва йил бариси, Абдол Султон Самарқанд мулки вориси.)*

Унинг матлаъ ва мақтаъси қуйидаги шаклда бўлган:

***Эй, шаҳи Жам иқтидор, эй подшоҳи мулки дин,  
Эй, Сулаймони замон, эй хусрави рўйи замин.  
Чун дуои хайр карди Дайриё, аз пай бигў,  
Астажаб ҳаза-л-дуо манни илаҳ-ил-оламин.***

*(Мазмуни: Эй, Жамшиддек қудратли шоҳ, эй дин мулкининг подшоҳи, Эй замон Сулаймони, эй ер юзи хусрави. Дуои хайр қилгач, эй Дайрий, кетидан дегил сен: “Бу дуо оламини Яратган томонидан мустажоб бўлсин”.)*<sup>53</sup>

Шоир Масихий Самарқандий ҳам Абдол султоннинг маддоҳи бўлган.<sup>54</sup>

---

<sup>51</sup> Кўрсатилган асар. – Б.29.

<sup>52</sup> Кўрсатилган асар. –Б.28-30.

<sup>53</sup> Кўрсатилган асар. – Б.195.

<sup>54</sup> Кўрсатилган асар.-Б.108.

## 8. САЪИД СУЛТОН

Шоир Саъид султон ва Жавонмардали султон ҳузуридаги йиғинларда ҳам олиму фузалолар, шоирлар йиғилишар, бундай кечаларда куй –қўшиқлар ижро этилган.

Султон Саъид шайбонийлар сулоласининг тўртинчи хони Абусаъидхон ибн Кўчкинчихон ибн Абулхайрхон(1472-1533)нинг фарзандидир: “Ахлоқи ҳамида ва атвори писандида деб таърифланган. Табъининг назмга мулойимати бўлганлиги учун Кўҳкан деб тахаллус қўйган. Ушбу бир неча байт уники бўлиб, устод Мўмин Жарроҳ унга сурат чизган. Назм:

*Аз куйи ту ҳар субҳ насиме баман ояд,*

*Шодам ки накҳати он пираҳан ояд.*

*Бо хоки сари куйи ту нисбат натавон кард,*

*Ҳар нофаи мушкин ки зи тарафи Хўтан ояд.*

(Мазмуни: Ҳар тонг сен томондан насим мен томонга келар, Шодменки, ундан сенинг кўйлагининг ифори келар. Сенинг кўй(қишлогинг)инг тупрогини, Хўтаннинг ҳар қандай Мушки билан тенглаштириб бўлмайди.)<sup>55</sup>

Султон Саъидхон “Султон зотли султон бўлишига қарамасдан, дарвешларга мухлис бўлган ва уларга эътиқод қўйган. Иродату муридлик нисбати ҳазрати шайх Ҳусайн Хоразмийга бўлган...

Нақл қилишларича, шайх Ҳусайн Хоразмий Шатрий қишлогиде ариқ қазиб юрган экан. Ва салтанатпаноҳ Саъид султон ҳам ёнларида огир-огир тошларни енгилгина қўпориб, уларга ёрдамлашар экан. Алар ҳазратлари султонга қараб “бу киши бизнинг Кўҳканимиз” (Фарҳоднинг тоғ қазувчилиги учун олган лақаби, “Тоғ қўпоровчи”) дебдилар. Шунга кўра, султон Кўҳкан иборасини ўзининг тотли шеър ва ширин гуфторида тахаллус қилиб келади...

Ўша кезлари ҳазрат шайх султонга “бизнинг олдимишга кўп келиб кетасиз, салтанат ишларига халали етмасин тагин” деган эканлар. Бир газал мақтаъсида султон шайхнинг мазкур эътирозига ҳам ўз муносабатини билдириб ўтган. Мақтаъ:

*Шириндаҳано, хотири худ ранжа мафармо,*

<sup>55</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.41.

**Ҳар лаҳза ба кӯи ту агар Кӯҳкан ояд.**

(Мазмуни: *Ширин сўзлик, кўнглингни беҳуда ранжитма, Агар ҳар он Кӯҳкан кўчангга келса.*)

*Замон мусаннифлари куй басталаб, бу абётни тараннум қиладилар ва мулойим нағмалар билан дилни ўғирлайдилар...*<sup>56</sup>

Мутрибийнинг ёзишича, йиғинлардан бирида беҳиштмакон хон ҳазрат **Султон Саъидхон** (Самарқандда 1533-1572 йилларда ҳукмронлик қилган) Хожа Осафийнинг ушбу матлаъли ғазалини шоирлар орасига ташлаб, жавоб сўраган:

***Нарехт дурди май ва муҳтасиб зи дайр гузашт,***

***Расида буд балое ба хайр гузашт.***

***3-марғзори жаҳон Осафий, гурезон бош,***

***Ки з-ин диёр Сулаймон ба ваҳшу тайр гузашт.***

(Мазмуни: *Май зўтрасин тўкмасдан муҳтасиб майхонадан ўтди, Бир бало етишган эди-ю ҳайрият, иш шу билан ўтди. Жаҳон ўтлогидан, Осафий қочувчи бўл, чун Бу диёрдан Сулаймон ҳайвону тайр билан ўтди.*)

Замона шоирларидан кўпчилиги бу ғазалга жавоб ёзишга уриндилар. Улар орасида мавлоно Мушфиқий, Фуруғий Самарқандий, Мулло Боқий Хумдонагий ва бошқа шоирлар бор бўлган. Аммо шулар қатори мусобақада қатнашган Мулло Муҳаммад Боқий Каффош томонидан битилган ушбу ғазал барчанинг жавобидан яхши деб топилган:

***Сабо зи куйи ту жонам ба расми сайр гузашт,***

***3-рашк жон ба лаб омад маро ки гайр гузашт.***

***Ба юзу боз гузашту аз он шудам хушдил,***

***Ки шоҳи ман чу Сулаймон ба ваҳшу тайр гузашт.***

(Мазмуни: *Жоним, кўчангдан сабо расми сайр билан ўтди, Рашкдан жон оғзимга келди, чун гайр билан ўтди. Йўқ, този-ю лочин экан улар, хайрият севиндимки, Шоҳим Сулаймондек ҳайвону тайр билан ўтди.*)

Бу байтдаги “ваҳшу тайр” (ҳайвону қуш) сўзларининг ишлатилишини айрим фозиллар Хожа Осафий байтидаги “ваҳшу тайр”дан кўра яхшироқ бир тарзда намоён бўлган, деб топишган.<sup>57</sup> Нисорийнинг ёзишича, Мавлоно Файзий Навшод Султон Саъид

<sup>56</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993.-Б.47-50.

<sup>57</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т: Мумтоз сўз, 2013.-Б.148-149.

мадҳида бир қасида битганки, биринчи мисрасидан туғилган йили санаси ва қолган мисраларидан тахтга ўтириш таърихи ҳосил бўлган.<sup>58</sup>

## 9. БАҲОДИР СУЛТОН

Баҳодир Султон ибн Султон Саъидхон “кичик ёшли, аммо фазлу камол толиби ва ажиб бир ҳусну жамол соҳиби, юзи гўё гўзаллик мусҳафидан бир оят ва Юсуф қиссаси юзининг чиройидан кўп хижолат бўлган бир подшаҳзода бўлган...

Ҳали бу фақир (Мутрибий Самарқандий) шеър айтмоқ водийсига қадам қўймаган ва шеър фанида бирон нарса ўқимаган кезларимда бир кун мазкур шаҳзода “ушбу матлаъни мен ёзганман”, деб қолдилар. Матлаъ:

**Раҳий намуда зи сифри даҳон чун “Тоҳо”,**

**Набурда пай ба румузи ченин муаммоҳо.**

(Мазмуни: Оғизнинг тор дарчасидан йўл топди “Тоҳо”дек, Англамади бу муаммоларда не сир-асрор, лек.)<sup>59</sup>

## 10. ЖАВОНМАРДАЛИ СУЛТОН

Муъиниддин Жавонмардали Султон бин Абусаидхон “Жавонмардликда донг таратган, зайрат-шижоатда барчани ўзига қаратган султон (бўлган). Фозилларга рағбату тарбиятлар кўрғазувчи, улуг шайхлар ва ҳурматли мавлоноларга кўп ихлосли ва етук ихтисосли зот (бўлган). Олий мақом оталарининг ҳазрат шайх Худойдодга муҳаббат ва дўстлик эҳтироми бўлгани сабабли унинг ҳам яхши андишали шайх Дарвеш шайх томон ниёзу эҳтиёж йўли бор (бўлган). Ва лутф эшиklarини аларнинг вафоли дўстларига ланг очгандир ҳамда салтанатпаноҳнинг латиф таъби фозиллар суҳбатига ҳам жуда мойил (бўлган). Муаммо фанида билими етук бир алфозда бўлиб, мушкул таркиботлар таҳлилини осонликча чиқара олган. Таърих айтишида шоирлардан сўзамоллик тўпини нотиқлик човғони билан олиб қочган. Фаровон лутфу карамлари билан бирга олиму фозилларни баҳраманд қилиб, санъат

<sup>58</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993.-Б.266.

<sup>59</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. – Б.44-45.

ва ҳунар кишиларига эъзоз-эҳтиром кўрсатган...Бу таърихни яхши айтган:

*Асоси хонаи маҳдуми олам,  
Бувад сад бор аз гардун зиёда.  
Фитода чун дили арбоби маъий,  
Даруни ўзи ҳарфи гайри сода.  
Зи ҳар сўяш даре меъмори тақдир.  
Ба рўй мардуми олам кушода,  
Таоллоҳ зиҳи маъвои дилкаш,  
Ки раишки жаннат-ул – маъво фитода,  
Хирад торихи солаширо чунин гуфт,  
“Мақоми нек бо маҳдуми зода”.*

Ва Мушфиқий исмига айтилган бу муаммоси ҳам жуда яхши чиққан. Муаммо:

*Имрўз, ки жонам ба лаб аз муштоқист,  
Дар мажлиси азёр маҳи ман соқист.  
Дил хост ба кина сўи ў биштобад,  
Гуфтам: “машироб, нақди кин то боқист.”<sup>60</sup>*

Ҳасанхожа Нисорий “Музакири аҳбоб”да ёзишича Мавлоно Сафойй “Жавонмардали Султон номига муаммо айтганки, ундан минг исмдан кўпрогини чиқарса бўлади. Муаммо:

*Он шўҳи ки ҳаст манзилам хоки дараи,  
Ғофил натавон буд даме аз назараи,  
Бинам суи меҳру моҳ агар аз пайи ҳам,  
Дар ҳам шуда ёбанд ба таври дигараи.<sup>61</sup>*

(Мазмуни: Уйимдаги шўхликлар, эшик, тупроғи, Ундан гофил бўлолмасдим. Муҳаббатга, ойга бошқача бўлса бўлардим.)

## 11. АБУЛҲАЙР СУЛТОН

“Тазкират уш-шуаро”да Мутрибий Самарқанд ҳукмдори шоир **Абулхайр Султон бин Жавонмардалихон** мажлисига иштирок этганини ёзган: “Кўпинча вақтини (Абулхайр Султон) Самарқанднинг шакар оғизли, ширин лабли ва пари юзли гўзал таълилари давраси ва қуришвида ўтказарди. Олий йигини

<sup>60</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. – Б.50.

<sup>61</sup> Кўрсатилган асар. – Б.213-214.

(мажлиси) намакин (латофатли) дилбарлар ва нозанин маҳвашлар туфайли Чин нақшхонасининг ҳам раишк этадиган жойига айланган эди.

Ёшлик гурури орқасида отаси ва жонажон ога-иниларига қарши муҳолифат йўлига кириб, жаннатмакон Абдуллахондан уларга қарши курашда ёрдам сўраб борди. Унинг бу байтлари худди шу маънодан дарак бериб тургандек:

**Боз дар сар ҳаваси тигу синон аст маро,  
Боз шоҳоншоҳии ҳар ду жаҳон аст маро.  
Дил гирифт аз падар ва ҳам зи жавонмардии у.  
Обрў дар қадами ҳазрати хон аст маро.  
Хони хонон ва шаҳи оламиён Абдуллоҳхон.  
Он ки дар давлатиш осойиши жон аст маро.**

(Мазмуни: Яна қилич-қалқон ҳаваси келди маним бошима, Тагин икки дунё шоҳлиги келса дерман қошима. Кўнглим қолди отамдан, қуриб кетсин жавонмардлиги, Ҳазрати хон қадамидан ортар обрў мани бу ёшима. Хонлар хонию, оламлар шоҳидир Абдуллоҳхон, Давлати жон роҳати – куч қўшар сабру бардошима...)

Аммо ҳазрат салтанатпаноҳий Абулхайр Султон Ишқий мўътабар хуштабълардан ва шуҳрат топган сўз усталаридан эди. Шеър айтишда унинг қоидаларига тўла риоят қиларди. Ўткир фаҳми ва бало қўптирувчи зеҳни бор эди. Мана бу газал унинг жонпарвар гуфторидандир:

**Манам зи теги фироқи ту дил фиғор нишаста,  
Зи дурии гулрўйи ту беқарор нишаста.  
Ба тарфи гулшан куют, ба ёди он гул руят,  
Фиғору гамзада, ҳар гўша сад хазор нишаста...  
Ба ёди он гулру мустаманди Ишқий бедил,  
Нигоре, гам зада бо чаими ашкбор нишаста.**

(Мазмуни: Менман фироқинг қиличидан дил афгор ўтирган, Гул юзингдан узоқ тушиб, беқарор ўтирган. Гулшан кўчанг четида гул юзинг ёди билан, Юз минг киши ҳар бурчакда гам-ла абгор ўтирган. Гул юзли жонон ёдида бўлибсан Ишқий асиру, бедил, Фақат сен гамзада, кўзи ашкбор ўтирган).<sup>62</sup>

“Тазкират уш-шуаро”да Мутрибий Султон Абулхайр Ишқийнинг яна икки байт шеърини келтирган:

<sup>62</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б.33-35.

**То хиромад соқии гулрух сӯи базми висол,  
Лолаи хунин кафан гардида поёндози ол.  
Нест моҳи нав ки шуд оғишта дар айни шафақ,  
Нохуни шир аст гулгун гашта аз хуни гизол.**

(Мазмуни: Гул юзли соқий кетар висол базмига қўлда пиёла, Йўлга тўшалган ол поёндоздек қон кафанли лола. Шафақда қизил кийган янги ой эмас – шеър панжаси, Бўёқ бермиш унга бағри қонидан тоғда гизола.)

Камина (Мутрибий) бир рамазон ҳайити куни Самарқанднинг Оқсаройида Абулхайр Султоннинг қутлуг суҳбатлари(мажлиси)га етишганман.

-Ҳайитлик газал айтдингми?-деб сўрадилар мажлисда.

Бундай газал ёзмаганим учун жуда қийин аҳволда қолиб, узр сўрашга тушдим ва “бу банданинг айтганлари барибир ҳазрат салтанатпаноҳнинг ҳумоюн суҳбатларига лойиқ бўла олармиди? Агар вожибу-л-иъзон, яъни ҳамма бажариши шарт фармон шарафини топсам, ҳазрат ҳақойиқ паноҳий, хўжаста фаржомий (Абдураҳмон Жомий) шеърларидан бир ҳайитлик газални ҳазратларининг шарофатли арзларига етказган бўлардим” – дедим хижолатпазликдан чиқишга уриниб.

-Қутулишининг зўр йўлини ўйлаб топдинг-а! – дедилар султон табассум қилиб.

Шундан сўнг шеър ўқишга рухсат олиб, ушбу латиф газал (Жомий шеъри)ни шариф эътиборларига ҳавола қилдим.

Газал:

**Соқий, ба шакли жом бар омад ҳилоли ийд,  
Май дех ба фарри давлати Султон Абусаид.<sup>63</sup>  
Қуфли ки руза бар дари айшу нишот зад,  
Шакли ҳилоли ийд, зи зар сохтааш калид.  
Минбаъд мову, майу, нуқли айш нақд,  
Ни шодмон ба ваъдаву ни хоиф аз ваъид.  
Аҳд баъид шуд ки зи май тавба кардаем,  
Набувад баъид нақзи ченин аҳдҳо ба ийд.  
Ийд нав асту, ёр нав аст ва баҳор нав,  
Дорад зи ҳар жаид дилам лаззати жаид.**

<sup>63</sup> Темурий султон Абусаид Мирзо кўзда тугилган.

**Шуд бар мазид ишрати мо аз дуои шоҳ,  
Бодаш ҳамиша давлати иқбол бар мазид.  
Жомий, шаккар лабони Самарқандро шудий,  
Аз жон мурид – “яссарак Аллоҳу мо мурид”.**

(Мазмуни: Соқий, жом шаклига кирди ийд ойи бу тун, Султон Абусаид давлатидан биза май сун. Шодликлар қопусига рўза урган қулфни, Зар калит шаклин ярим ой очди бугун. Биргамиз энди, май, газак ва ишрат ҳам нақд, На ваъдадан шодмиз, на дилда қўрқув устун. Майдан тавба аҳду паймони бўлди унут, Ҳайит куни ҳеч гапмас ечилса бу тугун. Ийд янги, ёр янги, баҳор келмиш янгидан, Ҳар янгидан дил завқи янгиланди бутун. Шоҳ дуосидан ортди ўйин-кулгу файзи, Унинг-да давлату бахти бўлсин доим фузун. Жомий, Самарқанд шакарлабларига бўлди Мурид: “Оллоҳ, умидингга осон етирсун”).

Ҳазрат салтанатишор Абулхайр Султон шундан сўнг “бу газалга Номий Ироқий қуйидагича жавоб айтган” дедилар:

**Моҳ нав аст, ин ки шуд аз осмон падид,  
Ё “нун”и охири рамазон аст ва “айн”и ийд.**

(Мазмуни: Ой янги бу оқшом, чун бўлмиш осмонда пайдо, Ё “рамазон” сўнггидаги “нун”, “ийд”нинг “айн”и ё?)<sup>64</sup>

Шоир Ҳофиз Боқий хонанда “наввоб Абулхайр Султон ибн Жавонмардалихон олдида ҳурматга сазовор киши бўлиб, подшоҳона гамхўрликларга эришган”.<sup>65</sup>

## 12. МУЗАФФАР СУЛТОН

Мутрибий Самарқандий шеър ёзган **Музаффар Султон бин Жавонмардалихоннинг** ҳам “мазали суҳбатлари бор эди”, деб таърифлаган: “Ҳамиша олий хотири ҳимматини фазилатлар қўлга киритишга қаратарди. Фаҳму идроки ўтқир ва табъи дилжу эди...Бу матлаъ ва рубоий унинг латиф гуфторидандир. Матлаъ:

**То ба қатлам ханжари хунрез он дилбар кашид,  
Жонам аз дарди жудой оҳ аз дил бар кашид.**

(Мазмуни: То қатлим учун қонли қилич ул дилбар тортди, Жон жудолик дарди ила оҳни дилдан тортди.)

<sup>64</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б.33-37.

<sup>65</sup> Кўрсатилган асар. –Б.144.

*Рубоий:*

***Паймонаи май ҳарифи дерини ман аст,  
Ҳам суҳбату ҳамнешин ва ойини ман аст,  
Рӯзе ки агар май нахӯрам, мемирам,  
Гуё майи талх жони ширини ман аст.***

(Мазмуни: *Май қадаҳи эски қадрдон менга, Суҳбатда улфат – жумла жаҳон менга, Май ичмаган кун, ўлганим куним, билмам, Аччиқ маймидир, ё ширин жон менга?*)<sup>66</sup>

Музаффар султон ҳам адабий мажлислар ташкил этилган: “Бир куни Абдуллатифхоннинг жаннат боғларини эсга солувчи чаҳорбоғида булбулларнинг мастлиги бошланувчи гул мавсуми чоғи мазкур шаҳзоданинг ўтиришига етишдим. Ўйин-кулгу мажлиси қизиган – мутриб ўтирган, соқий турган эди. Бир пиёла май узатдилар. Узр сўраб, “бу нарсадан тавбам бор” дедим...

Шундан сўнг шу ердаги қийғос очилган бир даста гул гунчасига қараб: “Агар мана шу гунча ва ушбу гулгун ўтиришимизга яраша газал айтсанг, сени шароб ичиши мажбуриятидан озод қиламиз”, - дедилар. Фақир (Мутрибий) бир оз ўйланиб олгач, мана бу газални тўқиб, арзларига етказдим.

*Ғазал:*

***Ба боғ гунча суҳан чун зи лаъли дилбар кард,  
Сабо даҳони уро нур зи хирдаи зар кард.  
Нешин ба пойи гул ва бода хўр ки накҳати гул  
Ҳавойи боғ чу фирдавс руҳпарвар кард.  
Хуш он касе ки дар ин базмгоҳ нақди ҳаёт,  
Мудом сарфи майи ноб ва жому соғар кард.  
Дило, махўр гам рузе, асири ҳирс мабош.  
Ки мерасад ба ту ризқ онче ҳақ муқаддар кард.  
Зи Мутрибий ҳама буи шароб меояд,  
Қазо ба бода магар тийнатаи мухаммар кард.***

(Мазмуни: *Боғда дилбар лаби васфин гунчаи тар этди, Сабо оғзин анинг олтин кукун-ла зар этди. Ўтир гулга бақамти, май сипқор, чун гул иси, Боғ ҳавосини жаннатдек руҳпарвар этди. Хушбахт ул кишиким, бу базмгоҳ ичра доим, Ҳамроҳин гар майи нобу жому соғар этди. Эй дил, бу кун гамин ема, бўлма ҳирсга асир, Етгуси ул*

<sup>66</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. – Б.45-46..

*ризқким, Ҳақ сенга муяссар этди. Мутрибийдан бошдан-оёқ анқир шароб ҳиди, Тийнatin майдин магар қазову қадар этди?).<sup>67</sup>*

### 13. СЕВИНЧХОЖАХОН

Тошкент хони шеъриятсевар Севинчхожахон мажлисида ҳам “Тошканднинг акобиру улуғлари, уламою фузалоси жам бўлган эди. Унда илму уламо фазилатлари борасида сўз борган”.<sup>68</sup> Шоирлар шайбоний султоннинг мадҳ этиб қасидалар ўқишган ва мушоиралар уюштиришган.

### 14. НАВРЎЗ АҲМАДХОН

Зайниддин Восифий Шайбоний султонлардан шогирди шоир **Наврўз Аҳмад** адабий кечаларида қатнашган ва “Бадоеъул вақоеъ”да унинг мажлислари ва ижодига тўхталган: “*Кеч кириши билан сабоқ ва варақларда машқ қилишдан фориз бўлиб, созандалар созини чалиш ва навозанда мутриблар ижросига эргашишга ҳаракат қиларди. Жонфизо наволари ва дилрабо нагмалари билан чангчи Зухрони фалакдан Ер томон индира оладиган, тарабангиз куйлар ижроси билан бенаво ошиқлар кўзларидан қўшалоқ булоқ оча оладиган муганнийлар табақаси билан суҳбатлар қуради. Мулойим нақорат, мавзун нагмалар адоси ва ритм усуллари ҳосилларидан сўнг улар бу киши билан қонунда машқ қилардилар. Токи мусиқий илмида ва адвор фанида шундай жойга етдиларки, нишот кўзгатувчи замзамаси хушовоз Ноҳиднинг қулогини чанг гўшасидек бураб қўя оларди. Туркона куйлаганда руднинг қуруқ торлари дастидан айи булогига сув очиларди, чаשמининг бир имоси билан минг чаשמани очиб юборарди. Гоҳида фикр хазинасини аруз баҳрида оқизар ва суханварларнинг соғлом табъи садафидан чиққан буюк шоирлар фикри дур бўлаklarини фаҳму фаросати риштасига тизарди.*”<sup>69</sup>

Усмонли турк империяси адмирали Сейди Али Раиснинг ёзишича, у Самарқандга борганда, шайбоний султонлардан

<sup>67</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 45-47.

<sup>68</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т.: Ғ.Фулом номидаги АСН, 1979.-Б.68.

<sup>69</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т.: Ғ.Фулом номидаги АСН, 1979. – Б.69.

**Бароқхон (Наврўз Аҳмад)** мажлисида бўлган: “*Бир кун Бароқхон суҳбат вақтида: “Анча шаҳарларни кўрдингиз, шулардан қайси бири сизга ёқди?” – деб савол берди. Мен:*

*“Дил саркўйинг кўйиб этмаз бихишти орзу,  
Ҳар кишия генди шахри ек гелур Бағдоддин” (Нажотий),-  
дея жавоб берган эдим, хон завқланиб, “воқеан чин айтурсан,  
мундоқ тур”, деб сўзимни маъқуллади”,<sup>70</sup> деб ёзади турк адмирали.*

“Бароқхон – Севинчакхон (Севинчхожа Султон)нинг фарзандидир. Асли номи Наврўз Аҳмаддир ва шу сабабдан Наврўзий деб тахаллус қўйган. Аксар хатни яхши ёзган. Мақтовга лойиқ сурати ва сийрати бор ва доду адлда оламга машҳурдир. Илм талаби ҳам қилди ва назмда таъби ниҳоятда яхшидир. Бу матлаъ уникидир. Матлаъ:

*Пой дар таҳсили ёру ёр дар дил буда аст,*

*Ҳосили таҳсили мо таҳсили ҳосил буда аст.*

*(Мазмуни: Ёрни билиш учун қадам қўйсак, ёр қалбимизда экан, Билишимизнинг натижаси натижанинг ҳосили экан.)*

*Бу матлаъ ҳам уники бўлиб, ўзининг кўзи оғриши сабабли айтилган. Матлаъ:*

*Аз рамад гар дидаи мо дарди беҳад кард, кард,*

*Ин ки, маҳрумаи аз висолаи кард моро, дард кард.*

*(Мазмуни: Шамоллашдан кўзимиз ниҳоятда кўп оғриди, Шундай қилдики, висолдан маҳрум қилди, дард қилди.)<sup>71</sup>*

## 15. ДЎСТМУҲАММАД СУЛТОН

Хасанхожа Нисорий шоир Дўстмуҳаммад Султон бин Наврўз Аҳмадхон бин Севинхожахон (мажлиси) ва ижодини таърифлар экан, “латиф таъби шижоатга мойил ва олиму фозиллар суҳбатига жон-дил билан ҳозир” деб таъкидлаган. “Олий мажлисини бу тоифа (олиму фозиллар)дан ҳоли ўтказмайди, шунингдек шоиру надим кишилар ҳам унинг олий йиғинида ҳозиру нозир (бўлган). Кўнгил қувончи учун гоҳида шеър ва нафосат машаърига ҳам майил билдиради. Ва бу байтни унинг латиф шеърдан санайдилар. Байт:

<sup>70</sup> Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. Т.: Фан, 1963. – Б.99.

<sup>71</sup> Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014. – Б.38-39.

**Нофай он холи мушкни оҳуи Чин чун бидид,  
Аз хижолат пўст пушиду раҳи сахро гирифт.**

(Мазмуни: Ул мушкин холлининг холи тароватини кўрган Чин оҳуси, Уялганидан эгнига тери ёпиндию, сахрога қочди.)<sup>72</sup>

Усмонли турк империяси адмирали Сейди Али Раис Хоразм хони Дўстмуҳаммадхон мажлисларида ҳам иштирок этган. Кунлардан бир куни хон унинг ёзишича, Сейди Али Раисдан “Қайси томондан кетишни истайсиз?” – деб сўради. Мен: “Маиҳадий Хуросондан Эрон Ироқи (Ироқи Ажам) йўли орқали Араб Ироқи (Ироқи араб)га, яъни Бағдодга бориш ниятидамиз”, - деб жавоб берган эдим, у: “Ҳозирча шу ерда дам олиб туринг, мангит баҳорда яйловга чиқиб кетади, шу чоқда йўллар тинч ва бўш бўлади: рус ҳам бартараф бўлиши мумкин: Бағдод эса бу ердан анча узоқ”, - деди. Мен унга:

**“Сандан ўлурса ёра агар бўъди машиқайн,  
Саъйи эт, кўнгил ки, ошиқа Бағдод йироқ дегил”**  
(Нажотий),- деб жавоб бердим”,<sup>73</sup> - деган “Мирьотул мамолик” асарида Сейди Али Раис. Усмонли турк адмирали хон мажлисларида ўз ғазалларини ўқиган.

## 16. АВАЗ ҒОЗИ СУЛТОН

Хоразм султонларидан шайбоний ўзбек шоири **Аваз Ғози Султон бин Султон Ғозининг** “латиф таъби мудом фузало суҳбатини истаган, шариф ўтиришини уларсиз ўтказмаган. Яхши шеърлари ва ёқимли сўзлари бор бўлган. Сўзининг жавоҳири маъно саррофлари олдида ўзининг баланд баҳосига эга бўлган. Ва бу матлаъ унинг шариф каломидан. Матлаъ:

**То телбалигим арсан оламни тутубтур,  
Мажнунни, мени кўргали, даврон унутубтур.**

Унинг газалидаги бу байти расо хўб ва бениҳоя марғуб чиққан.

Байт:

**Новаклари мендин ўтуб ағёрға тегди,  
Мен билдиму жонимки, нелар мендин ўтубтур”.**<sup>74</sup>

<sup>72</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб.Т.: Мерос, 1993. –Б. 51.

<sup>73</sup> Сейди Али Раис. Мирьотул мамолик. Т.: Фан, 1963. – Б.107.

<sup>74</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб.Т.: Мерос, 1993. – Б.51.

“Мажмаъу-л-хавос”да Аваз Ғозий тахаллуси билан шеърлар ёзган Абдуллахон Ўзбек зикр этилади: *“Ўзбакия подшоҳларининг ашжаъи ва улуг хонларнинг акрамидур. Туркий ва форсий назмда яхши ёзур. Аваз Ғозий тахаллус қилур. Бу абёт ул подшоҳнингдурким,*

*То телбалигим шуҳрати оламни тутундур,  
Андин беру Мажнун сўзини эл унутурдур.  
Новаклари мендин кечиб агёрга декди,  
Жоним билур ул дамки, нелар мендин ўтундур.  
Бечора Аваз Ғозий нетиб васлига етсун,  
Ҳижрон ўти чун нахли умидин қурутундур.  
Фарҳод ила Мажнун не билур ишқ фунуним,  
Бу водийда шогирдим уларни ўқутундур.”<sup>75</sup>*

Демак, Аваз Ғози Нисорийнинг замондоши эканлигига келиб чиқсак, ҳамда “Мажмаъу-л-хавос”даги ушбу ғазал “Музақкири аҳбоб”да такрорланишига асослансак, Аваз Ғози Муҳаммад Али Содик Содикий ёзганидек Абдуллахон эмас, балки хоразм султони Аваз Ғозидир.

## 17. ЖОНИБЕК СУЛТОН

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома”сида ёзилишича, Шайбоний султонлардан **“Жонибек султоннинг...ҳамиша палоси чети буюк саййидлар, зўр уламолар ва ҳурматли шайхлар билан зийнатланарди. У яхши хулқларининг хушбўй ҳидларидан ул тоифанинг димоғларига иззат ва иқбол билан атир сепилгандай муаттар бўларди. Масалан, юқори мақтовли, саййидлик осмонининг қуёши, саодат қуёшининг осмони, турли илмларнинг жами, Тангри саропардасининг маҳрами, машҳур Саййид Хованд Бухорий, Мироху номи билан машҳур, олий насабли жаноб (бутун) олам уламоларининг алломаси, илм ва ҳикматлар сирларини очувчи, ҳар турли мушкул ва чигалларни ечувчи, зўр олимларнинг қаймоғи, сахий доноларнинг пешвоси, ҳадис билувчиларнинг эътибори, ҳақиқат тарафдорларининг саййиди, пайғамбар илмларининг мумтоз вориси... Қуръон оятларининг изоҳчиси Низомиддин Хожа мавлоно Исфаҳоний, жаноб саодат маржаи ва саййиднасаб, улуг**

<sup>75</sup> Муҳаммад Али Содикбек Содикий Афшар (Китобдор). Мажмаъу-л-хавос. Т.: Мумтоз сўз, 2019.Б.21.

каримларнинг хулосаси ва улуг шайхларнинг натижаси, фозилларнинг пешқадами, тамом фазилатларнинг эгаси, диққат ва ҳаёл қонунларининг тайинловчиси, фазлу камол асосини қурувчи Жалолуддин Подшоҳхожа эртаю кеч, ҳатто кечаси ва кундузи, ҳамиша, жаҳонгир улуг подшоҳ, халофотпаноҳ (Жонибек султон)нинг тахти пояларини ўпиши учун борар эдилар ва давлатпаноҳнинг дилкаш суҳбатлари, чиройли ва ёқимли базмларига қабул қилинардилар.”<sup>76</sup> “Ҳақиқатан ҳам шеъриятсевар Жонибек султон динпарвар, шариат қонунларини ёйгувчи, олий мартаба ва эҳсонини сира дариф тутмайдиган шаҳриёр бўлган. Маишат базми ва беҳиштга ўхшаш ўтириши ҳур юзли ёшлар билан безанар, ишрат ва чакчаклик мажлиси Эрам гулистони сингари жанжал тикани озоридан холи бўлиб, ҳеч бир тилёғламалик билан такаллуфсиз равишда ва сўзамоллик ҳамда маддоҳликка берилмай айтиш мумкинки, ул хусравнинг мазкур диёрда адолатшиор, мулойим гуфтор, яхши хулқ, эзгу ишлар билан подшоҳлик қилиши, мардоналиги ва ботирлиги бошқа шайбоний султонлардан бир неча бор устун бўлган.”<sup>77</sup>

## 18. ИСКАНДАР СУЛТОН

Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, “Муҳаммад хулқли, Юсуф юзли, Сулаймон мартабали, Яҳё кўнгилли, Искандар номли, Хизр илҳомли, Мусо қўлли, Исо дамли **Абулғозий Искандар Баҳодирхоннинг...**ўлтириб туриши доимо олиму орифлар билан кечади ва улуг алломалар аларнинг олий йигинида илмлар моликининг каломи – Қуръон маънолари баёнидан ўзганини такаллум қилмайдилар. Улуг машойихлар ул жаҳонпаноҳнинг даргоҳига фано сирларидан таиқари ҳадяни элтмайдилар ва аларнинг кўнгилларни уйготувчи суҳбатида бақо дурларидан бўлак тухфани қўлга киритмайдилар. Соҳибқирон мажлисининг саодати ҳумоюн йигиндаги қатнашчиларнинг латиф хотирлари сари йўналмоқ бўлган васвасалар ҳамда ҳадику хавф-хатарлар йўлини бекитиб, кўнгилларига бирон бир ёмон фикр йўл топишига имкон бермайди. Муаллифдан:

<sup>76</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Т.: Шарқ НМК БТ, 1999.-Б.63.

<sup>77</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.190.

***Сухбати хон аз васовис Жамъ созад хотирам,  
Раҳна бар Яъжуҷ бастаи Хосаи Искандар аст.***

(Мазмуни: Хон сухбати васвас гаплардан хотиримни жам қилади, Яъжуҷ-Маъжуҷ олдини тусмоқ Искандарга тааллуқли хусусият-да.)<sup>78</sup>

Искандар султон “Доимо мажлиси ва ўтиришини илму ирфон аҳли, фазилат арбобларию зуҳд ва қуръон асҳоблари билан бирга ўтказиб, қалби қувончи палоси ҳошиясини таъзимга лойиқ ул тойифа билан безар ва бу ўтиришларга фирдавс боғи каби оройиши ҳамда унинг ҳам яхши хулқ-атвори таровати ул азиз ва иқболли фирқа димоғига муаттарлик ва анбар баҳш этарди”.<sup>79</sup>

## 19. АБДУЛЛАХОН II

Шайбонийлардан шеъриятсевар **Искандар султон** ва унинг ўғли шоир **Абдуллахон II** саройидаги мажлисларда ҳам ўз даврининг кўзга кўринган шоиру олимлар иштирок этган. Нисорий Искандар султон ва Абдуллахон II саройининг “Малик уш – шуароси” бўлган. Искандар султон тасаввуф олими Махдуми Аъзам(1461-1544)нинг шогирди бўлгани учунми, асосан унинг бошчилигида дарवेशона мажлислар ташкил қилинган. Махдуми Аъзам Убайдуллахон, Жонибек Султон, Исфандиёр Султонларнинг ҳам пири муршиди бўлган.

Абдуллахон IIнинг мажлисларига саройда катта тайёргарлик кўрилиб, унга машҳур олимлар, фозиллар, зиёлилар ва шоирлар таклиф қилинган. “Бу хоннинг соғлом таъби ва ўткир зеҳни бор эди, сўзни топиб танлашда тенгсиз ва нозик маъноларни ишлатишда мислсиз даражада ном чиқаргандилар. Жаҳонбонлик мартабаси ва юрт бошқармоқлик рутбасига қарамай, сухандонлик ўлкаларини эгаллашга ҳам эътибор қаратардилар. Ва ширин сўзлар, рангин абёт айтишига ажиб бир майлу истаклари бор эди. Ва ушбу қитъа мазмунига кўра:

***Шоиронро азиз бояд дошт,  
Ки аз ийшон бақо назирад ном.  
Шеъри Салмон нигар ки тоза аз уст,***

<sup>78</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. – Б.10.

<sup>79</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.207-208.

### **Номи Султон Увайс дар айём.**

(Мазмуни: Шоирларни тутинг сиз азиз, Шеър сабаб номлар кетмас беиз. Салмон шеърдан умри мудом, Топмиш Султон Увайс деган ном.)

Шоирлар ва фозилларнинг иззат-икромини ўрнига қўярдилар ва ул тоифанинг ўша замонда бошқа кишиларга қараганда имтиёзлари кўпроқ юзага чиққанди.

Ва ул шоиру фозилларнинг хон ҳазратнинг атоқли номларига бағишланган зўр қасидалари, чиройли шеърлари ҳамда яхши таснифотлари ва дилтортар таълифотлари кўп”.<sup>80</sup>

Абдуллахон II истеъдодли шоир бўлиб, “Хон” тахаллуси билан ғазаллар ёзган. Мутрибий “Тазкират уш-шуаро”сида Абдуллахон Пнинг ўзбекча ва форсча шеърларидан намуналар келтирган: “Ҳазрат Абдуллахон гоҳида ёғдули кўнгиллари қувончи учун соғлом табъи ва ўткир зеҳни меваларини назм шаклида янада мазмундор қилардилар ва малики маннон Худо инояти воситасида ул ҳазрат иккита тил – форсий ва туркий шеър айтмоқ иқтидорига эга эдилар.

Ва бу дилкаш ғазални битиб, Бухородан Самарқандга Жавонмардалихон ҳузурига юборган ва унга жавоб айтишни сўраган эдилар. Ғазал:

**Дило, бар кан умид аз Қаршиву бигзар зи Косонаш,  
Ки, муштоқи Самарқандам, ба ду тоқи намоенаш.  
Ба Бозори чанаш бигзар ки то бини зи ҳар суре,  
Парируе, сиёҳ чашме ки гардад ақл ҳайронаш.  
Бўрув, бар тахт хуш биниин Сулаймонвор, ишрат кун,  
Ки жонро тоза медорад ҳавони Боги майдонаш.  
Жувози когазу Пушти расад фасли баҳор, эй дил,  
Деҳад ёд аз ҳарими жаннату фирдавсу ризвонаш.  
Ҳамиша орзуйи Хон ҳамин бошад ки дар олам,  
Равад суйи мазори шоҳу гардад аз гуломонаш.**

(Мазмуни: Эй дил, кўп боғланма Қаршига, не даркор сенга Косон, Самарқанд муштоқисан, юр қошдек Икки тоқи томон. Ўтгил Бозори чапи сари, кўрарсан ҳар ёнида, Неча пари юз, неча қора кўз, бўлиб ақлинг ҳайрон. Бор, ўтиргил чиқиб Сулаймондек тахтга-ю

<sup>80</sup> Мутрибий Самарқанди. Тазкират уш-шуаро. Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжонов. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.23.

лаззат ол, Чун Боги майдон ҳавосидан ҳузур топар танда жон. Эй дил, Қогоз жувози, Расадхона тепалигидир, Баҳор фаслида гўё жаннату, фирдавсу ризвон. Ба жаҳонда мудом Хоннинг орзуси шу бўлажакким: Шоҳ мазорига борсаю хизматида турса ҳар он.)<sup>81</sup>

Исмоил Бекжоннинг хабар беришича, “Нусхаи зебойи Жаҳонгир” да бу шеърга Жавонмардалихоннинг форсча жавоби ҳам берилган бўлиб, улар икки ҳукмдор ўртасидаги даҳанаки жанг ўрнида талқин қилинган.

Хон ўзбекча ажойиб шеърлар ҳам битган. Митрибийнинг ёзишича, “Ва бу туркий матлаъни Мирзо Наврўз ва Мирзо Қўшоёқларга қарата жуда яхши айтганлар ва у халқ орасида катта шуҳрат топган эди. Матлаъ:

***Бир аёқ ичтук ўшал Наврўзи мишкин қошдин,  
Қўш аёқ ичмай туриб чиқмас хуморлар бошдин.***

Ёшлари олтмишдан ошиб, бир минг еттинчи йили Худо ҳимоясидаги Самарқанд шаҳрида ҳаётининг балиғи фано гирдобига тушиб, қазо овчисининг қармоғига илинди ва “мусаффо асалдан бўлган дарёлар (“Қуръони карим. Муҳаммад (47) сураси, 15-оятдан)” томон майл билдирди”<sup>82</sup>.

## 20. АБДУЛМЎМИНХОН

Абдуллахоннинг ўғли шоир Абдулмўъминхон ҳузурида ҳам адабий кечалар ташкил қилинган. Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” да ёзишилича, бир куни балхлик шоирлардан Бўрий Балхий Абдулмўъминхоннинг суҳбатига бир байт битиб келтирди ва “бу байтим муттасилау-л-миншорий санъати (бунда араб ҳарфларидаги ост-уст нуқталар ишлатилмайди) билан безанган” деди.

Бу байтнинг тавзиҳи (тушуниладиган аниқ шакли) ушбудир:

***Шаб шишаи май ба пеши масе бишкаст,  
Сустияш ба тан ба ҳайбати тан биншаст.***

---

<sup>81</sup> Кўрсатилган асар.-Б.24.

<sup>82</sup> Кўрсатилган асар.-Б.23-25.

*(Мазмуни: Оқшом май шишасин бир маст олдида синдирди, Суслиги танда тан ҳайбатидан ўрнашди.)<sup>83</sup>*

Шундан сўнг мажлисда йиғилган шоирлар шеър бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, баҳс-мунозарага киришдилар. Шоир Қози Поянда Зоминий бир неча муддат Абдулмўъминхон суҳбатида бўлган, мажлисларида иштирок этган.<sup>84</sup> Мутрибий ҳам Абдулмўъминхон мажлисларида қатнашган: “*Фақир (Мутрибий) ул ҳазрат(Абдулмўъминхон)нинг салтанати охирида фалакни алдовчи саройига борди-келдида бўлганман. Таъби бағоят яхши эди, мазали шеър ва тотли сўздан ажиб равишда завқланарди. Ва гоҳида ўзи ҳам шеър айтмоқ йўлига қадам босарди. Бу ...рубоиш унинг латиф таъби меваларидандир. Рубоиш:*

***Аз гуфтани шеър дил сафое ёбад,  
Шоир ба жаҳон нашъу намое ёбад.  
Авсофи бутон гуй, агар гуйи шеър,  
То оинаи дилат жилое ёбад.***

*(Мазмуни: Шеър демоқдан кўнгил сафо топсин, Жаҳон ичра шоир нашъу намое топсин, Шеър айтсанг, санамлар васфин қил, То дилинг кўзгуси жило топсин.)<sup>85</sup>*

Мутрибий “Нусхаи зебои Жаҳонгирий”да Жаҳонгиршоҳ адабий кечалардан бирида Абдулмўъминхоннинг шеър ёзган ёки ёзмагани билан қизиққанини таъкидлаган: “*Абдулмўъминхон шеър ҳам ёзармиди?*” - деб сўради (*Жаҳонгир*) подшоҳ. (*Мен*) “*Ҳа*”, деб жавоб бердим. “*Ундай бўлса, шеърларидан биронтасини айтиб берингчи?*”, дедилар. *Куйидаги матлаъни подшоҳ ҳазратлари арзларига етказдим: Матлаъ:*

***Насиби теги ду сар бод пора-пора дилам,  
Агар аз ишқи ту рўзи кўнад канора дилам.***

*(Мазмуни: Икки тилли қилич еми бўлсин пора-пора дилим, Агар ишқингдан ўзин четга олса бир бора дилим.)*

*(Адабий мажлисда) Ўтирганлардан биттаси “Абдулмўъминхон жуда совуқ байт битган экан-ку”, деб юборди. Халифаи илоҳий (Жаҳонгиршоҳ)нинг бу гапдан жаҳли чиқиб,: - Агар*

<sup>83</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б.145-146.

<sup>84</sup> Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.: Маънавият, 1998. –Б.136.

<sup>85</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.:Мумтоз сўз, 2013. –Б.28.

*Абдулмўъминхон совуқ байт ёзган бўлса, сенинг ҳазилинг уникидан ҳам совуқроқ бўлди, - дедилар”.*<sup>86</sup>

## 21. АБДУЛҚУДДУС СУЛТОН

**Абдулқуддус султон** ибн Искандархон ибн Жонибек султондек *“яшии хулқ-атворли шаҳзода амакиси Дўст Муҳаммад султонга қўйиб қўйгандек ўхшашлиги сабабли Дўстум султон лақаби билан танилган эди. Олий мақом хусрав Абдулқуддус султон ҳумоюн каломли, яшии атвор, шариатпарвар, адолат ёйгувчи, диёнатда етук, чиройли юз, покиза сийрат, тақводор ва ёмон қилиқлардан тийинган парҳезкор, раҳмдил ва беозор подшоҳ бўлиб, доимо дарвешлар ва узлатга чекинган сўфий кишилар билан ўтириб – турарди”.*<sup>87</sup> Мутрибий Самарқандийнинг ёзишича, *“Ҳазрати махдумий Ҳасанхожа Нисорий дердилар: Ҳазрати салтанатпаноҳий Дўстум султон кичик ёшиданоқ тавба шарафига мушарраф бўлиб, мулк мартабасига боқмай, олам аҳли билан дарвешлик либосида сулук қилардилар. Ғоятда обид ва тақводор ва сўфисифат эдилар...*

*Ва ҳазрат махдумий (Ҳасанхожа Нисорий)нинг ул ҳазрат мадҳида битган гўзал қасидалари кўндир ва бу матлаъ ана шулар жумласидан. Матлаъ:*

***Эй, камоли давлатат аз вусмати нуқсон барий,***

***В-эй, замири равшанат ойинайи Искандарий.***

*(Мазмуни: Эй, давлатинг камоли нуқсон зиёнидан холи шоҳ, Ва эй, ёруғ кўнглинг Искандар ойнасидек подшоҳ.)*

*Жаннатмакон хоқон Абдуллоҳхон салтанати замонида Кармана вилояти ҳукумати ва фармон юритувчилиги ул ҳазратга тааллуқли эди.*

*Шундан сўнг Тошканд вилояти салтанати ул зоти олийга муяссар бўлди...*

*Яшии табъи бор эди. Гоҳи ҳол устунлигига қарамасдан мақол тилини шеър айтиш учун очардилар ва бу газал аларнинг дурга тўла шакар сочувчи гуфторидандир. Ғазал:*

***Шоҳи ман мамлакати Ясрибу Батҳо бигирифт,***

<sup>86</sup> Мутрибий Самарқандий. “Ҳинд сафари”. (Таржима, мукаддима, сўнги сўз ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов). Т.: 2005. –Б.48.

<sup>87</sup> Кўрсатилган асар. – Б.217.

**Тоҗу тахт аз Жаму Искандару Доро бигирифт.  
Мўрда будам зи гами ҳажри ту эй жон, ки  
Лаъли жонбахши ту анфоси Масихо бигирифт.  
Холи мишкини туро дид ченон охуйи Чин,  
Пуст нўшид зи шарм ва раҳи саҳро бигирифт.  
Дур будам зи сари куйи ту эй моҳ ки,  
Роҳи афғони ман ин торами хазро бигирифт.  
Жом, бо ёди лаби лаъли ту нўшад че ажаб,  
Дили Дўстум ки вей аз соғару саҳбо бигирифт.**

(Мазмуни: Шоҳим менинг забт этди Ясрибу Батҳони, Тахтин олди Жамшиду, Искандару, Дорони. Эй жон, ҳажринг гамида ўлмиш эрдимки, Жонбахш лабинг берди нафаси Масихони. Чин оҳуси мишкин холинг кўриб, уятдан, Тери ёпинди-ю, ихтиёр этди дашту саҳрони. Эй ой, кўчангдан йироқ тушигач, бу фигоним, Ўрлаб кўк гумбаз сари тутди кенг самони. Лаъли лабинг ёди-ла жомдек сипқорса, не тонг, Дўстум ўз дилин, чун хушламас соғар, саҳбони.)<sup>88</sup>

Нисорий “Музакири аҳбоб”да Абдуқуддус султонни васф этади: “Абдуқуддус султон ёшлик чоғидаёқ тавба шарафига мушарраф бўлиб, илоҳий дўстлар зумраси орасида ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи вассаллам ҳадиси ҳукми бўйича бир сафда бор(ган). Салтанат ишларида “ишларнинг яхшиси ўртаминанлик” ҳадиси мазмунига кўра, ўрта ҳоллик билан ҳукм юргиз(ган) ва ҳеч вақт фуқаронинг озори ва ранжишини раво кўрма(ган)...Айниқса, подшоҳлик соҳасида латиф таъби номуродликни ихтиёр этиб, моликлик истеъдоди кучлилигига қарамай, дарвишона сулукни мақбул топган. Агар қайси бир малик унинг малакий сифат зотиға эга бўлса, барча мамлакатлар аро фахрланиб жар солган бўларди. Байт:

**Муборак манзиле к-он хонаро моҳе ченин бошад,  
Хумоюн кишваре к-он арсаро шоҳе ченин бошад.**

(Мазмуни: Муборак ул манзилга, шул даражадаги бир ой ярашиқ, Бахти – саодатли мамлакатки, бу майдон аро шундай бир шоҳ ярашиқ.)

<sup>88</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.48-49.

*Фақир (Нисорий) ҳам мана бир неча вақтки ул жаноб мадҳини қилиб... ва ул султон васфи мадҳига таъриф тилини очдим... ”<sup>89</sup>*

## 22. ФЎЛОД СУЛТОН

Абдулқуддус Султоннинг ўғли шаҳзода **Фўлод султон** ажойиб хуштаб ва ширин калом бир подшоҳзода эди. Доимо фазл аҳлига риоятлар қиларди ва бу тоифанинг иззат-икромини соат сайин оширарди. Гоҳи қалб қувончи учун назмлар ҳам лутф қиларди. Ва ушбу рубоий унинг қаламига мансубдир. Рубоий:

**Шаб аз тани нотагон ба жуз нола нахост,**

**Омад ба дили ҳазин ситам аз чапу рост.**

**Аз ҳолати худ дил ба забон мегуяд:**

**Жонро ба суйи дўст мигар завқи хавост.**

*(Мазмуни: Тунда беҳол тандан чиқарди фақат нола, Зор дилга ўнг-сўлдан ситам эди ҳавола. Тилга кириб дерди дил ўз ҳолидан: ё жон, Кетмоқ истарми дўсти сари, боқ бу ҳола.)<sup>90</sup>*

## 23. ЁРМУҲАММАД СУЛТОН

Шеъриятсевар **Ёрмуҳаммад султон** ибн Дўстум султон ибн Искандархон “олий мақом шахриёр хушкалом, яхши хулқли, тўқис таъбли, ширинсухан, латифлик ва зарифликда ҳаммадан устун, фаросату ақлда ҳаддан ташқари бир ёш йигит эди. Кўп вақтини фозил ва олим кишилар суҳбатида ўтказар, мусиқа ва ўйин-кулги аҳлига ҳам майли зиёд эди. Ҳамиша эҳсон уругини инсон боласи қалбига экар, озгина сўзи ва илтифот орқасида барчанинг дилини ўз ови тўрига туширар эди. Шунинг учун Искандар нишон соҳибқирон (Абдуллахон) уни яхши кўрарди.”<sup>91</sup>

## 24. СУЛАЙМОН СУЛТОН

Шеъриятсевар **Сулаймон султон** ибн Жонибек султон “шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилувчи ва ёйгувчи, ширатдўст ва беозор хусрав эди. Шариф димоғи ва саломатлиги сари анчагина

<sup>89</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993.-Б.234-235.

<sup>90</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. – Б.52-53.

<sup>91</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.222.

нуқсонлик йўл топгач, подшоҳлик ҳою ҳаваси баҳридан ўтиб, ўзини фақирвашилик ва номуродлик кайфиятида тутди. Қолган умрини узлатга чекиниб, ёлғизлик ва маишат-фарозатда ўткарди. Ўтиришини доимо хушовоз муғаннийлар нағмаси ва нағмапардоз созандалар товуши ҳамда вуруду суруд, чангу уд садоси билан безарди. Ҳамиша дилини чанг, қонун, барбат, арганун эшитиши билан машгул қиларди”.<sup>92</sup>

## 25. РУСТАМ БАҲОДИРХОН

Шоир **Рустам Баҳодирхон ибн Жонибек Султон** “навқиронлик базмида салтанат жомидан доимо нўш айлашига қарамасдан, мулк оламида беҳуш дам урмасди ва олийҳимматлилик ҳамда буюк хислатлилик сабабли мулку давлат тахтини асосий суянчиқ деб билмай, сулук оёғини илоҳий меърож поясига қўйиб, камтарлик либосида юриб, босган ҳар қадамидан назар узмасди. Байт:

**Розй нашуд, ки така занад бар сарири мулк,  
Дарवेशро ки пояйи ҳиммат баланд буд.**

(Мазмуни: Мулк тахтига суянмоққа рози бўлмади, Зеро дарवेशнинг ҳимматлилик пояси ўзи баланд).

...Рустамхон мавлоно Шамси Халаф муридлиги шарафига мушарраф бўлади. Ва мавлоно Шамси Халаф зоҳирий илм ва бошқа фазилатларда ҳам кучли эди...

Ва аъло ҳазрат мавлоно Шамси Халаф вафотидан кейин яна азиз ва улуг маҳдумлар билан мулоқот қилиб, ифода ва истифодага машгул бўлиб, замон дарवेशлари билан суҳбатлар қурган. Айниқса, замон муришиди ва даврон муқтадоси Қосим Шайх Азизонга кўпроқ эътиқод қўйган эди...

Султоннинг туркий ва форсий тилларда яхши ашъори ва ёқимли гуфторлари бор ва бу рангин матлаъсини бармогидаги узуги қошига нақш қилган эди. Матлаъ:

**Манам Рустам он шахриёри далер,  
Натарсам зи нар аждарҳову зи шер.**

(Мазмуни: Ўша қўрқмас шахриёр Рустам менман, Қўрқмасман эр аждарҳодан ва ҳеч бир арслондан.)

<sup>92</sup> Кўрсатилган асар. – Б.200.

Ва бу туркий мақтаъ унинг гавҳар созувчи дурафшон гуфторидан. Мақтаъ:

**Бисёр ҳаял айладинг, эй Рустами Соний,  
Жон берсанг эди жонингга жонона бўлурдунг.**

Тасаввуф илмини яхши биларди ва сўзлари мазасининг меъёри баланд эди. Эллик тўрт ёшида Насаф жангида қаттиқ яраланди ва ўша жароҳат билан “ар-ружўъ”, яъни “қайт” хитобини эшитди. Жон берар маҳали ушбу сўзларни тараннум этган. Қитъа:

**Он к-ў, маро ба фазл тану ақлу жон бидод,  
З-он пеш к-ояд аз мани бечора бандагй.  
Бо он, жуз гуноҳ накардам, даме маро,  
Бе неъмате намонд дар айёми зиндагй.  
Шояд, ки лутф боз нагирад ба вақти марг,  
Ҳангоми бекасиву замони фикандагй.**

(Мазмуни: Менга фазли билан тан, ақл, жон берган қани? Мен бечора бандалигини адо этмасдан олдин қайда? Гуноҳдан бошқа иш қилишимга қарамасдан, Мени бир дам неъматсиз қўймаган эди, ҳаёт айёмимда ул. Балки, ўлиш пайтида, кимсасиз чоғимда, йиқилган маҳалимда яна лутфини мендан дариг тутмас, у.)<sup>93</sup>

## 26. ҲАЗОРА СУЛТОН

Шеъроятсевар **Ҳазора султон** ибн Ўзбек султон ибн Рустам султон ибн Жонибек султоннинг “асл исми Искандар султондир. Олий ҳиммат, Искандар шавкат, соғлом таъбли ва ўткир зеҳнли шаҳзода бўлиб, кўп вақтини гул юзли ёшлар ва замон олиму фозиллари мажлисида ўтказарди.”<sup>94</sup>

## 27. ХУСРАВ СУЛТОН

Адабиётсевар **Хусрав султон** ибн Ёр Муҳаммад султон ибн Жонибек султон “яхши хулқли бу шаҳзода мукаррамлик ва шижоатда жаҳонда тоқ ва саховатда дунёда ягона эди. Қўли очиқлик, ҳиммат, шавкат ва аслзодаликда ўша даврнинг бошқа

<sup>93</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. – Б.33-40.

<sup>94</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.198-199.

султонларидан мумтоз, караму эҳсонда барча яқинларидан устун ва боши юксак эди. Ҳамиша ўй-фикри қалами билан жаҳонгирликни кўнгли саҳифаси ва қуёш ёғдули юраги лавҳига нақш қиларди. Шунинг учун доимо базм мажлисида фақат паҳлавон ва урушга чанқоқ ёшлар билан суҳбат қурар ва ул тойифа разм аҳлининг дил қушини инъом ва эҳсон дони билан овларди”.<sup>95</sup> Ҳасанхожа Нисорий “Музақкири аҳбоб”да Хусрав султон мадҳида қасида ёзганини айтган: “Фақир (Ҳасанхожа Нисорий) Хусрав султон мадҳини айтганим маснуъ қасидадан бу хил изҳори музмарни чиқарганман ва ҳар икки рубоийида ва мезонда мадҳ этилувчининг доврўқли исмини келтирганман. Изҳори музмар:

*Доим сифати адли ту дар дил дорам,  
Дар дил сифати Хусрави Одил дорам.  
То дар наравад хиёли дигар ба дилам,  
Доим дили худ суи ту моил дорам.  
Эй гаштаи зи футуввати ту нийяти ҳосил,  
Фатҳи зи нафири давлати ту дар дил,  
Кайхусрави рузи ҳарбу гитӣ яқин,  
Бишкаи дили аъдаи данӣ эй одил,  
Мезони сифат Хусрави Одил бикуним.*<sup>96</sup>

(Мазмуни: Қалбимда адолатнинг сифати бор, Қалбимда Хусрави Одил сифати бор. Қалбимда бошқа ўйлар бўлмасин деб, Юрагимни сенга қаратаман. Эй келажакдан режа туз, Юрагингда давлатинг нафратини фатҳ қил, Жанг кунининг Кайхусрави аниқ, солиҳларнинг қалби, Кел Хусрави Одил сифатининг мезони қилайлик.)

Ушбу қасидани Нисорий Хусрав султон ҳузуридаги шоирлар даврасида ўқиган бўлиши, эҳтимолдан ҳоли эмас.

## 28. ПИРМУҲАММАД СУЛТОН

Шоир Пирмуҳаммадхон Султон бин Малик Султон Халқий Мутрибий таъбири билан айтганда, “*гоятда фозил ва латиф таъби адолатга мойил подшоҳ (бўлган)*...”

<sup>95</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. –Б. 202.

<sup>96</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб.Т.: Мерос, 1993. –Б.163-164.

*Салтанат паноҳли ҳазрат Пирмуҳаммад Султоннинг олиму фозил ва шоирларга нисбатан эътибор ва ҳурмати чексиз (бўлган). Ва айтиб ўтиш лозимки, чиройли номи зикри...муқаррар хуштабълардан бири ва сўз санъати пири Мавлоно Нозимий ...ул салтанатпаноҳ султон риояти туфайли худди чиққан пайти ёшу қари бармоғи билан кўрсатувчи янги ойга ўхшаб, ҳамманинг диққатини ўзига қаратиш даражасига етган ва ижоддаги дўсту ёронларидан ўзиб кетганлар...*

*Бир куни жаноб Мавлоно Нозимий мазкур подшоҳзоданинг табъ хазинасидан ушбу дилни ўғирловчи газалини мишкин рақамли қалами билан рақам қилиб, каминага лутф этди. Ғазал:*

***То орзуйи жон зи лаби нуиҳанди туст,  
Дар жисми хаста жон зи вафо мустаманди туст.  
Қурбон шавам ки тири мужжа аз роҳи вафо,  
Бишаста дар дилам зи камони баланди туст...  
Раҳме ба ҳоли Халқии озурда дил ки у,  
Сайду ҳалоки тири нигоҳи кушанди туст.***

*(Мазмуни: То жон орзуси сенинг ширин-ширин лабингдадур, Ул вафоли жон хаста жисм аро сенга бандадур. Қурбон бўлай-киприк ўқингга ваъдага айлаб вафо, Жой олди дилим тўридан, то жон борким тандадур. Озурда дил Халқийнинг ҳолига бир раҳм этки, у Дом аро дер: қотил нигоҳинг ўқи бадандадур!)<sup>97</sup>*

## **29. АБДУЛАЗИЗХОН**

Ҳукмдор Абдулазизхон бин Убайдуллохон отаси сингари иқтидорли ўзбек шоирлардан бири бўлган. Пўлатжон Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” тазкирасида ёзилишича, “Отаси каби Хожя Аҳмад Яссавийга эргашувчи шоир бўлмай, Навоийга эргашувчи шоир эрмиш”.<sup>98</sup> “Музақкири аҳбоб”да ҳам хон тавсиф этилган: “Хон...олимлар ва фозиллар ҳамда шоирларнинг бошини ўзининг чексиз лутф инояти билан янада баланд қиларди. Хон насх хатини жуда яхши ёзарди. Шеър битиш билан ҳам машғул бўларди ва сўзамоллик тўпини нотиклик майдонида олиб қочарди...”

<sup>97</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013.-Б.50-51.

<sup>98</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Қўлғезмалар институти, 1999.-Б.56-57.

*Ва Комрон подшоҳнинг бу газалига ҳам гўзал, равон жавоб қайтарган. Ғазал (Матлаъ:)*

***Хуб эрди, манго бўлса эди ёр мусоҳиб,  
Ё бўлмаса эрди анго азёр мусоҳиб.***

*Унинг жавобидаги ғазал:*

***Хушдур кишига бўлса азар ёр мусоҳиб,  
Гар бўлмаса анинг била азёр мусоҳиб.***

***Булбул бошига келмас эди мунча балолар,  
Гар бўлмаса эрди гул ила хор мусоҳиб.***

***Ё раб, не балодур бу ки ҳижрон аламиндин,  
Бормен заму андуҳ ила, эй ёр, мусоҳиб.***

***Кўйунг итидек ёри вафодор топилмас,  
Кўрдум мени дил сухта бисёр мусоҳиб.***

***Бу телба кўнгил билан, Азизий не қилурсан,  
Гар бўлмаса ул шўхи дилозор мусоҳиб.***

*Ва хоннинг бир кутубхонаси бор эдиким, ўша пайтда ер юзида унга ўхшаш китобхона бўлганми, йўқми, билмадик”.<sup>99</sup>*

*Нисорийнинг ёзишича, “Ва толиби илм ҳам бўлган. Отаси(Убайдуллахон)дан кейин Бухоро хонлиги тахтига ўтирди. Табъи назмга мойил эди ва бу (форсча) матлаъ уникидир. Матлаъ:*

***Боз аз ишқи куллий оташ бажон афтода аст,  
Кори ман бо дилбари номехрибон афтода аст.***

*(Мазмуни: Яна танимга ишқнинг учқуни тушди, Менинг ишим бир номехрибон дилбарга тушди.)<sup>100</sup>*

*Кунлардан бир куни шеърӣӣ мажлисда Абдулазизхон шоирлар Шайдо ва Бақойига ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг ушбу байти татаббусида бадиҳа айтинглари, деб буюрибди:*

***Эй ба боло ҳамон ки медоӣӣ,  
Ту гули мо ҳамон ки медоӣӣ.***

*(Мазмуни: Эй юқорига бўй чўзган, буни билурсан, Ки сен бизнинг гулимизсан худди ўзинг билгандай).*

*Мулло Бақойийнинг доимо одамлар билан уруш-жанжал қилиб юрувчи бир чарвойи хотини бўлган. Ўтириш(мажлис)да ҳалиги мавзу кўтарилгач, баҳонада Шайдо шунга ишора қилиб гап отиб қолмоқчи бўлган ва бадиҳатан ушбу байтни айтган:*

<sup>99</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. – Б. 40-47.

<sup>100</sup> Фаҳрий Ҳиравӣӣ. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014. –Б. 41.

**Ёфт танҳо зани туро имшаб,  
Кард Шайдо ҳамонки медоий.**

(Мазмуни: Хотинингни ёлғиз топиб бу оқшом, Қилди Шайдо суҳбат билурсан).

Ўтириш аҳли хушҳол бўлишиб, Шайдони инъомлар билан сарафроз этибдилар.<sup>101</sup>

“Халқ орасида тасаввуф олими ва амалиётчиси, шоир сифатида танилган Шайх Жалол Шайбоний Абдулазизхон (1539-1549) эътиборини қозониб, унинг маънавий устозига айланади. Хон тарафидан кўп илтифот ва мурувватлар кўради (мажлисларида иштирок этади). “Музаққири аҳбоб” муаллифи Шайх Жалолнинг мақом ва даражасини яхши билгани ва унинг халқ орасидаги обрўсига гувоҳ бўлгани боис, шайх тўғрисида илиқ сўзларни ёзиб қолдирган. Жумладан, “Бахт нишонли бу хон (Абдулазизхон) дарвишлар мухлиси бўлиб, уларга кўп эътиқод қўйган эди. Сидқ билан ирода қайдида етук устоз Шайх Жалолга мурид ҳам эди... Шайх Жалол ширин калом ва муаддаб киши эди”. Бу таъриф ва тавсифлар Шайх Жалолнинг маънавий-ахлоқий чўққиларни эгаллаганидан ва Бухоро маънавий оламида ўз ўрнига эга бўлганидан далолат беради. У (Абдулазизхон) мажлисларида ҳадис айтиб, мажлис аҳлини ўзига ром этган. Ҳадис маънолари мағзини чақишда эса тенгсиз ҳисобланган. Унинг одатларидан бири сўзни такрор-такрор айтиш бўлса-да, бу нарса тингловчига ҳеч малол келмас экан.

Тасаввуф илмида ўз даврининг кучли олимларидан саналган Шайх Жалол шеърлар машқ қилган:

**То ҳусни ёр аз руҳи хубон намудааст,  
Моро хаёли дилбару шоҳид рабудаст.**

(Мазмуни: Ёр ҳусни хўблар юзида кўрингач, мендан дилбару талабгор хаёлини ўғирлаб кетди).<sup>102</sup>

### **30. МУҲАММАДРАҲИМ СУЛТОН**

“Мусаххир ал-билод”да ёзилишича, шеърятни обдон тушунган **“Муҳаммадраҳим султон ибн Убайдуллахон олий**

<sup>101</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. –Б. 185-186.

<sup>102</sup> Тўраев Ҳ. Бухоро тарихи. Бухоро, Дурдона, 2020. – Б. 139-140.

ҳиммат, карамли ва нозик таъблик ва яхши хулқ билан танилган шаҳзода эди. Шу билан бирга гоҳида кўнгли маишатни тусар, хотири аёллар суҳбатини тилар, балки улар билан ўтириб-туришга ўта мойил ва рағбатлар кўрсатар эди.

Тонг нонушасидан сўнг кечгача гулфом шароб ичмоқдан ва нозикбадан аёллар билан мажлис қурмоқдан бошқа ҳеч бир иш билан шугулланмасди”.<sup>103</sup>

### 31. БУРҲОН СУЛТОН

Бухоро хони шеъроятсевар **Бурҳон султон** ибн Муҳаммадраҳим султоннинг “айтишларича, онаси саййидларга мансуб бўлган. Бурҳон султон ўта шижоатли, тўла саховатли йигит бўлиб, айшу иширатга ҳам жуда ҳирс қўйганди...

Бурҳон султон шарият томонидан таъқиқланган ишлар қилишда жуда қўрқмас эди: юзи сабза урмаган ёшлар билан ўтиришлар ўтказар, қуёш юзли ёшлар билан суҳбатлар қуришга ўта мойиллик кўрсатарди”.<sup>104</sup>

Бухорода ҳокимлик қилган **Саййид Бурҳон** усмонлилар адмиралли Сейид Али Раисга Мовароуннаҳрда қолиб, бир вилоятни бошқаришни таклиф қилади. Аммо у бу таклифга кўнмай, шундай ёзади: “Орамизда бўлган ҳангомадан хон хурсанд бўлди; бу ҳақирни зиёфат қилиб, чексиз лутф-эҳсонларга гарқ этди. Ўн беш кун Бухорода қолиб, кайф-сафо билан машғул бўлдик. Ҳар кун биз турган чорбоғдаги хон ва унинг ёнидагилари билан суҳбатлашар эдим. Хон бу ҳақирга ўз тиллари (ўзбекча)да бир газал айтишимни таклиф қилди.

*Хижил бўлди кўриб рухсори ёри боғдаги гуллар,  
Фигоним кўш этиб гулишандин ўтти барча булбуллар.  
Юзи гул, қомати ар-ар, кўзи наргис, лаби гунча,  
Не бўлгай бошига ул лоларух сангой қаранфуллар.  
Жаҳон бозорида монанди йўқ ул қадди шамшодинг,  
Бўлубдир, боғи ҳусни ичра зулфи тоза сунбуллар.  
Юзинг кўргач, қора зулфинг паришон қилди ақлимни,  
Кўнгилни солди савдога, не қилгум, ушбу кокиллар.*

<sup>103</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.150-151.

<sup>104</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б.151-152.

*Дамий тур, оч кўзингни, гафлати кўй, жоми май нўш эт,  
Уютмас Котибий базм аҳлини овози қулқуллар.*

*Юқорида зикр этилган газалдан хон жуда завқланди. Бир неча кун шеър ҳақида мубоҳаса этдик.*<sup>105</sup>

### 32. КИСТАН ҚАРО СУЛТОН

Балх ҳокими Кистан Қаро султон ҳам шеъроятсевар шайбонийлардан бири бўлган. Уни “Кистан Қарои Одил” – Одилшоҳ султон деб аташган. Нисорийнинг ёзишича, унинг отаси Подшоҳхожа ибн Абдулвахҳобхожа Кистан Қаро султонга бағишлаб қасидалар ёзган: “Одилшоҳ Султон мадҳида ажойиб бир қасида айтганлар. Унда кўп санъе мушкила шеърлар бўлган. Масалан, “мақлуби муставий”, “муттасила” ва “мунфасила”, “сепорий”, “изҳори музмар”, “мураббаъ” ва бошқа тур кабиларни ўша қасидадан маснуъ тариқида чиқарганлар. Қасида матлаъси ушбудир. Матлаъ:

*Зор нолад дили ман зи онки расидаст ба жон,*

*Додхоҳаст, деҳ уро ҳама аз адл нишон.*

*(Мазмуни: Дилим зор нолиди ки чиқмоққа етишди жон, Дод истар ул, арзига ет адлингдан кўрсатиб нишон.)*<sup>106</sup>

### 33. КЕЛДИМУҲАММАДХОН

Восифий “Бадоеъул вақоеъ” асарида Шоҳрухия ҳокими шеъроятсевар **Келдимухаммадхон** адабий мажлисларидан ҳикоя қилади: “Шоҳрухияда эътиборим кундан кун орта бошлади. Илму нужумдан маҳорати бўлган Мавлоно Қатилий хон мажлисида ҳаммадан юқори ўринда ўтирарди. Дастлабки мажлисда мен ундан қуйироқ ўтирмоқчи бўлдим. Аммо у тавозе ва камтарлик билан мени ўзидан юқорироққа таклиф қилди. Охири у мени ўзидан баландроқ ўринга ўтқазди. Келдимухаммад султон менинг юқорида ўтиришимдан Қатилий норози деб гумон қилиб, шу хусусда деди: “Худо такаббурларни ёқтирмайди”. Камина дедимки, шоҳо! Биз ҳар иккимиз ҳам биримизни юқори ўтказишга ҳаракат қилдик.

<sup>105</sup> Кўрсатилган асар. – Б.102-103.

<sup>106</sup> Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Т.: Мерос, 1993. –Б.274.

Аммо, мавлоно Қатилий камоли камтарликдан мени юқорига ўтқазди. Султон хурсанд бўлиб, сизга ўхшаган фозиллардан бундай хислатнинг содир бўлиши марғуб ва эътиборга лойиқдир, деди. У бизнинг бу ишимизни, бир-биримизга тавозе қилганимизни бир неча мажлисда фахр билан ҳикоя қилиб берди.

...(Султон) Охири бу фақирга дедилар: “Бу икки одамни танийсизми?” Мен: “Буларни кўрмаганман, танимайман”, дедим. Султон: буларнинг ҳар бири нақлидан бир нуқл (луқма) изҳор табағида келтираман, кимлигини билиб олинг. Уларнинг бирига ишорат қилиб – бу кишини мавлоно Ҳожи Муҳаммад дейишади... Маслаҳат билан бу кишига шу даргоҳ китобдорлиги мансабини бағишладик. Мавлоно Нодирий аср гўзаллари ва даҳр сохийларидан бўлиб, бу ерга ташириф буюрган эдилар. “Изҳори музмари” санъатини билишларини изҳор қилдилар. У киши бир рубоий ўқирдилар. Ким агар Султон Муҳаммад исмидан бирор ҳарфни хотирида сақласа, у шу рубоийни қайтараётганда топарди. Мавлоно Муҳаммад дедиларки, мен бир ҳарфни “Султон Муҳаммад”дан хотирга олдим. Сиз уни тополмайсиз. Мавлоно Нодирий ўша рубоийни ўқидилар-да, сўрадилар: “Ўша ҳарфи музмар қайси мисрада?” Жавоб бердиларки, ҳеч қайсисида йўқ. Ҳамма таажжубда қолди. “Бундай бўлиши мумкин эмас, бирор мисрада бордир. Иноят билан айтинг-чи, бўлмаса, у қайси ҳарф бўлди ва қайси мисрада? Ҳожи Муҳаммад дедиларки, у айн ҳарфидир... Шундан кейин у кишини “Айн инсондирлар ва инсон айнидир” дейдиган бўлишди. Кейин хон дедилар: “Иккинчиларини Паҳлавонзодаи тарроҳ” дейдилар.

Бир кеч суҳбат қургандек. Кайковус базмидек ораста мажлис бўлди. Ҳусн аҳли созу навоз арбобининг сонун саногига етиб бўлмасди. Ҳазрати мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий шеърларидан ўқилди...

Шундан кейин ҳазрати султон сўрадилар: “Ҳазрати маҳдумнинг байтлари қанчага боради? У кишининг нафисликлари нақдинаси қандай миқдорда?” Мавлоно Қатилий дедиларки, маълум бўлишича, ул ҳазратнинг айтган байтлари тўқсон минг байтдан зиёда, юз минг байтга бормайди. Ҳазрати султон дедилар: “Мен ҳазрати мавлавийнинг эътиборга лойиқ, ўтмиш ва замондош шоирларининг шеърларидан ажратиб, мумтоз қилиб

турган байтлари ҳажмини сўраяман?” Мавлоно Қатилий жавоб беролмай, сукут сақладилар. Мен, махдумнинг куллиётини топиб, бир неча кун назаримдан ўткармасдан бу саволга жавоб беролмаслигимни айтдим. Ул ҳазрат киши юбориб, куллиётни ўрдадан келтирдилар ва мураккаб фикрли байтларини саралашни буюрдилар.

...Уч кун ўтгандан кейин ул олиҳазрат мажлисига келиб, шу ҳодисани изҳор ва ул бокира келинлар юзидан ниқобини олмоқ истадим...(Қатилий билан) Муқобала қилинганда, бу каминанинг танлаганлари билан у кишиники мувофиқ келди, фарқ қилмади. Бу ҳол ҳам оламнинг ажойибу гаройибларидан бўлди...

Кейин ҳазрати Султон дедиларки, Фирдавсий достонидан... “Баҳористон”да ёки бошқа фозиллар китобларида келтирилган марғуб парчалар жуда кам. Кўпроқ бўлса керак. (Мажлисда) батафсил зикр этилса, мақсадга мувофиқ ва кўнгилдагидек бўларди”.<sup>107</sup>

## 34. САЙИД МУҲАММАД СУЛТОН

**Сайид Муҳаммад Султон** бин Кесик (Кепак) Муҳаммад Султон Мутрибийнинг ёзишича, “бу номдор шаҳзоданинг шеърдаги тахаллуси Киромийдир. Шеърни яхши айтарди ва маъно дурларини моҳирона тарзда назму тартиб ипига тузарди. Бу газалини ҳам ниҳоятда яхши айтган. Ғазал:

**Ба шамъ нест гар имшаб ҳавойи сузу гудоз,  
Зи бол баҳри че парвона шуд шамома навоз.  
Шарораҳо шаби ҳижрон зи оташи оҳам,  
Ба чаими халқ намояд чу тўрфи отаибоз...  
Бар остони ту, эй маҳ, Киромии мискин,  
Ниҳода руй, тазаллум мабин, ба хоки ниёз.**

(Мазмуни: Бу тун агар шам бошида куйиб-ёнмоқ ҳаваси бўлмаса, Унда нега парвона қанотидан айрилиб қолди? Ҳижрон кечаси оҳим оташидан чиққан учқунлар, Халқ кўзига кўзбойлағичнинг ўт нуфлаши бўлиб кўринади. Останангга, эй ой, мискин Киромий юзин

<sup>107</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъул вакоъ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979. –Б.74-76.

суртмоқда, Ўйлама, тагин зулм этмоқда у эҳтиёж тупроғига, деб.)<sup>108</sup>

### 35. МУҲАММАД РАҲИМ СУЛТОН

Муҳаммад Раҳим Султон ибн Ҳожимхон “латифтабъ, покиза мижоз подшоҳзода эди. Баракатли вақтини ҳамиша илму фазилатлар касб этишига сарфлаб, кўп илмларни ўзлаштирган ва ўзини ҳеч бир илмдан қуруқ қўймаган эди.

Настаълиқ хатини чапдастлик билан шундай яхши ёзардики, қаламдан бошқа ҳеч ким унинг ҳарфи устидан бармоқ боса олмасди. Тазҳиб ва тасвир илми ва амали соҳаси ҳамда наққошликнинг бошқа ишларида ҳам Беҳзод шогирдларидан яхшироқ намоён бўлар ва иккинчи Монийликка даъвогарлик қиларди.

Шеър фанида ҳам маҳоратини намойиш этиб, ҳазрат махдумий Ҳасанхожа Нисорийга меҳр-муҳаббатини зойибона тарзда пок дили даласига эккан ва доимо хат ва совға-саломлар алмашиб туриш эшигини очиб қўйиб, ўзининг яхши шеърлари ва дилкаш назмларини хат йўллаш йўсини билан устозга юбориб турарди.

Тўққиз юз тўқсон саккизинчи (1589) йили камина (Мутрибий) Бухорода пайтим “Лайли ва Мажнун” отлиг бир китобни туркий тилда тасниф этиб, ҳамда уни шариф қўли билан чиройли ёзувда битиб, тазҳиб ва тасвирини ундан ортигини тасаввур қилиб бўлмайдиган санъат даражасига етказиб, махдумий (Ҳасанхожа Нисорий) нинг муборак мажлисига юборган...

Бу шаҳзода танилган хуштабълардан ва нодир сўз дегувчи машҳурлардан эди”.<sup>109</sup>

Муҳаммад Али Содикбекнинг “Мажмаъу-л-хавос” тазкирасида Муҳаммад Раҳимхонни Муҳаммад Иброҳимхон деб тилга олиб, Мутрибий тазкирасида берилган “Шабнам” радибли ғазалини келтиради. Унда ёзилишича, “**Муҳаммад Иброҳим Хон (Раҳимий)** – Ўрганч подшоҳи Ҳожим Хоннинг ўғлидир. Мусаввирлик ва наққошлик ҳунари борлигини сўйламишлар. Дутарда

<sup>108</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б. 53.

<sup>109</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б.59-62.

ҳамзамонларидан илгарилаб кетган эмиш. Қуйидаги шеъри гўзалдир:

**Саҳар ки рихт сад гавҳар саҳни бустон шабнам,  
Мурассаъ гашта лолаи садбарш аз он шабнам.  
3-муҷгон оби чашмам пиши руйат душад ори,  
Ба пиши офтоб аз сабза мигардад ниҳон шабнам.  
Гули садбарг чун жоми шароби аргувоний шуд,  
Хубоб чанд шуд бо он шароб аргувон шабнам.  
Нахоҳад монд аз боди хазон гулҳо агар бошад,  
Бафарқаш микҳон оҳанин, эй боғбон шабнам.  
Нависад то дар у софи рухат шеъри Раҳимийро,  
Аз он ру карда дафтарҳои гулро зулфишон шабнам.**<sup>110</sup>

### 36. МУҲАММАД ҲОШИМ СУЛТОН

Муҳаммад Ҳошим Султон ибн Темурхон Ҳисорӣ “Ҳисор вилоятининг фазилатишиор подшоҳларидан эди. Шеърни обдон синовдан ўтказиб ва меъёрига етказиб айтарди. Доимо фазилатлар касб этишига тиришарди...

Айтишларича, мазкур шаҳзода шоирдўст ва фузалопарвар бўлиб, ҳамиша олий даражали ҳимматини алар кўнглини олмоққа йўналтирар ва хасислар суҳбати ҳамда иноятсиз ва омий сифатли одамлар мулоқотидан ўта суратда тийинар, ҳатто омийлик сифатига эга ва хат-савод лаззатидан бебаҳра амирларга кўнам илтифот кўрсатавермас, аксинча, соҳиби фазл амирларини эса бениҳоят даражада дўст тутар ва уларга риоятлар кўргузар экан. Ва кўпинча ушбу қитъани ўқиб, роса завқ оларкан. Қитъа:

**Пири хирад зи рўйи насиҳат бигуфт душ,  
Ҳарфе ки назди мардуми доно муқаррар аст.  
Ҳаргиз ту эҳтиёж мабар пеши омие,  
Омий агар ба мартаба зи афлок бартар аст.  
Омий агарчи қутб бувад, мўътақид мабош,  
Омий хар аст ва мўътақидаш камтар аз хар аст.**

(Мазмуни: Кеча насиҳат ила деди ақлда доно пир, Эмас донолар олдида пинҳону ҳеч сир: Эҳтиёж юзин тутма сен ҳеч қачон оми томон, Гар бўлса у мансабда гўё фалак, авжи осмон. Оми гар

<sup>110</sup> Муҳаммад Али Содикбек Содикий Афшар (Китобдор). Мажмаъу-л-хавос. Т.: Мумтоз сўз, 2019. –Б. 26-27.

бўлсин сўфилар қутби, қилма эътимод, Оми эшакдир, эшакдан ҳам кам анга этган эътиқод.)

### 37. АБУЛҒОЗИ БАҲОДИРХОН

Хоразм шайбоний ҳукмдорлари ичида тарихчи олим, “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” асарлари муаллифи Абулғози Баҳодирхонни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Ўзининг иқтидори ҳақида Хоразм хони “Шажарайи турк”да шундай ёзган: *“Бу фақир(Абулғози Баҳодирхон)га худойи таоло иноят қилиб, кўб нимарса берган турур. Хусусан, уч ҳунар турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсуни ким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвга ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дўстга, душманга нечук сўзлашмак. Иккинчи, маснавийёт ва қасойид ва газалиёт ва муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик, арабий ва форсий ва туркий лугатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳлидан то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғилистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик. Бу вақтда фаҳхламакликда ва тарих билмакликда фақирдек киши шояд Ироқда ва Ҳиндустонда бўлса бўлғай, йўқ айтсам ёлгон бўлғай, аммо сипоҳийнинг йўсунин билмакликда бу чоқда мусулмон ва кофирда биз кўриб ва эшитатурган ерларда ва юртларда йўқ турур”*.<sup>111</sup> Зиёдилло Муқимов “Қилич ва қалам соҳиблари” китобида ёзишича, “Собиқ шўроларнинг катта совет энциклопедиясида Абулғози “Хива хони, тарихчи ва шоир” деб кўрсатилган. Гарчи олимнинг ўзи “Шажарайи турк” асарининг муқаддимасида (юқорида таъкидлаганидек) “Маснавийёт ва қасойид ва газалиёт ва муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик” қобилиятига эгаллигини тан олиб ёзган бўлса-да, унинг шеърлари хусусида бошқа бирор манбада маълумот учратмадик”.<sup>112</sup>

“Фирдавс-ул-иқбол”да Абулғози Баҳодирхон зикр этилган: *“Муддати салтанати йигирма йил эрди. Бағоят ашъорфаҳм ва*

<sup>111</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Т.: Чўлпон, 1992.-Б.12.

<sup>112</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008.-Б.52.

тарихдон киши эрди. Андоқким, ўз силсиласида бир тарих битиб,  
“Шажараи турк”га мавсум қилибдур. Қитъа:

**Хони олампаҳоқ Абулғози,  
Ҳар тараф бешумор чекти сипоҳ.  
Охир ани ажал сипоҳи тутиб,  
Айлади манзилин хоки сиёҳ”.**<sup>113</sup>

“Фирдавсу-л-иқбол”да ёзилишича, Хоразм ҳукмдори адабиётсевар Шерғозихон даврида ҳам адабиёт равнақ топди: “Шерғозихон бағоят одил ва фозил подшоҳ эрди. Илм ва шеър анинг замонида ривож топди. Андоқким, мавлоно саййид Муҳаммад охунд анинг маноқибидида бир қасида айтибдур:

**Шаҳеки, илм ба давраи буд ривожпазир,  
Чи мантиқу чи ҳакам васфи ў кунад тақрир.  
Зи файз бахший абри баҳор марҳаматаи,  
Шуда аст боғи суҳан он чунон тароватгир.  
Ки даст рў ба руҳи накҳати бихишт занад,  
Гули маони рангин ба гулистони замир”.**<sup>114</sup>

## II – ҚИСМ

### МЎҒИЛ ХОНЛАРИ

#### 38. ЮНУСХОН

Яздийнинг шогирдларидан бири мўғул хони Увайсхоннинг ўғли Юнусхон (1415-1487) ўзбекча шеърлар ёзган. Юнусхон Чингизхоннинг ўғли Чигатой наслидандир. Увайсхоннинг ўлиmidан сўнг мўғул улуси иккига бўлинади. Бир бўлаги Юнусхон томон ва кўпроғи Эсан Бўғахон томон бўлади. Улуғбек Мирзо бурунроқ Юнусхоннинг эгачисини Абдулазиз мирзога олиб берган эди. Шу муносабат билан Борин туман бекларидан Эрзан, Чарос туман бекларидан Мирак туркман Юнусхонни уч-тўрт минг уйли мўғул улуси билан Улуғбек Мирзо қошига келтирадilar. Мақсадлари кўмак олиб, яна мўғул улусини эгаллаш эди; Мирзо

<sup>113</sup> Мунис, Огахий. Фирдавсу-л-иқбол. Асарлар. 2-жилд. 1-китоб. Тошкент. 2019.-Б.140.

<sup>114</sup> Кўрсатилган асар.-Б.155.

мурувват қилмади, баъзисини асир қилди: баъзиларини бирин-сирин вилоятларга тарқатди.

Юнусхонни Ироқ сари ўтказиб юбордилар. Бориб бир йилдан ортиқроқ Табризда турди. У маҳалда Табриз подшоҳи Жаҳоншоҳ Бороний Қорақўйлик эди. У ердан Шерозга келди. Шерозда Шоҳрух мирзонинг иккинчи ўғли Иброҳим Султон эди. Беш-олти ойдан сўнг Иброҳим мирзо ўлиб, ўғли Абдуллоҳ мирзо ўрнига ўтирди. Абдуллоҳ мирзога Юнусхон навкар эди, мулозамат қилар эди.<sup>115</sup> “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, “*Эразон ва Мирак туркманлари мўғулларни бошлаб, Юнусхонни тутуб, Самарқандга Мирзо Улуғбекка олиб бориб берди. Юнусхон ул замонда ўн уч ёшда эди. Бу вайроналик мўғуллар тилида бу вақтгача бордур. Алқисса Мирзо Улуғбек хонни отаси Мирзо Шоҳрухни қошига юборди. Ул навъ бирлаки зикр қилиниб эди, отаси Мирзо Шоҳрух Юнусхонни иззат-икром бирла тутуб, Мавлоно Шарафуддин Али Яздий раҳматуллоҳи алайҳига топширди. Хон улардан фазилатлар касб қилгон эрди. Анинг учун илгари ва кейин анга ўхшаш мўғил ҳоқонлари орасида киши пайдо бўлгон эмас. Ва мавлононинг ва хоннинг отида муаммолар тўладур ва ашъор қасидалари ҳам бордур. Муддати ўн икки йил хизматида бўлдилар. Анчаки фазллар ҳосил қилди. Модомики Ҳазрати Мавлоно бор эрдилар, хон ҳамроҳ эрдилар. Вақтеки мавлоно вафот бўлди. Язддин Ироқ, Форс тарафларга сафар ихтиёр қилдилар. Йигирма тўрт ёшигача мавлоно хизматида эрдилар. Ондин Шерозда ватан тутуб, уламолар мажлисида бўлди. Неча ҳунарлар қилиб, Шерозда уста Юнус деб оталди. Бу ҳол орасида Мирзо Султон Абусаъид Хуросонни олиб, Ироқ доиясини тутти. Фаргона ва Шош, Туркистон тасарруфида эрди. Аммо мулк Эсан Буғохоннинг заҳмати жиҳатидин орада қолиб эди. Мирзо Султон Абусаъид Шерозга киши йиборди. Юнусхон қирқ бир ёшга кирганда, яна Мўғулистонда подшоҳ бўлди”.<sup>116</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам ўзининг “Абдулланома” асарида хон ўн икки йил Яздий хизматида бўлганини ёзган: Шоҳрух Мирзо “(Сўнг) Язд томон, тарихчиларнинг фозили ва тадқиқотчиларнинг комили мавлоно*

<sup>115</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Ўқитувчи, 2008.-Б.34.

<sup>116</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аъзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.-Б.134-143.

*Шарафиддин Али Яздий (Тангри сирларини муқаддас қилсин) дан, фазлу камол касб қилсин, деб (Юнусхонни) у кишининг ҳузурига жўнатди. Мавлоно (Шарафиддин Али Яздий) нинг “Хуллал” деган китобларида хоннинг номига (ёзилган) муаммолар кўпдир. (Бу китобда) у кишининг номига (ёзилган) шеър ва қасидалар ҳам кўп. Шулар орасида яхши оқибатли хоннинг исмига айтилган қуйидаги (бир) муаммо (ҳам бор):*

***Эй, айтасанки, Хитой мамлакатидан (бир) хон келди!***

***Хонумонинг вайрон бўлсин, хон дема (балки) бир жон келди!***

*Қисқаси, Юнусхон мавлононинг тарбиялари қўлтигида ва иноятлари этагида ўн икки йил муддат фазилатлар касб қилишга машғул бўлди ва етарлича фазилатишиор бўлди. Мавлоно Шараф (Шарафиддин Али Яздий) вафот этганидан кейин, Юнусхон Ироқ ва Форс томонларига сафар қилди. Ул ҳазрат (Юнусхон) йигирма тўрт ёшигача мавлоно хизматида бўлди ва қирқ ёшида асл ватани ва тугилган жойи бўлган Мўғулистон мамлакатига қайтиб борди.”<sup>117</sup>*

Яздийнинг дарवेशона суҳбатлари ҳамда Шероз уламолари мажлисларида камолга етган Юнусхонни Султон Абусаъид Шероздан чақиртириб, Еттикент (Фарғона, Еттисув) ҳудудига бориб, уни бошқаришни топширади. Фарбий Мўғулистоннинг хонлик тахтига ўтказди. Темурийлар билан Мўғулистон дўстлигини қариндошликка айлантириш мақсадида Султон Абусаъиднинг уч ўғлига – Султон Маҳмуд Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо ва Умаршайх Мирзоларга Юнусхон қизлари Меҳр Нигор хоним, Қутлуғ Нигор хоним ва Султон Нигор хонимларни никоҳлаб берилади.

Юнусхон ҳам саройида шоирлар иштирокида мажлислар ўтказган. Унинг ўзи ҳам ўзбекча шеърлар ёзган: “*Айтишларича, сахийлик юзасидан салтанат ишларидан қўлини тортиб, дарвишлик кисватида сафар қилиб, бир муддат Рум шаҳарларида иқомат қилган. Қаламтарошликда устоз бўлганлиги ва қошиқтарошликдан тирикчилик учун маблағ топганлигидан ўша шаҳарларда Устод Юнус қошиқтарош дейишган. Бир қанча*

---

<sup>117</sup> Хофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Т. Шарқ НМК БТ, 1999.-Б.68.

муддатдан кейин ватанига қайтди. Мўғулистонда мўғил султонларидан ҳеч ким қолмаган эди, (шунда) халқ уни хон бўлишга таклиф қилди. Шайх Низомий айтганларидек, (байт:)

**Ончи насиб аст, на кам медиҳад,**

**Гар нистони, ба ситам медиҳад.**

(Мазмуни: Неки насиб бўлса, кам бермайди, Агар олмасанг, қийноққа ташлайди.)

Баъзиларнинг айтишича, Рум сафаридан қайтганда, Самарқандга келган ва марҳум подшоҳ Абусаъид унга ёрдам берган. Мўғул салтанати (тахти)га ўтирди. Ҳар ҳолда подшоҳ ва подшоҳликни яхши қилди, чунончи барча ундан рози бўлди. Ва назмда таъби гоятда яхши эди. Ушбу туркий матлаъ уникидир:

**Мунингча ҳусну жамолинг кўрарса ноз айлагил,**

**Келур юзинг суйи бирла бур, соз айлагил.**

Бу туркий матлаъ ҳам уникидир. Агарчи туркона бўлса ҳам шоирлик (маҳорати)да зарофатдан ҳоли эмас:

**Қозу қимизу кўзиву қизу қози керак,**

**Чангу рубобу барбату уд овози керак.”<sup>118</sup>**

“Юнусхон “Қуръон”ни яхши қироат қилган ва ўз қўли билан кўчирган, шоирлик иқтидорига эга бўлган, хушсуҳбат, хуштабиат киши бўлган; муаммо илмидан хабардор, хушхат, мусаввир ҳам бўлган; шунингдек, мусиқий асбобларини чалиши ва ашула айтишида ҳам моҳир бўлган.”<sup>119</sup>

Албатта Юнусхоннинг гўзал хулқли инсон ва шоир бўлиб шаклланишида Шарофиддин Али Яздийнинг бемисл хизмати ҳамда Табриз ва Шероздаги темурийлар адабий муҳитининг таъсири бўлган, деб айтишимиз мумкин. Бинобарин, Юнусхон Шерозда унинг ҳукмдорлари Иброҳим Султон ва унинг ўғли Абдуллоҳ Мирзоларининг шеърят кечаларида қатнашган ҳамда ўз шеърларини ўқиган, деб ҳам тахмин қилишимиз мумкин.

“Зафарнома”га сўзбоши ёзган тарихчи олимлар Ашраф Аҳмад ва Ҳайдарбек Бобобеклар Шарафиддин Али Яздийнинг икки шарафли ишидан бири, Юнусхонга устозлик қилгани таъкидлашган: “Шарафуддин ўз ҳаётида бажарган икки шарафли

<sup>118</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.Мумтоз сўз, 2014.-Б.36-37.

<sup>119</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси.Т. Шарк НМАК БТ, 2014.-Б.590.

ишининг бири шу эдики, Улугбек ҳарбий юришларининг бирида ҳижрий 832 / милодий 1428-29 йили ёш мўғул хони Юнусхонни асир қилганида Шохрухнинг буйруғи билан Шарафуддин асир хоннинг устози этиб тайинланади. Шарафуддин бир муддат Юнусхон билан Яздда яшаб, унинг тарбияси билан шуғулланади ва афтидан, ўз билимларини унга анча сингдира олган. Ана шу ёш хон кейинчалик Ҳиндистонда уч асрдан кўпроқ ҳукм сурган Темурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она тарафидан бўлажак бобоси эди.<sup>120</sup>

### 39. СУЛТОН МАҲМУДХОН

Юнусхоннинг фарзанди Султон Маҳмудхон ҳам шеър ёзган. Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, “*Сурати сийратда назири йўқ эди. Бир муддат Тошкандда ҳукмронлик қилди ва оқибатда Хўжанд дарёси лабида Муҳаммад Шайбоний қўлидан ўлди. Яқинларидан бўлган Мир Муни(ий) ушбу таърихни айтган.*

*Байт:*

***Ташна лаб бар лаби дарёи Хўжанда гаштанд,  
Гашт таърихи вафоташ “лаби дарёи Хўжанд”.***

*(Мазмуни: Ташна лаб бўлиб, Хўжанд дарёси лабида юрдилар, Вафоти таърихи “лаби дарёи Хўжанд” бўлди.)*

*Ушбу матлаъ Султон Маҳмудхонникидир. Матлаъ:*

***Ин дили дунни дани мухтасари беш нист,***

***Ҳосил аз ин мухтасар дарди сари беш нист.***

*(Мазмуни: Бу насткаш дунёнинг дили қисқадир, кўп эмас, Бу қисқа дунёда дарди сардан бошқа нарса йўқдир.)<sup>121</sup>*

“Бобурнома”да ёзилишича, “*Бетаваққуф ўтуб, хон (Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон) қошига, Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталақотига мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ газали камроқ эди, бу рубоийни хонга ўткариб, тараддудимни арз қилдим.*

<sup>120</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т. Шарқ НМК БТ, 1997.-Б.4.

<sup>121</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.38.

*Кўнгул тингудек шофий жавоб топмадим. Голибо шеър мусталаҳотиға камроқ татаббуъ қилгондурлар. Рубоий будур:*

***Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни гурбатта киши.  
Кўнглум бу зарблиқта шод ўлмади ҳеч,  
Гурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.***

*Сўнгра маълум бўлдиким, турки лафзида маҳал иқтисоси била то ва дол яна гайн ва қоф ва коф бир-бирлари билан мубаддал бўлурлар эмиш”.<sup>122</sup>*

Бобурнинг “Аруз” рисоласида тоғаси Султон Маҳмудхоннинг ўзбекча шеърларидан намуналар келтирилган:

***Найири аъзаммудур талъатингиз,  
Хуллаи хуромдур хилъатингиз.  
Неча қилгайсен сафар, эй сарви саргардон, ахи,  
Бизни ёндурдунг, фироқ ўтида (сен) ҳам ён, ахи.***

“Тарихи Рашидий” асарида ҳам ўзбекча шеър ёзган Султон Маҳмудхоннинг

***Олам аҳли бирла оламдин вафо топмас киши,  
Эй хуш ул озадаким, олам била йўқтур иши.  
байти берилган.<sup>123</sup>***

## **40. СУЛТОН САИДХОН**

Тарихий ва адабий манбаларда Бобурнинг тоғаваччаси Ёркент хони Султон Саидхон (1486-1533) шоир сифатида зикр этилган. Фахрий Ҳиравий “Равзат ус-салотин”да ёзишича, “Султон Саидхон Алачахон мўғулнинг фарзанди, ҳусни жамолда замоннинг нодири, фазлу камолда давроннинг беназири эди. Ва унинг барча латофат, баҳодирлик ва диловарлиги билан шундай бўлдики, озроқ мардум билан араб диёридан келган ва назмда шуҳрати бўлган Абобакр Алифни йўқ қилди ва мамлакатни ўз ихтиёри дастасига олди. Ва назмга майли кўп эди”.<sup>124</sup>

<sup>122</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1990.-Б.90.

<sup>123</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.467.

<sup>124</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.38.

Аҳмад Олачахоннинг ўғли, мўғул хони Юнусхоннинг набираси бўлмиш бу зот болалигидан замонасининг номдор олим-адиблари кўлида таҳсил кўрган. У ўз даврининг машҳур қиличбоз мергани, қобил саркардаси сифатида танилган. Отаси вафотидан кейин акаси Мансурхоннинг таъқибидан қочиб, 1509 йили Бадахшон орқали Кобулга аммасининг ўғли Бобур ҳузурига боради. Шайбонийхон ўлгандан сўнг Султон Саидхон Андижонни эгаллайди. Бироқ у шайбонийлар Андижонга бостириб кирганда, Ёркент хонига қарши юриш қилиб, 1514 йилда аҳолининг қўллаб-қувватлаши билан хонлик тахтига ўтиради. 1516 йили акаси Мансурхон билан ярашиб, феодал тарқоқликка барҳам беради. Шарқий Туркистонда марказлашган давлат ташкил этади. Саидийлар сулоласи асосчиси Султон Саидхон 1533 йилда Тибет юришидан қайтишда, хасталиқдан вафот этади.

Хонлар шоири Султон Саидхон ҳузурда шоирларни тўплаб мушоиралар ташкил этган. “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, *“Султон Саидхон подшоҳи аржуманду саодатёр, давлатманди бархурдор эрди. Анвойи фазойил бирла ораста ва ахлоқи ҳамида бирла пироста эди. Ва ёши қирқ саккизда яқин эдики, Худойи таолонинг раҳмат жаворига улошти. Хушгўйликда ва фасоҳатда бениҳоя эди. Ҳар кишига илтифот қилур бўлса, сўздин илгари кулар эрди. Ва ҳамиша табъи хуш ва хотири очуқ эрди. Карам ва мурувватда ул миқдорда эрдики, Мақсуд Али деган бир киши жангда ўқ отиб, хоннинг чап мўрисига сўқиб эди. Икки йил дард тортиб, охири ҳалокат бўлмоқлик етиб эди. Бир жамъми халқ ул Мақсуд Алини тутуб хоннинг олдига олиб келди. Хон анга илтифот қилиб, ўз эгниларини солиб бериб ўзига ҳамсуҳбат қилдилар. Ва айттиларки, мен замгин эдим, хўб келдингиз, деб охир умригача илтифот қилди. Бундоқ ишлар хондин тўла воқе бўлгон...Ва тўла сахий эрди. Мен банда (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий) йигирма тўрт йил хизматида бўлдум. Атода ул миқдор эдики, гоҳо уй ичида ҳеч нарса қолмайди...Баҳодурликда ҳам ҳамтенглари йўқ эрди. Андоқки бир маротаба мулозаматларида эдим, ўз зоти бил ҳамла келтурди...Ўқ отмоқда мўғул, ўзбек, чизатойда улардин илгари, кейин анга ўхшаш киши йўқ эрди. Борҳо мушоҳада қилур эрдимки, етти-саккиз ўқ хатосиз тегар эрди. Хоҳ кийик адри бўлсун, хоҳ товушқон, хоҳ муши дашти бўлсун, ҳаммани баробар сўқар*

эрди...Кароматзотлиқда хонга ўхшашни кўрмадим. Бир маротаба Фидойи деган хонга макр қилмоққа келиб, анга фурсат тополмай, хоннинг ахтахонасидан хос отини олиб қочди. Ани йўлдин от бирла тутиб келди. Ва ул ўзи хонга айттики, ман даъвога келиб эдим, аммо фурсат тополмай, айттимки, ахтахонасидин хоннинг хос отини элтгайман деб, отни олиб кетдим, деди. Ҳамма мулозимлар ани ўлтирмакка иттифоқ қилдилар. Хон фақир мен банда(Мирзо Муҳаммад Ҳайдар)га айттики, сен ани ўз мулозимларингга топшургул соқласун, мен нечук ҳукм қилсам, шундоғ қилсун, деди. Вақтеки халқнинг издиҳоми камрак бўлди, хон манга айттики, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мени анинг шарридин сақлабдур. Анинг шукронасига отни шунга беринглар ва мулозимларинг ани лашкар орасидин таиқари чиқориб қўйсун, токи шарманда бўлмагай, деди. <sup>125</sup>

Султон Саидхон “яна илмда ниҳояти уламо эдики, хоҳ форсий, хоҳ туркий бўлсун шеър айтмоқда ва ишио ростламоқда беназир эрди. Хон мажлисларда ўз шеърларини айтиб эди, ул жумладин мен банда (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар) бу байтни ёд олиб эдим, бу ерда футулди.

**Қайси гулшаннинг юзингдек бир гули раъноси бор,  
Қайси гулнинг бир менигдек булбули шайдоси бор.  
Хур бирла жаннат ул-маъвони кўнглум найласун,  
Ёрнинг куйида юз минг жаннат ул маъвоси бор.  
Юзи узра кокили зулфи паришон бўлгуси,  
Эй Саид ошуфта кўнглумнинг ажиб савдоси бор.** <sup>126</sup>

Аниқроқ қилиб айтганда, шоир Аёзий 24 йил мобайнида Саидхонга хизматда бўлган. Демак, 24 йил мобайнида Аёзий вазир ва ҳарбий кўмондон бўлиш билан бирга, шоир сифатида Султон Саидхоннинг адабий мажлисларида ҳам надимлик қилган. Султон Саидхон ўз шеърларини мажлисларда ўқиб, шоирларни мушоирага чорлаган:

**Шукрилиллоҳ ҳолатим зогир бўлубдур ёрга,  
Эмди ёр оллида ўзни кўрсатай азёрга.  
Сайр учун кирса гулистон ичра ул сарвиравон,  
Банда бўлсун сарви озод ул қаду рафторга.** <sup>127</sup>

<sup>125</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011. –Б.197-198.

<sup>126</sup> Кўрсатилган асар.-Б.198.

Алишер Навоийга ғазалларига татаббуълар ёзган Султон Саидхоннинг ўзбекча шеърларига Мирзо Муҳаммад Ҳайдар юқори баҳо берган:

***Аҳд қилдингки, вафо қилгайсен,  
Йўқки жонимга жафо қилгайсен.***

***Отма сен гамза ўқи бирла мени,  
Кўрқадурманки, хато қилгайсен.***

***Манга дерсенки, вафо қилгумдур,  
Элга қилгонча манга қилгайсен.***<sup>128</sup>

Адабий мажлисларда бирида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар хонга шундай дейди: “*Бир куни мен банда айттимки, форсий бадиҳа айтсалар, деб. Тўла муболага қилгандин кейин хон айттики, Хожа Ҳасан (Деҳлавий)нинг китобини очинглар, деди. Очиб эдим бу ғазал чиқдики, матлаи будур:*

***Эй зи сар то бақадам жони каси.***

*Бу ердаги ҳуззори мажлисда бадиҳа ибтидо қилдиларки, хон буюрди:*

***Чанд гўйики бигў жони каси.***

*Хон айттики:*

***Рост гўямки туи жони каси.***

*Мундин илгариму форсий байтлар айтгон эрди. Уд, барбат қаторлиқ неча қисми нағмаларни руҳафзо чекар эрди.*

*...Давоми айшу ишратга кўнгуллик эрди. Вақтеки ёши ўттиз еттига етти, тавбаи Насуҳ қилиб сурати салоҳни илгари тутти.*<sup>129</sup>

Тариқат пири Хожа Баҳоуддин Маҳмуд Кошғарга келганда, Султон Саидхон сулукка кириб, унга мурид тушади. “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, “*Хулқу карам аворида мун(Султон Саидхон)дин илгари хоқонлар орасида Увайсхондин бўлак бу мартабанинг чошнига етган эмас.*”<sup>130</sup>

---

<sup>127</sup> Кўрсатилган асар.-Б.198.

<sup>128</sup> Кўрсатилган асар.-Б.198.

<sup>129</sup> Кўрсатилган асар.-Б.199.

<sup>130</sup> Кўрсатилган асар.-Б.199.

## 41. РАШИДХОН

Султон Саидхоннинг ўғли шоир Аёзийнинг шогирди Абдуррашидхон (1507-1571) ҳам отаси Саидий сингари, “Рашидий” тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларда шеърлар ёзган. Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, “багоят хуштабъ ва зариф подшоҳ (бўлган). Ушбу туркий абёт уникидир. Назм:

**Юзунгни кўргани девонадурмиз,  
Жаҳоннинг аҳлидин бегонадурмиз,  
Демонким, лолаву гулни кўрибмен,  
Ки, давлатларга мен худ ёнадурмен.**<sup>131</sup>

Мутрибийнинг ёзишича, “Салтанат, жаҳонбонлик ва ҳашамат, комронликка қарамасдан, дарвишлик либоси ва дилрешлик палосида умр ўтказарди ва бўлар-бўлмас таомлардан парҳез тутушига қаттиқ риоя қиларди. Назм:

**Тухм луқма аст дар обу гили ту,  
Мекунад ҳамчу хўди ҳосили ту.  
Гул нишони биафрузад гулшан,  
Хор кори, бидаронад доман.**

(Мазмуни: Суву хокдан ясалган танда уруғ овқат, Не эксанг, шуни оласан бил ҳар вақт. Гул уругин сочсанг, унадир гулзор, Тикан эксанг, тирнаб етказар озор.)

Табълари яхши эди ва мана бу газалини шаҳарлар фахри Бухорога юбориб, ҳазрат маҳдумий Ҳасанхожа Нисорийдан жавоб битишларини сўраган эдилар. Матлаъ:

**Ба андалиб надорад сари сухан гули сурх,  
Магар ки муҳр ниҳода аст бар даҳан гули сурх.**

(Мазмуни: Булбул билан тиллашмади ё қизил гул, Оғзига муҳр босибдимми- ё қизил гул?)

Ҳазрат маҳдумий (Нисорий) эса мазкур газалга жавоб айтиб юборган эдилар. Ўша газалнинг мақтаъсидан бошқаси эсимда қолмагани учун ушбунни ҳавола этиш билан чегаралансам. Мақтаъ:

**Нисорий, аз гулу гулшан намебарам бую,  
Ба ноз то надихад гулрухе ба ман гули сурх.**

<sup>131</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.38.

*(Мазмуни: Нисорий, гулу-гулишандан етмас бирон тароват, То бир гулюзлик бермагунча менга қизил гул.)*

Ҳожилар етакчиси жаноб Ҳожи Чашмон шундай деган эдилар: “Ҳазрат Рашидхон баракатли вақтини кўтинча Қуръони мажидни тиловат қилиш ва фурқони ҳамидни ўқишга сарфлар эдилар”.<sup>132</sup>

## 42. МУҲАММАД ҲАЙДАР

Бобур Мирзонинг холаваччаси Кашмир ҳукмдори Муҳаммад Ҳайдар Дўғлат Аёзий (1499-1551) Султон Саидхон мажлисларида мунтазам иштирок этган. Унинг онаси Хўбнигор Хоним Юнусхоннинг кизи эди. Отаси Муҳаммад Ҳусайн Султон Маҳмудхоннинг болаликдаги дўсти бўлган ва Ўратепада 1494-1502 йилларда ҳокимлик қилган.

Маълумки, Султон Саидхон вафот этгач, ўғли Рашидхон Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг амакиси Саид Муҳаммад ва унинг ўғилларини қатл эттиради. Буни эшитган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Урсанг ҳарбий сафаридан қайтишда Помир ва Бадахшон орқали Ҳиндистонга бориб, Ҳумоюн ва Комрон даргоҳида етти йил хизмат қилади. Бинобарин, бобурий мирзоларнинг шеърят кечаларида ҳам қатнашади. 1540 йил Ҳумоюн Шершоҳ Сурийдан енгилгач, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Ҳумоюншоҳдан 450 отлиқ олиб, Кашмирни эгаллайди ва ўн бир йил подшоҳлик қилади. Кашмирдаги саройида ҳам шоирлар иштирокида адабий базмлар ташкил этади. Шоҳ ва шоир 1551 йилда маҳаллий исёнларни бостириш чоғида ўз тан соқчисининг тунда отган тасодифий ўқи билан яраланиб вафот этади.

Муҳаммад Ҳайдар Аёзий соҳибдевон шоирдир. Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, “*Мирзо Ҳайдар Кошгар Мирзоларидан эди ва отасини Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон дер эдилар. Ва Мирзо Ҳайдар зоятда қобил ва хуштабъ эди ва барча санъатлардан хабардор эди. Бу рубоий уникидир:*

***Ошиқ шудаам, асири гам бояд буд,  
Меҳнаткаши водии ситам бояд буд.  
Ё аз сари кўйи ёр бояд бархост,***

<sup>132</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б.54-55.

***Ё аз саги кўйи ёр гум бояд буд.***

(Мазмуни: Ошиқ бўлганман, зам асири бўлмоқ керак, Ситам водийси меҳнаткаши бўлмоқ керак. Ё ёр сари куйидан турмоқ керак, Ё ёр ити куйидан гум бўлмоқ керак.)<sup>133</sup>

Аёзий, шунингдек, “Тарихи Рашидий” асаридан ташқари, ўзбек тилидаги “Маҳмуднома” ва “Жаҳоннома” дostonлари муаллифи. “Тарихи Рашидий” сўзбошисида Омонбек Жалилов унинг “Жаҳоннома” асари ҳақида шундай ёзади: “*Мирзо Ҳайдар Аёзийнинг “Жаҳоннома” дostonи образлари гўзал ва мукамал, тили нафис, ифодалаш воситалари ранг-баранг бўлган бадиий юксак асардир. Биз уни XV асрда туркий халқларнинг чизатой тили деб аталган адабий тилида ёзилгани учун адабиёт – дostonчилик ривожига катта ҳисса қўшган асарлардан деб ҳисоблашга ҳақлимиз.*”<sup>134</sup>

Мухтасар қилиб айтганда, ўзбек тилда шеърлар ёзган ҳукмдор шоирлар Султон Саидхон, Абдуррашидхон ва Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий ижодини тадқиқ этиш мумтоз адабиётимиз тарихини янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади.

### **III – ҚИСМ**

#### **АШТАРХОНИЙ ҲУКМДОРЛАР**

#### **43. БОҚИ МУҲАММАД СУЛТОН**

Маълумотларга қараганда, шоир Мутрибий Астраханлик ўзбеклардан аштархоний ҳукмдор шеърятсевар Боқи Муҳаммадхоннинг мажлисларида қатнашиб, унга бағишланган қасидаларини ўқиган. 1604 йилда Самарқандда қурилган давлат саройи ҳақида биринчи қасида яратиб, уни Бухорога бориб подшоҳга тақдим қилган:

***Зиҳи қасри ки аз хубий бувад чашму чароғи дил,  
Шавад наззорагий аз дидани у масту лояқил.  
Ҳар он нақше ки наққоши табиат нақш мебандад,***

<sup>133</sup> Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.75.

<sup>134</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011. –Б.17.

*Бувад дар тийнати покизаи у сар ба сар ҳосил.  
Муқавваси тоқиҳояи гар касе бинад бадин хубий,  
Ажаб бошад ба тоқи абруи хубон шавад мойил.  
Фалакро солҳо ин орзу дар дил гирех бошад,  
Ки жойи ложувардаи хешро созад дар у дохил.  
Тало аз бас ки шуд сарф дару девори зебоиш,  
Агар кони тало гуянд уро набувад ин мушкил.  
Намуда дар назар тоқи мушаббак пешгоҳи у,  
Чинон к-зи оби софий моҳи нав бо анжум, эй фозил,  
На ҳафт алвои бувад аз шиша шакли тобдони у,  
Ки гашта сабъа сайёра тамоми чархро шомил.  
Ба сад тазийин музайян сохтаи машшотани қудрат,  
Ки то дар вей ниҳад по аӯ иноят хусрави одил.  
Шаҳи соҳибқирони гитайситон Боқий Муҳаммадхон,  
Ки ҳаст аз чоқарони боргоҳаи Қайсару Тўғрил.*

(Мазмуни: Яшасин бу қасрки, гўзаллиги дил кўзи, чироғи, Томошабин бўлғуси маст-аласт уни кўрган чоғи. Табиат наққоши ясаган ҳар бир нақши бўлғуси, Пок тийнатида гулу гулзор ҳам яшнаган боғи. Тоқи ёйининг бунча чиройлигини кўрса биров, Гўзаллар қоши ёйин исташи ажабмас шу чоғи. Фалак дилида кўп йиллар бу орзу бўлажакким, “Ложуварди ўрнига мен бўлсам, кетар дил доғи”. Кўп тилло сарф бўлганидан эшик ва деворига, Деса бўлур тилло маъданига кон унинг ҳар ёғи. Кўринар кўзга пешгоҳининг сим тўрли тоқи, Сувда акс этгандек янги ой-ла юлдузлар сипоҳи. Тобдони шакли етти хил алвон шиша эканидан, Бунда жамдек чархнинг етти сайёраси байроғи. Қудрат машшотаси минг зийнат билан ясаган, Тегсин деб унга одил подшоҳнинг иноятдан оёғи. Соҳибқирон Боқимуҳаммадхон саройининг чоқари, Эрур Рум Қайсари-ю, Тўғрул – турк хонлари маёғи.)<sup>135</sup>

#### 44. ВАЛИ МУҲАММАД СУЛТОН

Мутрибий Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарини ёзиб тугаллагач эса 1605 йилда яна Бухорога - адабий мажлисга келиб, адабиётсевар ҳукмдор Вали Муҳаммадхонга тухфа қилади. Бу ҳақда асар муқаддимасида шундай ёзилган: “*Ва уни фирдавсмонанд Самарқанд дор-у-л-мулкининг номини улуглаётган чуқур илми мўтабар олимлар ва доно фозилларнинг кимёсар назарларига етказиб, ибораларини тузатиш ва истиораларини тўғрилатишига тиришиб-тортишиб, ниҳоят, мақбуллик либосини кийдиришига эришдим, токим бу асаримиз фазилат ва аслзодаликда, хуштаъблик ва суханишуносликда тожи нигонни*

<sup>135</sup> Кўрсатилган асар. – Б.252-254.

шарофатлантирувчи ҳамда ер юзидаги султон ва хоқонларнинг боши бўлган бир олий мақомли шахриёрнинг шариф мажлиси ва латиф маҳфил(ўтириш)ига муносиб совға бўлгай.

**Шоҳе ки замона тобеъи давлати уст,**

**Офоқ гирифтаи сар ба сар ҳашимати уст.**

**Бар авжи сепеҳр нури моҳу хуршид,**

**Аз қуббаи чатри осмон рафъати уст.**

(Мазмуни: Бир шоҳким, замона тобеъдир давлатига, Бутун олам бош эгмиш шоҳлик савлатига. Фалак авжсида ой, қуёш нури таралмиш, Суяниб осмонўпар чатри шавкатиға.)<sup>136</sup>

## 45. НАДР МУҲАММАД СУЛТОН

Мутрибий “Тазкират уш-шуаро”да Насаф вилояти волийси аштархонийлардан Надр Муҳаммад Султонни Боқимуҳаммад Баҳодирхоннинг акаси (Динмуҳаммадхон)нинг ўғли деб зикр этиб, шаҳзоданинг адабий мажлислари ҳақида шундай ёзган: “Султонлик ва жаҳонбонлик мартабасига қарамай, ёғдули кўнглини сухандонлик юртларини ҳам эгалламоққа йўналтириб, доимо ярашиқли ўтиришларини олимлар ва фозиллар йиғинига айлантиради.

Ва бу мазали ва нафис чиққан байтни ул салтанатпаноҳга нисбат берадилар:

**Ченон зи синаи сўзон ҳаме кашидам оҳ,**

**Ки, барқҳои фалак аз шарори оҳам сухт.**

(Мазмуни: Ёнган кўксимдан чекардим мен шундайин оҳким, Кўк яшинин алангалатди, сачратиб учқун ул оҳим).<sup>137</sup>

## 46. ИМОМҚУЛИХОН

Манбаларга қараганда, Мутрибий Самарқандий аштархоний Имомқулихон ҳузурда маданият арбоби ва шоир сифатида катта обрўга эга бўлган.<sup>138</sup> Ҳукмдорнинг адабий йиғилишларида иштирок этган.

<sup>136</sup> Кўрсатилган асар. – Б.14-15.

<sup>137</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т.: Мумтоз сўз, 2013. –Б. 64-65.

<sup>138</sup> Кўрсатилган асар. –Б.6.

“Унинг табиатида илм аҳлига, дарвешларга мойиллик ҳам мавжуд эди. У олимлар, шоирлар, дарвешлар, ўз замонасининг улуғлари суҳбатини яхши кўрган. Ўзи ҳам сўфиёна шеърлар машқ қилган. У айниқса, шайх Мавлоно Юсуф Қорабоғий суҳбатларини хуш кўрарди. Мавлоно Юсуф Қорабоғий Хуросондан Бухорога келиб, бу ерда Муллои Нав тахаллуси билан машҳур бўлган Мирзожон Шерозийга мурид бўлади ва Имомқулихон даврида тариқатда камолотга эришади...

Шоирлардан Туробий ва Наҳлийга Имомқулихоннинг хурмати баланд эди. Шоир Наҳлий Имомқулихонга бағишлаб мадҳия ёзади”.<sup>139</sup>

“Оташкада”да шеър ёзган Имомқулихон ибни Динмуҳаммадхоннинг рубоийси келтирилган:

*Дар даҳр агар синафигорест, манам,*

*В-андар раҳи эътибор хорест, манам.*

*Дар дидаи ман агар фуруғест, туй,*

*Дар хотири ту агар губорест, манам.*<sup>140</sup>

(Мазмуни: Бу дунёда талаба бўлса, у мен. Бу иззат йўлида иззат, у мен. Кўзимдаги олов бўлса туй, Кўнглинда чанг бўлса, у мен.)

## 47. АБДУЛАЗИЗХОН

Бухоро хонларидан Абдулазизхон ибни Надрмуҳаммадхон ҳам “Абдулазиз” тахаллуси билан ижод қилган:

*Ёди айёме ки мо ҳам рўзгоре доштем,*

*Шаҳрери шаҳри худ будему ёре доштем.*

*Тирабахтй кард моро инчунин безътибор,*

*В-арна мо ҳам пеши мардум эътиборе доштем.*

*Бар сарири мамлакат будем хуш, Абдулазиз,*

*Дар миёни мардуми олам диёре доштем.*<sup>141</sup>

(Мазмуни: Ёдимда ҳаётимдаги байрамларни эслайман, Шаҳар шаҳрери бўлганимда дўстлар билан ўтган кунларни эслайман. Афсуски, биз ҳам безътибор эдик, Аммо халқ олдида обрў-эътиборимиз бор эди. Юрт бошида бахтли эдик, Абдулазиз, Дунё аҳли орасида ҳам ватанимиз бор эди.)

<sup>139</sup> <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/185-ashtarxoniyilar.html>

<sup>140</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Душанбе: Адиб, 2010. – Б.110.

<sup>141</sup> Кўрсатилган асар. – Б.112.

Хон саройида наср ва назмдаги тарихий асарлар жуда баландпарвоз ҳамда жимжимадор ёзилган, шеърят кечаларида подшоҳ ва хонлар, улар атрофидаги аъёнларга ҳамду санолар ўқилган.

*“Олимларга ҳурмат, шоирларга илтифот, тасаввуф аҳлига мурувват кўрсатиш Абдулазизхонга хос хислат эди. Ҳатто ўзига қарата ҳажвий шеър ёзган шоирларни жазоламаган, аксинча уларга илтифот кўрсатган.*

*Муҳаммад Юсуф Муниши маълумотларига кўра, Абдулазизхон жуда семиз, йўгон жуссали киши бўлган. Замон шоирларидан бири унинг табиий бу бесўнақайлигини ҳажв остига олиб, шеър битади. Шеър дараги хоннинг қулогига етиб боради. Шунда шоирни саройга таклиф қилиб, бошқа бундай шеър ёзмастик шарти билан унга ўн минг динор танга, қимматбаҳо тўн, минг таноб ер ҳадя этади...*

*Яна бир диққатга молик далил. Хоннинг топширигига кўра, хаттот Мавлоно Ҳожи Ёдгор етти йил мобайнида сабр, қунт ва ўта масъулият билан Ҳофиз Шерозийнинг девонини кўчиради. Айнан шу нусха Эрон ҳукмдори Шоҳ Сулаймон (1667-1694)га тухфа тариқасида юборилади. Шоҳ Сулаймон Абдулазизхон томонидан йўлланган бошқа қимматбаҳо совгаларга эътибор қаратмасдан, шу китобга маҳлиё бўлиб қолади. Ўшанда у “Абдулазизхон бутун дунёнинг неъматларини шу биргина китобга жо айлаб, менга жўнатибди”, деган экан”.*<sup>142</sup>

*“Абдулазизхон кучли, жасур ва билимли одам эди. У диний билимлар билан бирга дунёвий фанларни, айниқса математика фанини чуқур ўзлаштирганини таъкидлашади. Шу сабабли у илм ва фанни ривожлантиришга ҳам эътиборни кучайтирди. Абдулазизхон илк бора Бухорода энг чиройли хаттотлик намуналаридан тўпланган бебаҳо кутубхона ташкил қилди. Олимлар, диндорлар ва шоирлар учун нафақа белгилаб, давлат ҳимоясига олди”.*<sup>143</sup>

<sup>142</sup> <https://xs.uz/uxkr/post/oz-i-haqida-hazhvi-j-she-r-bitgan-sho-ir-ga-hukmdor-qandaj-iltifot-korsatgan-edi>.

<sup>143</sup> <https://shosh.uz/ibrat-ila-boq-kuzing-tufroqqa-tolmasdan-burun/>

## 48. СУБҲОНҚУЛИХОН

*Субҳонқулихон (1625-1702) Нишоний тахаллуси билан шеърлар ёзган, ўз атрофига шоир ва олимларни йиғиб, адабий мажлислар уюштирган.*

*Субҳонқулихон даврида Муҳаммад Вали Самарқандий “Музаккирул асҳоб” мажмуасини тuzди, бу тазкирада 200 нафар ўша даврнинг адабиёт арбобларини таржимаи ҳолига оид маълумотлар берилган. Бундан ташқари Бухорода сарой шоири Муҳаммад Балхийнинг 5000 байтдан иборат “Субҳонқулихоннома” ва Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланнома” каби асарлари яратилди.*

*Аштархонийлар даврида Бухоро хонлигида адабиёт, шеърят форс ва ўзбек (кўпроқ Хивада) тилларида ривожланди.”<sup>144</sup>*

*“Тарихи Муқимхоний” асарида Субҳонқулихоннинг қуйидаги шеъри келтирилган:*

***Қаддам зи зами ҳажри ту чун шамъ шуд, аммо***

***Торе зи висоли ту ба чангам нарасида.***

***Дар дида фитад кош, Нишонӣ, гули рӯяш,***

***Афтодани гул гарчи зиён аст ба дида.<sup>145</sup>***

*(Мазмуни: Сенинг ҳажринг гамингдан қадамим шамдек бўлди, лекин, Сен туфайли тўрли ўрмонда тўр йўқ. Нишоний, гулни юзингда кўр, Гулларнинг тушиши йўқотишдир.)*

*“Субҳонқулихоннинг тиббиётга оид китоблар жамланган нодир кутубхонаси бўлган. У “Иҳё ат-тибби Субҳоний” (“Субҳоний тиббиёти бўйича даволаш”), “Лубб ул-лавоиҳ ул-қамар фил-ихтиёрат” (“Бахтли соатни аниқлашда ой манзилларининг моҳияти”) номли тиббиёт ва илми нуҷумга рисоалар яратган. Субҳонқулихон Нишоний саройда ўтказилган мушоираларда ўзи ҳам шеърлар айтган”.<sup>146</sup>*

*Абдулазизхон саройида хизмат қилган Турди Фароғий Субҳонқулихон тахтни эгаллагач, ҳукмдор юритган сиёсатни кескин танқид остига олади:*

***Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк,***

***Фитнаи авбош, зулм-у куфру тугёндур бу мулк.***

<sup>144</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. II-жилд. Т.: Фан, 1991. – Б.38.

<sup>145</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Душанбе: Адиб, 2010. – Б.117.

<sup>146</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/ozbekiston-hukmdorlari/subhonqulixon/>

*Бир калима ҳурматидин лек ислом оти бор,  
Мутлақо кирдори хайли кофиристондур бу мулк.  
Дур аҳду танг чашим-у бесар-у яъжуҷ вазъ,  
Мухталиф мазҳаб гуруҳи Ўзбекистондур бу мулк.  
Нақди жон берсанг топилмас истасанг бир зарра айш,  
Меҳнату андуҳни сўрсанг, фаровондур бу мулк,  
Жойи ислому муслмонлиғ, Фароғий истама,  
Пойтахти кишвари Субҳонқулихондур бу мулк.*

Турди Фароғий “Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия” номли асарини 1691 йилда битган. Унгача олти йил юртни сарсон кезиб юрган шоир халқнинг аҳволини ўз кўзи билан кўради...

Турди Фароғий ўзи яшаган давр ҳукмдорини танқид остига олиб, маърифат учун курашган санокли шоирлардан бири эди”.<sup>147</sup>

## 49. ҚОСИМ СУЛТОН

Садриддин Айний “Намунаи адабиёти тожик” тазкирасида аштархонийлар хонадонидан бўлган соҳибдевон шоир Қосимхон ибни Хусравхон ибни Надрмуҳаммад ижодига алоҳида тўхталган:

*Қуте ба гайри хуни дили худ намехурам,  
Дар базми дўст дидаи гирёнам орзуост.  
Ҳастам баландмартаба, Қосим, дар ин жаҳон,  
Дар зери чарх тахти Сулаймонам орзуост.<sup>148</sup>*

(Мазмуни: Юрак қонидан бошқа симирмайман, Дўстим базмида йиғлаётганимни кўриш туш, Мен олий мансабман, Қосим бу дунёда, Чарх остида Сулаймон тахти орзу.)

## IV – ҚИСМ

### ҲЎҚАНДИ ЛАТИФ ХОНЛАРИ

## 50. НОРБЎТАХОН

Муҳаммадҳакимхон тўра “Мунтахаб ат-таворих”да ўзбекнинг минг қавмидан бўлган Қўқон хони Норбўтабийга нисбат бериб,

<sup>147</sup> <https://shosh.uz/ibrat-ila-boq-kuzing-tufroqqa-tolmasdan-burun/>

<sup>148</sup> Кўрсатилган асар. – Б.111.

бир нечта шеър келтирган: “Амирлар Норбўтабий ҳузурига ошиқдилар ва унга Фарғона мамлакати салтанати хушхабарини етказиб, тахтга ўтиришини илтимос қилдилар. Ҳар бир нарсанинг охир-оқибатини пухта ўйловчи ул доно бий давлат амирларидан мазкур сўзларни эшитгач, бу каби хатарга тўла ишдан ўзини тийиб, деди: (Байт)

**Махўр, эй шамъ, аз ҳастии фиреби мажлисорой,**

**Ба як гардан намеарзад, ба чандин сар буриданҳо.**

(Мазмуни: Эй шамъ, ўтиришни безовчи борлиқ алдовига учма, Нечалаб боши кесишлар бир гардан урмоққа арзимас).<sup>149</sup>

## 51. МУҲАММАДАМИНХОН

Муҳаммадҳақимхон тўра ўз асаида Норбўтабийнинг катта ўғли Муҳаммадаминхон билан қишлоқ мулласи ўртасида мушоира-мулоқотни келтиради. Мулло шахзода ҳузурида ушбу байтни ўқиди. Байт:

**Хамуширо забон додам адабро бе ибо кардам,**

**Ба жонон ҳар чи бодо бод арзи муддао кардам.**

(Мазмуни: Тилсизга тил бериб, одобни уятсиз қилдим, Нима бўлса-бўлсин, жононга ниятим айтдим)...

Шунда Муҳаммадаминхон бу бедилнинг жоду кўзлардан бирига кўнгли тушганини англади ва унинг касаллигига мос тушувчи ушбу бир неча назмни Табиби шариф Ҳинду абётидан ўқиди:

**Ханда заду гуфт: кунун дарди туро донистам,**

**Дарди ёр аст ки жуз ёр надорад дармон.**

**Рост, оре, мараз ин аст ки кардам таиҳис,**

**Чун мараз ёфта шуд ҳаст иложаш осон.**

(Мазмуни: Кулди-ю, деди энди билдим сенинг дардингни, Ёр дарди зарур ул, бас ёрдан бўлак дармони йўқ. Ҳа, касалинг шу экан, таиҳисини қилдим мен, Касаллик топилди, энди иложидан осони йўқ).<sup>150</sup>

“Муҳаммадаминхоннинг ҳиммати шу даража эдики, бир куни ўз надимлари билан бирга ўтирар ва бу йиғинда мавлоно Нусрат

<sup>149</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-тавориҳ.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.245.

<sup>150</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-тавориҳ.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.263-268..

ҳам қатнашаётган эди. Шаҳзода мавлонога юзланиб, ушбу мисрани ўқиди ва шунга тазмин айтишни буюрди. Мисраъ:

**Ба гарди шамъ қўнғуз-қўнғуз, парвона-парвона.**

(Мазмуни: Шам атрофида қўнғуз-қўнғуз, парвона- парвона.)

Мавлон Нусрат бадиҳа йўсини билан деди. Мисраъ:

**Сарат гардам, тариқи дилнавози ёд гир аз шамъ.**

(Мазмуни: Бошингдан ўрғилайин, дилнавозликни шамдан ўрган.)<sup>151</sup>

## 52. АМИР ОЛИМХОН

“Мунтахаб ат-таворих”да Муҳаммадҳақимхон тўра тоғаси Олимхон ўқиган сатрларни ҳам келтирган: “Амир Олимхон тақдирининг бу ўйинидан хабар топиб, ўзининг ўйламасдан босган қадамидан пушаймон бўлди ва ўйга чўмиб, ҳайронлик ичида ушбу байтни ўқиди:

**Ҳар ки бефикр ва таани амале гирад пеш,**

**Охируламр аз он карда пушаймон гардад.**

(Мазмуни: Ким ўйламасдан бирор ишга қўл урса, Сўнг бу ишининг пушаймонлиги оламга сизмас).<sup>152</sup>

Олимхон Муҳаммадҳақимхон тўранинг айтишича, кўпинча қуйидаги тўртликни ўқиб юрган:

**Чи санжад дар нигинам шаҳри Хўқанд,**

**Зи Чинам то Хуросон дар нигин бод.**

**Ба як Турон самандамрочи жавлон,**

**Маро майдон ҳама руйи замин бод.**

(Мазмуни: Хўқандгина топмас нигинимдан омон, Киргай унга Чиндан тортиб то Хуросон. Самандимга депсиниш ери эмас Турон, Отимга бўлғуси бутун ер юзи майдон.)<sup>153</sup>

## 53. УМАРХОН АМИРИЙ

Қўқон хони шоҳ ва шоир Умархон Амирий саройидаги шеърхонлик мажлисларида ҳам унинг атрофидаги адабиёт аҳли етакчилик қилган. Ҳеч бўртгирмасдан таъкидлаш мумкинки,

<sup>151</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.264-265.

<sup>152</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.310.

<sup>153</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.310.

Умархон ўз умр йўлдоши Нодирабегим билан XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқон адабий муҳитига асос солган.<sup>154</sup> Пўлатжон Қайюмов “Тазкираи Қайюмий”да ёзишича, “Навоийга эргашувчи шоирлардан бўлуб, бир девонга эгадир. Бадиий томондан расо шоир экани ёзган ашъори обдоридан маълумдир. Бу кишининг хонлигидан қатъий назар Хўқандли буюк шоир сифатида ҳурмат этамиз. Табиатан бу шоир Шохруҳийлар сулоласидан ўзбек элининг минг уругидан етишимидир. Ўз даврида унинг саройи адабиёт аҳли, илм-маърифат кишилари учун очиқ бўлуб паноҳ топдилар. Ўшал вақт Хўқандга атрофдан адабиёт аҳллари кела бошладилар ва ҳурмат кўрдилар. Адабий нашидалари билан сероб этдилар”.<sup>155</sup>

Дарҳақиқат, “XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқонда ўзига хос илмий-адабий муҳит вужудга келади – унинг бошида маърифатпарвар ҳукмдор Амир Умархон турар эди. Илму ижод аҳлига ҳомийлик қилганлиги туфайли узоқ-яқиндан кўплаб истеъдод соҳиблари ундан паноҳ излаб келганлар. Ўзининг ҳам кўнглида “ишқу муҳаббат завқи ва замирида ошиқона шеърлар шавқи голиб” бўлиб, гўзал ва ҳассос газаллар ёзган Амирий, хусусан шоирларни ўзига яқин тутар эди. Унинг атрофида 70 дан зиёд шоир тўпланган. Улар орасида Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Махмур, Гулханий, Маъдан, Ҳозиқ, Ғозий, Фазлий, Адо, Нодир, Мутриб, Мирий, Нола каби ўзбек адабиёти тараққиётида катта роль ўйнаган забардаст сўз усталари бўлган”.<sup>156</sup> “Фарғона тарихи” асарида ёзилишича, “Умархон аъдал уз-замон, аълам ул-иқрон фазл жиҳатидан банийи Шохруҳ жумласидан фоиқ, шоир фасиҳ ул-баён ва балиғ аён, суҳансанжи ошон, форсий ва туркийда беҳамто ўлуб, аҳли балогатлар баъзи шеърларини кутуби маъонийда эрод эткан эканлар ва манфаати омма учун мусораъат ва аҳкоми шариадда базлу муъованат ҳусни тадбирлик ва сиёсатга мубодаратлик бир хони номдор ва бир подшоҳи комкор эди...<sup>157</sup>

Мулла Олим Маҳдум “Тарихи Туркистон” асарида ёзишича, Умархоннинг мажлиси олимлар, фозиллар, машойихлар ва мударрислар билан гавжум бўлган: “Умархоннинг асрида ва суҳбатида бўлган уламо, фузало ва машойих ва мударрислардан

<sup>154</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008. -Б.67-68.

<sup>155</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Кўлёмалар институти, 1999. -Б.107-111.

<sup>156</sup> Очиллов Э. Барҳаёт сиймолар. Т.: Ўзбекистон, 2012. –Б. 390-391.

<sup>157</sup> Иброт. Фарғона тарихи. Т.: Камалак, 1991. – Б.288-289.

Зокирхўжа эшон Намангоний ва домла Мирзойи қизикалон марҳумий ва ҳазрат домла Мўминбек марҳумий ва ҳазрат домла Абдулкарим марҳумий ва ҳазрат муллоийи Қобилий ва ҳазрат домла Ориф Баскатий волиди махдум Ҳамом ва тўра Хўжа Калон Махдум Аъзамий ва Эшонхон ва Тўрахон тўра ва Жаҳонгирхон тўра Саййид Офоқий, мазкурлар амирга доимо ҳамнишин бўлуб, ҳар амрики, подшоҳликка тааллуқ бўлса, уламо тоифаларига ҳавола қилиб, ҳукми шаръийни жорий айлаб, ҳар вақт амирнинг мажлисида уламойи муҳаққиқлар бўлуб, уламойи хушомадгўйдин парҳез қилур экан. Булардан бошқа Умархон “Мажмуъ уш-шуаро” барпо қилиб, закий ва зариф шуаролардин жамъ айлаб, ҳамма шуароларнинг айтган қасоид ва газалиёт ва ашъоротларини жамлаб девон қилдиргандир. Умархон асрида Фарғона энг обод юртга айланди, унда илм ва фазл тараққий этди. Атроф ва жонибдаги вилоят ва мамлакатлардан Умархоннинг авсофи ҳамидасини эшитган уламо ва фузало ва шуаролар Қўқонда жамъ бўлди. Ширинсухан шоир Умархоннинг айтган шеърлари Фарғона ва бошқа вилоятларда машҳур (бўлган)”.<sup>158</sup> Умархон шеърый йиғилишларда ғазаллар айтиб, шоирларни мушоирага чорлаган:

**Кўрсатурлар жилва бирла бизлара гулзорлар,  
 Ноз пийролар, чаманбарлар, чаман рухсорлар.  
 Ишқ элин қатл эткучи бераҳм дилозорлар,  
 Жам бўлуб ҳар базм аро суҳбат этарлар ёрлар...  
 Жилва ила анжуман сахнини гулшан эттилар,  
 Гулжабинлар, гунча огизлар, шакар гуфторлар...  
 Хатм бўлди базм аро ўн учга бу шах газал,  
 То мувофиқ тушсун ул гулнорга бу ашъорлар.  
 Бу ушоқ ёшларни жавридин қутулмассен, Амир,  
 Олдилар юз ноз ила кўнглумни бу дилдорлар.<sup>159</sup>**

“Мажмуаи шоирон”да Умархон ҳузуридаги шеърый мажлис қаламга олинган. Мажлисларда пайравбозлик устунлик қиларди. Сарой шоирлари ҳукмдор Амирий шеърларига назира ёзишар ва уни мадҳ этишарди. Садриддин Айний “Тожик адабиёти намуналари” тазкирасида ёзишича, “Шуаро ва фузалонинг мураббийси эди, бу даврнинг машҳур шоири унинг тарбияси ва

<sup>158</sup> Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши. Насаф, 1992.-Б.43-44.

<sup>159</sup> Кўрсатилган асар.-Б. 119-120.

*ҳомийлигида камол топди. Амирий ўзининг қисқа умрида адабиёт равнақи учун кўп ишларни амалга оширди. Биргина Фазлий тазкирасининг яратилишидаги раҳнамолигини кўрсатиши мумкин. Умархон Амирий Навоийдан кейин, Туркистонда ривож топмаган туркий шеърят Амирий даврида иккинчи марта юқори мавқега кўтарилган”.*<sup>160</sup>

## 54. НОДИРАИ ДАВРОН

Қўқон хони Умархоннинг турмуш ўртоғи Моҳларойим – Нодирабегим (1792-1842) машҳур шоира, давлат арбоби, маданият ва адабиёт ҳомийси бўлган. Моҳларойимдан бизгача ўзбек ва форс-тожик тилларида “Комила”, “Нодира” ва “Макнуна” тахаллуслари билан яратилган лирик асарларидан иборат катта мерос етиб келган.<sup>161</sup>

Адабиётшунос Зебо Қобилованинг ёзишича, Қўқон хони ва истеъдодли шоир Муҳаммад Саид Умархон-Амирий шахсини ўрганишда, оилавий ҳаётдаги ўрни, ижодий истеъдоди тавсифи сифатида Нодира девонининг дебочасини қабул қилиш мумкин.

Ҳакимхон Тўранинг “Мунтаҳоб ут-таворих” асарида: “*Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг пардаи исматида бир қизи бор эди, исми Моҳлар ойим эрди. Амир Олимхон хоҳладиким, ул муҳаддарани Амир Умархонни никоҳига киргузса...*” ва шундай бўлди ҳам.

“*Амир Умархон ба чанд кун айшу ишратга машғул бўлди, ба чанд вақтдан сўнг фарзанди маштари саодат вужудга келди, ул Шаҳзоданинг исмини Муҳаммад Алихон қўйдилар...*”

“Айшу ишрат” сўзларини бу ўринга ўзининг туб маъносида эмас, осойишта, тинч оилага хос тавсиф сифатида қўлланилганини ҳисобга олсак, Нодиранинг ўз девони дебочасида битган изҳори диллари нечоғлик ҳақ эканлиги кўринади.

Шоира ўз холини баён этади: “*Фироқ ошубидин ошуфта хотир ва ҳижрон аламидин кўнгилда хавотирдур*”. Чунки, унинг умр йўлдоши Амир Умархон жуда эрта-навқирон ёшида вафот

<sup>160</sup> <http://www.khalkovozi.tj/adabiyot/nasr/1796-turkig-j-shoirlar-uztoz-ajnij-nigo-ida>

<sup>161</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/manaviyat-yulduzlari/nodira-1792-1842/>

этади. Уларнинг ҳаётида эслашга арзигулик хуш онлар бўлганки, Нодира уларни доимо армон билан эсга олади:

Нодира:

***Эй хуш ул кунларки, васл базмида масрур эдим,  
Шоду хуррам давлати дийдорига мағрур эдим...***

***Бўлиб адлидин элни осойиши,  
Анинг давлати эрди эл хоҳиши...***

***Амири жаҳонким менга ёр эди,  
Анинг бирла хуш давлати бор эди...***”

дея Умархонни хотирлайди, Нодирабегим. Шоира Амирийни ўз устози, шеърятда маслаҳатгўйи сифатида ҳурмат билан тилга олади: “*Мен ҳам алар мутобаатида назм услубидин баҳра топиб, ас-суҳбату муассиратун (бир-бирига таъсир этувчи ёқимли суҳбат) натижаси бирла кам-кам шеър қонунидан хабардор бўлуб, гоҳо бирор мисраъ ва гоҳо бирор байт тақлид айтур эрдим. Ҳазрат баъзи нуқсонларига ислоҳ бериб, мавзун ва мурассаъ қилур эрдилар. То андак фурсатда ашъор қоидаларига мувосанасат пайдо қилдим, назм фунунига моҳир ва мазмун сеҳрида соҳир бўлдим*”.<sup>162</sup>

Шоира икки ўртада кечган мушоираларни ҳам кейинчалик: “*Гоҳо ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисра бирла савол тариқасида сўрар эрдилар, филфавр охири мисраъ бирла жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим...Бу тариқа мазмунлар бирла кўнгилларига фараҳ етказур эрдим, мундоғ латойиф ва назокийлар бирла рўзгори давлат ва салтанат хуш кечар эрди*”.<sup>163</sup> Қуйидаги ғазал Амирий ва Нодира томонидан шоиранинг ўзи “Девон” дебчасида<sup>164</sup> қайд қилган мушоира тарзида, яъни унинг биринчи мисраси Амирий, иккинчиси Нодира томонидан ёзилган:

***Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?***

***Ким булар урён аларнинг жуббайи дастори бор.***

***Гул юзинг олида зоҳир қилди шабнамдин арақ,***

***Ғунча хомушу лабингни гавҳари гуфтори бор.***

---

<sup>162</sup> Нодира. Девон. Т.: Фан, 1963.-Б.50.

<sup>163</sup> <https://adabiyot.islomonline.uz/adabiyotshunoslik/1302-maqola.html>

<sup>164</sup> Нодира. Девон. Т.: Фан, 1963.-Б.50.

*Бўлма маҳзун бозбон, бозингга кирмас маҳвашим,  
Сарвдур қадди ани, рухсоридин гулзори бор.  
Соқиё, май бирла бир соат мени шодон қил,  
Нотавон кўнглумни ҳижрон дардидан озори бор.  
Эй кўнгул, динингни пинҳон асра ишқ атворида,  
Қошини ҳар бир хамида кўз деган айёри бор.  
Кўҳкан Ширинга ошиқ бўлди, Мажнун Лайлига,  
Ким муҳаббат шаҳрида ҳар кимсани бир ёри бор.  
Риштайи зулфини бўйнулда кўруб таън айламанг,  
Бир бираҳман бут йўлида бўйнида зуннори бор.  
Ёр ишқидин парилар эътироз айлар магар,  
Ҳар бирини бўйнида таъвиз ила туммори бор.  
Дилраболар ичра яктолиққа машхур ўлса, лек,  
Кўйида мен телба янглиз бениҳоят зори бор.  
Эй пари, бир кун бузуқ қулбам сари қилгил хиром,  
Ҳеч агар йўқтур замони сояйи девори бор.  
Не сабабдин ўлмасун обод кўнглум кишвари,  
Ишқ шоҳидек Амири маъдилат осори бор.<sup>165</sup>*

## 55. МУҲАММАД АЛИХОН

Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли Муҳаммад Алихон ҳам шоир бўлиб, назм аҳли билан мушоиралар уюштирган: “Бу шоир Шохруҳийлар сулоласидан бўлиб, Умархоннинг катта ўғлидир.

*У Фузулийга эргашиб ёзмишдир:*

*Юзу қадингга эрмас бу чаманнинг сарв раъноси,  
Сув ҳайвон чашмасига бўлса бил Исонинг анфоси.  
Жунуним ҳар дам афзун ўлса эй, хуш аҳли айб этманг,  
Ажаю муҳлик эмасму Оллоҳ-оллоҳ ишқ саҳроси.  
Қорарса рўзгорим ҳажер шомидек тонг эрмаским,  
Қиё боқмас менга ул сурма тортган чашим шаҳлоси.  
Музайян айлаган афлок тахти сори боқсам ким,  
Мукалал оби қасри зангоридур ул маҳваш маъвоси.  
Манга ким ҳар замон юз қатла жаврингни раво кўрма,  
Сурайёдан ошар Хонингнинг оҳи чарҳ паймоси”.<sup>166</sup>*

<sup>165</sup> <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/amiriy/>

<sup>166</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Қўлёмалар институти, 1999.-Б.170-174.

Муҳаммадҳақимхон тўра Муҳаммадалихон Хонпошшо мадҳида айтган шеърдан келтирган:

***Панжара ичига кирган хон нигорим ўзлари,  
Кечаси майлар ичиб кундуз хуморим тўғриси.***

*Бу мисра ҳам унинг қаламига мансуб: “Отангни оти саййид  
Ғози, сан ғозии иймонсен”.*<sup>167</sup>

## 56. МУҲАММАДҲАҚИМХОН

“Мунтахаб ат-таворих” (Сайланган тарихлар китоби) асари муаллифи Муҳаммадҳақимхон ибн Маъсумхон тўра Қўқон тарихнавислик мактабининг йирик намояндаси ҳисобланади.

Муҳаммадҳақимхон Тўра Амир Олимхоннинг синглиси Офтобойимнинг ўғлидир. Ҳақимхон таниқли саййидлар ва хонлар авлодига мансуб оилада 1803 йилда таваллуд топган. У она томондан Қўқон хони Норбўтабийга (1770-1798) набира ва Амир Умархонга жиян бўлади.

Ҳақимхоннинг отаси Маъсумхон тўра хонликда алоҳида ҳурмат ва мавқега эга бўлган.

“Мунтахаб ат-таворих”да Муҳаммадҳақимхон тўра ижодидан кўплаб намуналарни учратиш мумкин:

***Он жавонбахт, Искандартахт, Доро кирдор,  
Руйи оламгир дар як рўз хуршид иқтидор,  
Бар туфанг оташ диҳад дар рўзи разм, эй дўстон,  
Мебарорад душманони хеиро дуд аз димор,  
То фалак дорад сар аз меҳри маҳ тож аз калла,  
Бод давлат барқарору тахти бахташ пойдор.***

*(Мазмуни: Ул жавонбахт, Искандар тахт, Доро ҳашамат, Бир кунда оламни олувчи қуёш қудратли, Милтиқни ўт олдирса, уруш пайти дўстлар, Душманлар бошидан чиқарар олов – тутун. Фалакнинг бўлса боши қуёш, ойдан, турсин, То абад давлати барқарор, тахту бахти мангу.)*<sup>168</sup>

Ўз хотираларида Муҳаммадҳақимхон тўра Умархон синглиси Офтобойимни кўргани келганини ҳамда у шу муносабат билан

<sup>167</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.644.

<sup>168</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.383..

шеър айтганини ёзади: “Алқисса бир кечаси камина (Мухаммадҳақимхон тўра) ўз хизматкорларим билан ўтирган эдим. Амир Умархон пиёда сайр қилганча келиб, синглисини, яъни онамни кўргани ташриф буюрди. Фақир бу ҳолни мушоҳада этгач, исирик донасидек ўрнимдан сакраб туриб, бу байтни ўқидим. Байт:

*Лутф карди ва сафо оварди,*

*Сояйи давлат бар ин ганжи хароб андохти.*

(Мазмуни: *Лутфу карам этдингу сафо келтирдинг, Давлатинг соясин бу хароб ганж узра солдинг.*)

Умархон синглиси хузурига кирди ва синглиси билан суҳбат куришга тушди”<sup>169</sup>.

## 57. ХУСРАВ II

Албатта, Қўқонлик ўзбек хонлари ичидан ҳам кўплаб шоирлар чиққан. Пўлатжон Қайюмий ўзининг “Тазкираи Қайюмий” номли тазкирасида ёзишича, шеърлар битган “Хусрав II нинг номи Фансуруллобекдир. Фарғонанинг собиқ хони бўлмиш Худоёрхон Шерали ўглининг 16 ўглидан учинчисидир...Бўғдой рангли, соғлом вужудли киши бўлиб, илми адабиёт, шахмат ва чолғуда шашмақом машҳур чолғучиси ва куйчиси, базми ҳавас, нафис санъатга эга бир киши бўлиб, ул бир шеърида бундай дейди:

*Хусраво кўнглингни хуш тут айша машгул ўл мудом,*

*Чунки бу дунё уйининг охири вайронадур...*

*Навоийга эргашувчи нуктаомез ашъорлари мавжуддир”.*

## 58. ШАҲЗОДА

Қўқон хонлари сулоласидан бўлган Шаҳзода ҳам ажойиб ғазаллар ёзган: “Шаҳзода Шохруҳийлардан бўлиб, номи Насриддинбекдир. Андижонда ҳоким бўлиб турганда, Андижон шайхулисломининг адабий-илмий тарбиясида бўлмишдир. Адабий ижодга ўргатишда бошда Исфарали Мир Худоёр ва шоир Муҳий ва ҳам Мунтазирлар унинг саройида бўлмишдурлар... (Шаҳзода)

<sup>169</sup> Мухаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-тавориҳ.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.392.

*Мавлоно Биймийнинг дебочасига назира этиб, шул вазнда... дебоचा ёзибдур.*

*Эй маҳваши жон гудоз хунрез,  
Чашм қадамига дур гуҳар рез.  
Ошиқларга айлагил тараҳхум,  
Жон олмога қилмагил тилинг тез...  
Не хуш кун эрди етурди андин  
Қосидни паёми лутф оmez.  
Шаҳзодани айлабон гирифтор балохез”.*<sup>170</sup>

## 59. ХУДОЁРХОНЗОДА

Тарихчи Шодмон Воҳидовнинг ёзишича, Қўқон тарихига бағишланган “Анжумат-таворих” (“Тарих юлдузлари”) асарининг муаллифи рисоланинг бирор-бир жойида тўлиқ тилга олинмаган бўлса ҳам баъзи тадқиқотчилар асарларида ва қўлёзманинг ўзида келтирилган маълумотларга кўра, асар муаллифи Худоёрхоннинг ўғилларидан Муҳаммадамин ёки Ибн Ямин бўлиши тахмин қилинади.

“Анжумат-таворих” китоби муаллифи “Худоёрхонзода” хоннинг ўғли Ибн Яминбек бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Юқорида айтганимиздек, Худоёрхоннинг ўғилларидан Ибн Яминбек анча олдин “Туркистон вилояти газети” (1893. 22-28 сонлари)да ҳам ўз эсдаликларини ёзиб нашр этганида маҳаллий зиёлилар орасида катта ҳурматга сазовор бўлган. Унинг эсдаликлари кейинчалик рус тилида ҳам чоп этилган. Агарда Худоёрхоннинг шу ўғли асар муаллифи бўлса, унда унинг тарихнавислик соҳасидаги маҳорати ва тажрибаси, тарихий билимларга эга бўлгани, жиддий тадқиқотчи экани унинг асарининг биринчи жилди ва олдин ёзган ўша эсдаликлари мазмунидан маълум бўлади...

Айтиш мумкинки, мазкур манба Фарғона водийси ва Қўқон хонлигида ҳукм сурган минг сулоласи вакилларининг бири томонидан ёзилган.<sup>171</sup>

*Косе нурсид аз доно ҳакиме,*

<sup>170</sup> Кўрсатилган асар. -Б.390-391.

<sup>171</sup> Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул хавоқин. (“Тарихи Шоҳрухий”). Т.: Турон замин зиё, 2014. -Б.20-23.

*Ки бошад дар жаҳон аз саг лаиме.  
Чунин овард посухон хирадманд,  
Лаимтар кофаре неъмат ба сад чанд.  
Агар саг мунъим аз хони ту гардад.  
Мутеу посбони дори ту гардад.  
Ба нокас гар куни эҳсону инъом,  
Ки гардад кофаре неъмат дар анжом.*

*(Мазмуни: Доно ҳақимдан бир киши сўради, Итдан ҳам паст жаҳонда нараса борми? Ул доно жавоб бердики, Куфрони неъмат келтирган пасткашироқ киши йўқ. Агарда дастурхонингдан бирор итга нон берсанг, У сенга тобе ва уйинг посбонига айланади. Нокасга эҳсон ва инъомлар қилсанг, Охир-оқибат неъматингг куфр келтиради.)<sup>172</sup>*

## V – ҚИСМ

### БУХОРО АМИРЛАРИ

#### 60. РАҲИМХОН

“Мунтахаб ат-таворих”да Бухоро хони - манғит амири Раҳимхон ижодидан ҳам намуна келтирилган: “Уларнинг биринчиси Раҳимхон ибн Ҳақим оталиқ, ибн Худоёр оталиқ ибн Худойқулибий ибн Човушбий эди. Раҳимхон амирлик мансабига ўтиргач, кўпларни инъом ва эҳсонлар билан ўзига ром қилди...Аммо шу золимлигига қарамай, кўплаб шоир ва фозиллар суҳбатини ҳам топганди”.<sup>173</sup>

Муҳаммадҳақимхон тўра китобида хоннинг Мирзо Боқир билан мушоирасини келтирган. Мирзо Боқир Раҳимхон ҳузурида ўқиган:

*Сарам буриду ба хокам нишоду хунам рехт,  
Надонам ин чаманоро чи муддао дорад?*

*(Мазмуни: Бошим кесди-ю, тупроққа ёнбошлатди, Билмам, бу чаман безовчининг муддаоси недур?)*

---

<sup>172</sup> Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Т.: Фан ва технологиялар, 2004.-Б.119-120.

<sup>173</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.21.

Унинг жавобида Раҳимхон ҳам шу заҳоти бадиҳа тарзида ушбу шеърни ўқибди:

**Сарат буриду ба хокат нишонду хунат рехт,**

**Ҳануз ҳаққи намак бо ту кор ҳо дорад.**

(Бошинг кесди-ю, тупроқ узра ўтқизди ва тўкди қонинг, Чунки, тузим ҳаққининг ҳали сенда яна иши кўндир).

Мирзо Боқир яна бир бошқа байт айтмоқчи бўлган экан, хон дарҳол шундай дебди. Мисраъ:

**Инжо мақоми дам задани Жабрайил нест!**

(Мазмуни: Бу ер Жабрайилнинг сўз айтадиган жойи эмас!)<sup>174</sup>

## 61. МУҲАММАД ЯҚУБ БУХОРИЙ

Садриддин Айний “Намунаи адабиёти тожик” асарида ўзбекларнинг манғитлар сулоласидан Амир Дониёлбий Манғитнинг ўғли Алий тахаллусли Муҳаммад Яқуб Бухорий соҳибдевон шоир бўлганини ёзган:

**Эй дил кудурати амал аз ҳастии ту буд,**

**Аз сози нестӣ тани мо рӯҳпарвар аст.**

**Умрест шуд, Алий, ки бурун н-омадӣ зи гам,**

**Гӯ, ин шақиқа то каю то чанд бар сар аст?**<sup>175</sup>

(Мазмуни: Эй дил, қудрат кучи сенинг борлигиндан эди, Бизнинг танимиз ҳеч нарсадан илҳомланмаган. Кўп бўлди, Алий, бошинг гамдан чиқмади, Хўш, бу ҳол қанча давом этади?)

## 62. АМИР ШОҲМУРОД

Айрим манбаларга кўра, сўфий подшоҳ (манғит амирларидан) Шоҳмуродбийнинг баъзи қарашлари ўзи ёзган “Айн ул-ҳикмат” (“Билимдонлик манбаи”) китобида ўз ифодасини топган.<sup>176</sup>

Аҳмад Донишнинг ёзишича, “Ислом даврида амир Маъсум Шоҳмурод каби мужаддид чиқмаган. Зеро, уни “Иккинчи Умар” деб атасалар арзийди. Бинобарин, Умар ибн Абдулазизда бўлмаган фазилат ва хислатлар амир Маъсум Шоҳмуродда мавжудлигини кўрадилар. У Форуқ (Умар ибн Хаттоб) адолати ва Сулаймон

<sup>174</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.28.

<sup>175</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Душанбе: Адиб, 2010. – Б.180-182.

<sup>176</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008.-Б.61.

алайҳиссалом фақри (ҳокисорлик)нинг камолига эга бўлиб, фақр либосида амирликда тартиб ўрнатиб, зулм ва душманлар илдизини жаҳоннинг боғида янчиб ташлади...

*Амир Маъсум мадрасага бориб, илм олиш билан машғул бўлди...Оддий фуқаролар орасига кириб, шайхлардан бирига шогирд тушиди. Табиийки қобилияти туфайли қисқа вақт ичида динга оид билимларни пухта эгаллади ва сўфийлар сулукидан баҳраманд бўлди”.*<sup>177</sup>

Шоир Мужрим Обид асосан, Амир Шохмурод замонида шуҳрат топди. У саройда мубоширлик вазифасида ишлаган. Мужрим-Обиднинг хоннинг назарига тушишига унга атаб ёзган қасидаси сабаб бўлган, деган қарашлар бор. Бу қасидаларда хонлар ва уларнинг фарзандларини мадҳ этилган. Аслида Мужрим-Обиднинг саройга жалб этилишида шу даврда амирлик девонининг бош муншийси сифатида фаолият кўрсатган забардаст сўз устаси Мирзо Содик Мунший Жондорийнинг ёрдами бўлган, кўплаб қасидаларни шоир ҳукмдорлар кўл остида ишлаётган вақтида ёзган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмаски, бунга кейинги тадқиқотлар ойдинлик киритади.<sup>178</sup>

### 63. АМИР ҲАЙДАР

Бухоро хонларида Амир Ҳайдар ҳам ижод билан шуғулланган. “Амир Ҳайдар (1800-1826) ҳам “Саййид” тахаллуси билан шеърлар машқ қилган.<sup>179</sup> “*Бу подшо ёшлик давридаёқ дин илмини чуқур ўрганиш, Қуръон ёд олиш, кунора рўза тутишни аҳд қилган бўлиб, бу уч мажбуриятни ўз аҳдига мувофиқ адо этарди. Аксар вақтини уламолар суҳбати билан ўтказарди*”.<sup>180</sup>

Мирза Абдулазим Сомий ўзининг “Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқироzi” китобида ёзишича, *Амир Ҳайдар саховатпеша, олим ва одил подшо эди. Барча илмлардан тартибча хабардор бўлиб, илм ила шуғулланган пайтларда, кори*

<sup>177</sup> Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” ДИН, 2014.-Б.17-20.

<sup>178</sup> Кўрсатилган асар. – Б.375.

<sup>179</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т.: Маънавият, 2004.-Б.14-15

<sup>180</sup> Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” ДИН, 2014.-Б.29-30.

давлат ва бандлигига қарамай, илм илоҳиётни ўрганмоқда бўлган толиб-ул илмларга сабоқ берар ва шогирдларининг давраси минг кишидан кам бўлмасди.<sup>181</sup> Аҳмад Донишнинг ёзишича, “Тинч ва осойишта кунларда амир пойтахтда эканида уламолар гуруҳи унинг ҳузурида тўпланар ва ўз суҳбатлари билан кўнглини хушнуд қилар эди. Бухоро маҳдумларининг машҳур ва иззатли фарзандлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб, аркка чиқар ва амир қошида таълим олишар ва илмий баҳслар юритар эди. Ҳеч ким бир даврда бундай ҳукмронлик тартиботи ҳақида сўз юритмайди. Унинг овозаси барча мусулмон ўлкаларига тарқалди ва заминнинг турли ерлари ва юртларидан мардумлар Бухорога таълим олиш учун кела бошлади. Илм ва шариат қонунлари шу қадар равнақ топдики, исломиятда илгари ўтган биронта ҳукмдор даврида уламолар бу каби иззат ва шуҳратга эришган эмаслар”.<sup>182</sup>

*Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бой қўлёзма хазинасида “Саййид Амир Ҳайдар Баҳодирхон мактуботи” номли бир нодир қўлёзма сақланади. Унда Бухоройи шариф тахтини 1799-1800 дан то 1826 йилга қадар бошқарган Амир Ҳайдарнинг турли хил расмий мактуб ва ҳужжатларининг нусхалари (жами 963 та) жамланган...Амир Ҳайдар ўз мактубларига Қуръондан кўплаб оятлар киритади, айрим ўринларда шеърий мисраларга мурожат этади. Улар хоннинг ўзиникими ёки бошқа бирон бир ижодкорникими, ҳозирча бизга маълум эмас.*<sup>183</sup>

## 64. МУҲАММАД ҲУСАЙНБЕК

*“Умархоннинг мажлисларига Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдарнинг укаси, Қўқонга келган Муҳаммад Ҳусайнбек – шоир Афсус ҳам шоирлар қатори қатнашган.*

*Асоси чарҳда то шамсу хуршид эрур шоҳим,*

*Вужудинг кохида анвори давлат пойдор ўлсун.*

*Амирнинг даврида Афсус афсус этма, тут соғар,*

---

<sup>181</sup> Мирза Абдулазим Сомий. Манғит султонлари тарихи ёки Бухоро хонлигининг инқирози.// Тошкент. Шарқ юлдузи. 1993.-№3.-Б.15.

<sup>182</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/tohir-muhamedov-savod-tarixga-oid-hujjat/>

<sup>183</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/tohir-muhamedov-savod-tarixga-oid-hujjat/>

**Фалак даври санга гар созу гар носозгор ўлсун.**<sup>184</sup>

*Фаргоналик ҳукмдор ва сарой шоирларининг ижодида шаклбозликка зеб бериларган*”.<sup>185</sup>

Муҳаммадҳақимхон тўранинг ёзишича, “Бухоро амири Ҳайдар подшоҳнинг укаси амир Ҳусайн ҳам ўша кезларда амир Умархон хизматида бўлиб, уни девонбеги ўрнида ўтқазди. Амир Ҳусайн Амир Умархон мадҳида яхши бир туркий қасида битган эди ва ушбу уч байт мазкур қасидадан дир. Муҳаммас қасида:

**Эй кўнгул, мумтоз эрур хонлар аро хоқонимиз,  
Барча оламини мусаххар айлаган султонимиз.  
Қайси султон, шоҳи шоҳоншоҳи Туркистонимиз,  
Саййиди олам амир ал-муслимин хоқонимиз.  
Шоҳ бизнинг шоҳимиз, султон бизи султонимиз,  
Давр бизнинг давримиз, даврон бизи давронимиз.  
Гарчи кўп кездук жаҳонда хору зору дарбадар,  
Тобтук охир боргоҳи ҳазрати султон Умар,  
Риштаи ихлос ила хизматга боғлабмиз камар,  
Шукри лиллоҳ, қилдибизга лутфу шафқатдин назар,  
Шоҳ бизнинг шоҳимиз, султон бизи султонимиз,  
Давр бизнинг давримиз, даврон бизи давронимиз.  
Ё илоҳо, давлату иқболин афзун айлагил,  
Умрдин саршори бархурдор, мамнун айлагил,  
Салтанат бобида ё Раб, ани маъмур айлагил,  
Мирнинг тири дуосин зуд мақбул айлагил,  
Шоҳ бизнинг шоҳимиз, султон бизи султонимиз,  
Давр бизнинг давримиз, даврон бизи давронимиз.**<sup>186</sup>

## 65. АМИР ҲУСАЙН

Муаллифи номаълум “Зафарномаи хусравий”да ёзилишича, Амир Ҳайдар барча фарзандларига – олти нафар шаҳзода тарбиясига алоҳида эътибор берган: “Бу олти нафар олий гавҳар шаҳзодалар ойдин қалбли, адолат хислатли оталари ҳазрат Амир Ҳайдар ҳаётлик пайтида етуклик ва камолот сарҳадига етишиб, ақлий ва нақлий, ҳадис ва калом илмларидан тўла баҳрамандлик

<sup>184</sup> Кўрсатилган асар.-Б. 214.

<sup>185</sup> Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. Т.: Фан -1993.-Б.81.

<sup>186</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих.Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.665-666.

топган эдилар. Гарчи Мир Муҳаммад Хусайнхон илму фазл ва санъат бозидан маза татиган бўлса ҳам, отаси давлати айёмида “ас-суҳбата муаасира” буйруғига кўра, ноҳинс ҳамсуҳбатлар суҳбати таъсири ва номувофиқ рафиқлар ўртоғлиги касофатидан банг ва кўкнор ашъаси билан булганиб, ҳамиша номунишонсизлик бурчаги гўшанишинлиги ва хилватхона эътикофи билан бўлиб, башарий яхши-ёмонлик ҳамда сипоҳигарчилик қонунидан беҳабар ўтирарди”.<sup>187</sup>

Аҳмад Дониш “Рисола ёхуд Манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” асарида Бухоро ҳукмдори Амир Ҳайдарнинг катта ўғли Амир Хусайннинг шеър ёзганини қайд этган: “Амир Ҳайдардан сўнг Бухоро тахтига унинг катта ўғли Хусайн ўтирди. Унинг подшолиги узоқ давом этмади. У тахтга ўтиргандан кейин икки ойу ўн тўрт кун ўтгач оламдан ўтди.

Бу амир гоҳат фазлу камолга етишган бўлиб, кўп фанларни пухта эгаллаган, шър ёзиш, кимё, тиббиёт илмидан хабардор, фол очишни билар эди. У 30 йил умр кўрди”.<sup>188</sup>

## 66. АМИР НАСРУЛЛО

Тарихга назар ташласак, деярли барча Бухоро амирлари шеърга ёзганига амин бўламиз. “Зафарномаи хусравий” ёзилишича, “туронликлар тўраси, жалолатнишон амирзода Саййид Мир Насруллоҳ Муҳаммад Баҳодир Султон кичик ёшидан халқ орасида зеҳни ўткирлиги ва таъб софлиги била қуёшдек равшан бўлиб, ҳар бир ишда хос ва омга мақбул бўлганди”.<sup>189</sup> Мир Саййид Олимий ўзининг “Бухоро – Туркистон бешиги” китобида Амир Насруллонинг қуйидаги байтини келтиради:

**Мазлум ҳақини бермоқни вожиб бил, фарз айла,  
Ки ўзга сўзинг бўлса қиммат, кел, эваз айла.**<sup>190</sup>

Нақл қилинишича, шоир Ҳозик Амир Насруллонинг яқин шоирларидан бири бўлган: “Маҳдум Ҳозик амири Бухорога кечаю

<sup>187</sup> “Зафарномаи хусравий”. Тошкент.: 2011.-Б.16.

<sup>188</sup> Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” ДИН, 2014.-Б.31.

<sup>189</sup> “Зафарномаи хусравий”. Тошкент.: 2011.-Б.16.

<sup>190</sup> Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004.-Б.48.

кундуз ҳамнишин эрдилар, зиёда густоҳ эканлар, амир фармойиш қилдиким, “бизни бу сафардин бо зафар келганимизга бир фард байт машқ қилиб, бир нимарса айтинг”, - дедилар. Дарҳол бу байтни ўқидиларким. Назми Ҳозиқ:

**Буриди бар қади худ аз маломат,**

**Либоси то ба демони қиёмат.**

(Мазмуни: Ўз қаддинга лаънатлардан шундай бир либос тикиб кийдинги, у либос устингда қиёматгача қолади.)<sup>191</sup>

Бу байтни эшитиб, амирнинг жаҳли чиқади ва ҳеч нима демасдан ўрдасига йўл олади. Шу кечадаёқ шоир Шаҳрисабзга қочиб кетади. Аммо “Қассоб амир” деб ном олган Насруллоҳон қотил ёллаб, шоирнинг бошини танасидан жудо этгани тарихдан маълум.

## 67. МУҲАММАД СИДДИҚХОН

Садриддин Айний ўзининг “Намунаи адабиёти тожик” номли тазкирасидаги “Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат валади Амир Музаффар” зикрида Бухоро хонининг ўғли араб, тожик ва ўзбекча шеърлар ёзганини қайд этган:

**Диламро бо ҳама кори жаҳон кор аст, пиндорӣ,**

**Аз ин савдо димоғам гармбозор аст, пиндорӣ.**

**Маро меърожи Мансур аз аналҳақ мешавад равшан,**

**Ту ўро з-ин гунаҳ шоистаи дор аст, пиндорӣ.**

**Чу дар коло касод афтод, Ҳашмат, мекуни тоқат,**

**Ки жинси нораворо ҳақ харидор аст.**<sup>192</sup>

(Мазмуни: Менинг дилим дунёнинг барча ишлари билан банд деб ўйлайсиз. Мансур гуноҳи менга айён, аналҳақ деган сўз учун жазога лойиқ деб ўйлайсиз. Бирор муаммо бўлса, Ҳашмат сабр қил, Охир оқибат харидор касодга учрайди.)

Зиё Садрининг “Шарифжон маҳдумнинг шахсий кутубхонаси” китобида ёзишилича, “Ҳашмат” тахаллусли тўра бўлмиш Саййид Мир Сиддиқ тўрамиз мағфират маконли Амир Музаффар Баҳодирхоннинг азиз ўғли бўлиб, бу саодатли тўра ўттиз икки йил

<sup>191</sup> Мирзоолим Мушриф. Қўкон хонлиги тарихи. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1995.-Б.21-22.

<sup>192</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. Душанбе: Адиб, 2010. – Б.191.

*тутқунлик ва банд асирлигида турган, ўша муддат мобайнида замонасида расм бўлган барча илму ҳунар ва фазилятларни ҳеч кимдан таълим олмасдан туриб, фақат ўз тиришқоқлиги орқасида ўзлаштирган.*

*Айниқса, нужум, хаттотлик соҳаси ва олий даражалиги барчага маълум ҳандаса фанини ўзида мавжуд фазлу камол ўрганиб, яхши китоблар ва хуснихатда битилган қўлёзма асарлар йиққан. Унинг қўлёзма китобларининг кўп қисми ноёб асарлар бўлиб, ул ягонаи фарзона тўранинг кутубхонасидан жой олган”.*<sup>193</sup>

Саййид Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашмат тузган “Тазкират уш-шуаро” номли тазкирада Бухорода яшаб ижод қилган 60 нафардан ортиқ шоир, уларнинг таҳаллуси, таржимаи холи, машҳур шеърлари ҳақида маълумотлар жамланган.<sup>194</sup>

## 68. АБДУЛАҲАДХОН

Музаффархон яна бир ўғли Абдулаҳадхон ҳам “Ожиз” таҳаллуси билан шеърлар битган:

***Қил мурувват ҳолима эй хўбларнинг сарвари,  
Токи бўлғай меҳнату андуҳ ҳижрондин нари,  
Ожизи бечорага кўрсат юзингнинг ахтари,  
Чехра кўрсат қилма истиғно Амирга эй пари,  
Кўрмаса бир дам қачон сабру қарори бор экан.***

Ўзбекча шеърлар ёзган хон Умархон Амирийнинг қатор ғазалларига мухаммаслар боғлаган.<sup>195</sup> Муҳаммад Али Балжувоний “Тарихи нофеий” асарида ҳукмдор шоирни “султони замон, шоири офоқ ва даврон, булбули бўстон”<sup>196</sup> деб атаган.

“Мазкур амир ўз замонасининг баландпоя, баландпарвоз шоири бўлиб, у яхши шеър ёзар, кўнгилга яқин гаплар айта олар, воқеанависликда ўз даврининг яғонаси эди. Унинг мисра ва рубоийлари бизгача етиб келган. Чунончи, Ҳожи Неъматилло Мухтарам томонидан мазкур амир топшириғи билан тузилган

<sup>193</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/tarix/ziyo-sadr-sharifjon-mahdumning-shaxsiy-kutubxonasi-01.html>

<sup>194</sup> <https://www.bukhari.uz/?p=1939>

<sup>195</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Қўлёзмалар институти, 1999.-Б.460-463.

<sup>196</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий. Т.: Академия, 2001.-Б.44.

“Тазкират уш-шуаро”да “Ожиз” тахаллусли амир Абдулаҳадхон шеърларидан намуналар келтирилади.

“Ожиз” тахаллусли амир Саййид Абдулаҳад фикҳ, мантиқ, фалсафа илмларини замон устозларидан ўрганиб, адабиёт соҳасида ҳам чуқур билимга эга. Унинг саройи фозиллар, шоирлар, ёзувчилар билан доим тўла эди”.<sup>197</sup>

*“Бухоро адабий муҳитида анъанавий икки тиллилик бу даврда ҳам давом этди. Амир Абдулаҳадхон (1859-1910) сиёсий ҳаётнинггина эмас, адабий ҳаётнинг ҳам энг эътиборли вакили эди. Айниқса бу унинг амирлик даври (1885-1910)да яққол намоён бўлди... Соҳибдевор ҳукмдор шоирнинг адабиётга яқинлиги шу даражада эдики, айрим туман ҳокимлари, масалан, Ҳисор ҳокими Авлиёқулибек “Ҳусайний” тахаллуси билан девон тартиб қилган эди.*

*Абдулаҳадхоннинг рағбат ва ҳиммати билан Афзал Пирмастий (1915 й. в.э.), Неъматулла Муҳтарам (1920 й. в.э.), Мирсиддиқ Ҳашмат (Амирнинг укаси), Абди кабилар тазкиралар тузиб, анъанавий тазкирачиликни янги-янги асарлар билан бойитдилар”.*<sup>198</sup>

Амир Абдулаҳадхоннинг Россияга навбатдаги сафари 1892 йил декабрида бошланган бўлиб, бунда у ўғли Мир Саййид Олимхонни Петербургдаги ҳарбий олий мактабга ўқишга жойлаштириш мақсадида борган ва ўзининг 1892 йил декабрь – 1893 йил февраль ойлари давомидаги сафари тафсилотларини кундалик тарзида ёзиб борган. Ушбу кундалик Исмоилбек Гаспиринский томонидан 1894 йилда Қозонда “Бухоро амири ҳазратларининг кундалиги” сарлавҳаси остида нашр қилинган. Ушбу асар 1998 йилда “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналининг 3-4 сонларида ўзбек тилида чоп этилди.<sup>199</sup>

Саййид Мансур Олимийнинг ёзишича, “Амир Абдулаҳад даҳмасига кирадиган бинонинг тепа қисмидаги тошга амир Саййид Олимхон буйруғи билан қуйидаги мисралар (Форсчадан С.Иноят, И.Ғаниев, Ю.Азимов таржимаси) ёзилган:

***Эй кўнгил, сендек бу дунёда таманно қилгувчи йўқдир,***

<sup>197</sup> Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004.-Б.68.

<sup>198</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т.: Маънавият, 2004.-Б.14-15.

<sup>199</sup> [https://www. Bukhara.uz/?p=12632](https://www.Bukhara.uz/?p=12632)

*Бу оламга муҳаббат йўқ, ишонч ҳам йўқдир.  
Кўзингдан қон равон бўлгай, на жилга, балки дарёдек,  
Вафоти шахрига на тил, на шарҳ, на баён йўқдир.  
Навжувон эди ё раб, валиаҳди аржуманд,  
Ёқоси мусибатдин чок-чок этилди, банд-банд.  
Паймона тўлиб охир, умид қолмади зарра,  
Тупроқдин яралгандир, сўнг яна бўлди пайванд.  
Кўнгил, эй кўнгил, яйра, у жаннатга отланди,  
Абдул – Аҳад бин Саййид Амир Хусраву замон.  
Караму саховатда у қадар йўқдир, пеша,  
У гавҳари шарифдир, тупроққа қоришди, эсиз у жон.  
Вафоти рақамин қилгай десам, тил оғиз,  
Оху нолаю афгон, физонга тўлўлгай олам.  
Рихлати баёнини шарҳ айлайин начора,  
Беҳишт хурлари ичра яккаю ягона.  
Қабринг бошида туриб, водариго йиғладим,  
Умр дарахти янглиз хазон бўлди борлигим.  
Фазлу сухан богининг булбули, деб инградим,  
Юз воҳким бўстондан учди булбул, орлигим.  
Анинг вафотин рақам айлагайман, хун бўлиб,  
У жаҳон борлигида мақом топган шоҳ эрурди.  
Сенинг қабр-хокингдан гунчалар унгай беҳад,  
Нури раҳмат ёғилиб, абадий умр кўрурди.  
Бу олам якто шоҳи дунёни тарк этганда,  
Фалак юзи надомат тутунидин қорадур.  
Ҳар кимки шоҳ қабрини зиёрат этгай, бешак,  
Дину муқаддас каломларни дил кўзид кўродир.  
Тақдир азалда йўқ, ҳеч қандайин ўзга йўл,  
Тадбирлар сароб эрур, Ҳақ берса бандага йўл.<sup>200</sup>*

## **69. АМИР ОЛИМХОН**

“Бухоро – Туркистон бешиги” китоби Амир Олим қаламига мансуб байт келтирилган: “Амир Олимхоннинг жияни Саййид Умархон ўз хотираларида ёзади: “Саййид Олимхон ўз

<sup>200</sup> Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004.-Б.61-63.

муҳожирлигининг дастлабки йилларида Муродбек қалъасида  
галаба хабарини эшитганда, ушбу байтни айтган:

**Боз субҳи, тараб аз матлаъи умед дамид,**

**Нафҳоти зафар аз гулшан иқбол вазид.**

(Мазмуни: Умид матлайдан яна тонг чиройи очилди, Иқбол  
гулшанидан зафар ҳиди таралди.)<sup>201</sup>

Маълумотларга қараганда, Сайид Олимхон фалсафа ва  
адабиёт шуғулланган, уни айниқса Мирзо Бедил ижоди  
қизиқтирган. Кобул яқинидаги Қалъаи Фатуда “Бедилхонлик”  
ҳамда шеърят кечалари ўтказилган.<sup>202</sup>

Амир Сайид Олимхон Кобулда ўзининг эсдаликларини ёзиб  
тугаллаган. Олимхоннинг хотиралари Парижда француз тилида  
(1929), кейинчалик Ғарбда форс тилида, Ўзбекистонда ўзбек ва рус  
тилларида (1991), Тожикистонда тожик тилида (1992) алоҳида  
китоб сифатида чоп этилган.<sup>203</sup> Амир Сайид Олимхоннинг “Бухоро  
халқининг ҳасратли тарихи” номли хотира китоби Абдусодик  
Ирисов томонидан форсийдан ўзбекчага таржима қилинган.<sup>204</sup>

**Ҳар ким хонад дуо тама дорам,**

**Зи онки ман бандайи гуноҳкорам.**

(Мазмуни: Ўқигандан дуо таъмадорман, Чунки мен бандайи  
гуноҳкорман.)<sup>205</sup>

## 70. САЙИД МАНСУР ОЛИМИЙ

Сайид Мансур Олимий – Сайид Олимхоннинг йигирма  
икки фарзандидан биридир. Бухоро хонининг ижодкор бу фарзанди  
1931 йилда Афғонистонда таваллуд топган.

У “Бухор – гоҳвораи Туркистон”, яъни “Бухоро – Туркистон  
бешиги” китоби муаллифидир. Китоб араб имлосида форс тилида  
ёзилган бўлиб, илк бор 1996 йилда Туркияда чоп этилган. Рисола Ҳ.  
Тўраев томонида ўзбек тилига ўгирилган.

“Бухоро – Туркистон бешиги” китобида юртимизни араблар  
томонидан истило қилиниши давридан XX аср 20 йилларигача

<sup>201</sup> Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004 .-Б.94.

<sup>202</sup> <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/225-amir-alimxan.html>

<sup>203</sup> <https://e-tarix.uz/shaxslar/hukumdorlar/326-hukumdorlar.html>

<sup>204</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/amir-sayyid-olimxon-buxoroning-hasratli-tarixi.html>

<sup>205</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/amir-sayyid-olimxon-buxoroning-hasratli-tarixi.html>

бўлган тарихи ўз аксини топган, лекин энг кўп саҳифалар сўнгги амир Саййид Олимхон, унинг аждод ва авлодлари ҳаёти ҳамда фаолият қирралари ёритишга ажратилган.<sup>206</sup>

Саййид Мансур Олимийнинг китобидан қатор шеърий сатрлар мавжуд:

***Фиристода бояд ки доно буд,  
Багуфтанд диловар тавоно буд.  
Аз у ҳар че нурсанд гуяд жавоб,  
Жавобаш набошад безайр савоб.***

(Мазмуни: (Элчи этиб) юборилган киши доно, жасур, уддабурон бўлиши керак. Ундан ҳар не-не сўрасалар жавоб бера олиши, жавоблари эса фақат савоб (яъни, тўғри) бўлиши лозим.)<sup>207</sup>

Ёки яна бир ўринда қуйидаги байт келтирилади (Таржимаси):  
***Ғурбат зиндонин афзал кўрарман,  
Ватандан таиқарига қадам кўймоқ зиндондир.***<sup>208</sup>

## VI – ҚИСМ

### ХИВА ХОНЛАРИ

#### 71. МУҲАММАД РАҲИМХОН I

Маълумки, уч ўзбек хонлиги бирлашиш ўрнига, ўзаро қарама-қаршилиқ ва жангу жадал йўлидан борганлар. Уч хонлик ҳукмдорлари кибр – ҳаво, манманликка берилиб, ҳатто шеър ёзиб ўзларини юқори олган ҳолда қўшниларини камситганлар. Тарихий манбаларда ёзилишича, *Умархон Бухоро элчига:*

***Сазад, ки мири Бухоро мутеи ман гардад,  
Умар ба вақти хилофат муқаддам аз Ҳайдар.***

(Мазмуни: *Бухоро амири менга тобе бўлса арзийди, Халифалик Умар Ҳайдар олдин бўлган*),

*деб айтганида, қабулда ҳозир бўлган Хива элчиси эса Хоразм қўнғиротлари хони Муҳаммад Раҳимхон II номидан Умархон ва мажлис аҳлига қарата шундай дейди:*

---

<sup>206</sup> <https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/225-amir-alimxan.html>

<sup>207</sup> Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004.-Б.46.

<sup>208</sup> Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004.-Б.100.

*Муҳаммад Раҳим олдида тобса жой,  
Умар тобе ўлмазму, Ҳайдар мутеъ?*<sup>209</sup>

Е-tarix.uz сайтидаги “Мунтахаб ат – таворих” номли мақолади ёзилишича, Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон I шеърлар битган.<sup>210</sup>

## 72. МУҲАММАД РАҲИМХОН II

Тарихдан маълумки, ўзбекларнинг қўнғирот қавмидан бўлган Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) (1844-1910) ўз саройига кўплаб олим, шоир, тарихнавис, табиб, таржимон, хаттот, созандаларни тўплаб, шеърхонлик кечалари ташкил қилган. Айниқса, “*Бу киши кучлигина лирик шоир эди. Ҳам энг яхши муסיқийшунос, композитор эди. Ўз номида бир мақом бордирки, феруз дейиладур. Саройда Табибий Мулла Аҳмад бошлиқ 30 дан зиёдароқ шоирлар тўпланмиш эди*”.<sup>211</sup>

Маълумотларга қараганда, Чор Россияси босқинидан сўнг Ферузшоҳ тушкунликка тушиб, “хонанишин” бўлиб қолади. Ана шундай пайтда шоир ва бастакор Комил Хоразмий ва бошқа амалдорлар ҳукмдорга шеърят ва муסיқа кечалари ўтказиб, овунишни маслаҳат берадилар: “*Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасида ўзидан бошқа кучли ва ёт бир қувватни кўргач, бир хили замонлар муттаъсир бўлиб юрди. Ўзини тасалли қилажак ҳеч бир машгулот топмоқдин ожиз эди. Бироқ онинг атрофидаги одамлар, хусусан муסיқашунос Паҳлавонниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий) хоннинг бу ҳолини англаб, они мажлислар тузмакка қизиқтирди. Ниҳоят, хоннинг муסיқий базмларини уюштириб, натижада “Хоразм чизиги” (Комил Хоразмий бошчилигида муסיқани ифодалаш учун тузилган нота) майдонга чиқиб, Хоразм муסיқаси хийлагина ривож бўлуб халқ орасина интишор этмакка бошлади*”.<sup>212</sup> Шундан сўнг Муҳаммад Раҳимхон ҳар бир иқтидорли, илмли кишига ғамхўрлик қилиб, саройда илмий суҳбатлар ва мушоиралар уюштира бошлайди.<sup>213</sup> Аниқроқ қилиб айтганда, “*Хон*

<sup>209</sup> Умаров Ш. Худоёрхон авлодлари тарихи. Т.: Турон замин зиё, 2014.-Б.477.

<sup>210</sup> <https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/248-muntaxab-at-tavarix.html>

<sup>211</sup> Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Қўлёмалар институти, 1999.-Б.273-275.

<sup>212</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Т.: Мерос, 1991. –Б. 257.

<sup>213</sup> Эркинов А. Полвонов Н. Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз кутубхонаси феҳристи. Т.: 2009.-Б.8.

ҳазратлари (Феруз) шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар. Ўзлари ҳам бурундан Феруз тахаллуси била мутахаллис бўлуб, шеър айтур эрдилар. Сўнгроқ шеърга кўпроқ ҳарис бўлдилар. Ҳар кимнинг шеър айтмоқга саҳл қобилияти бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам-беш қирқга ёвуқ борди”.<sup>214</sup> Ана шундай қилиб, узоқ-яқиндан келган шоирлар хон мажлисларини безай бошладилар. Муҳаммад Ризо Огаҳий “Шоҳиду-л-иқбол”да бу ҳақда шундай ёзган: “Ва ул ҳазрат (Муҳаммад Раҳимхон) аксар авқот (вақтини) уламоийи фазилатишиор ва фузалоийи фатонатосорга камоли диндорлигдин беҳишнамудор мажлисига йўл бериб, ул жамоа била ҳамсуҳбат бўлуб, масойили динийя ва мабоҳиси “яқиния” мукомаласи адосидин сўнг таворих ва газалиёт китобларин арога солиб, китобхонлиг ва маънодонлиг саҳбойи фараҳафзоси била базми олийсин қиздуруб, айшу тараб додин берур эрди. Ва шуаройи замон ул ҳазратнинг муборак отига гарро қасидалару шавқафзо газаллар ва дилкушо таърихлар ибораторо маснавийлар назм силкига чекиб, инъоми вофир ва эҳсони мутақосиридин маҳзузу баҳраманд бўлуб, дуойи давлатин вирди забон ва рутбу-л лисон қилур эрдилар.”<sup>215</sup>

“Шоир ижодининг кўпчилик қисми ишқий лирикадан иборат бўлиб, уларда гўзал маҳбуба, соф муҳаббат, вафодорлик, севгининг инсоний туйғу сифатидаги гўзалликлари ҳамда бу борадаги тенглик талқин қилинади.

***Ишқ бир ўтдурур нечун ким барқ,  
Айламас шоҳ билан гадони фарқ,  
Ферузнинг:***

***Кўзи жаллоди агар жонимни олса зам эмас,  
Тозадин жон бергуси ул лаъли Хандоним менинг.***

каби мисралари етук ижодкор бўлганлигининг яққол ифодасидир. Шоир бир вақтда Хоразм мақом йўлларини жуда яхши билган, уларга 13 куй басталаган (Масалан, Мақоми Ростга Муҳаммади жадиди Феруз каби). Бастакор бўлганлиги учун ҳам унинг ғазаллари халқ куйлари, кўшиқ ва мақомларига

<sup>214</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Т.: Мерос, 1991.-Б. 256

<sup>215</sup> Муҳаммад Ризо Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол. Т.: Мухаррир, 2009.-Б.34.

оҳангдошдир. Унинг ўнлаб ғазаллари халқ оғзига тушиб, севимли кўшиқларга айланишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда”.<sup>216</sup>

### 73. САЙИД ҲОМИД ТЎРА

Муҳаммад Раҳимхоннинг укаси Сайид Ҳомид тўра (Камёб) ҳам ҳукмдорнинг суҳбат ва мубоҳасалари, шоир ва муסיқа билимдонлари иштирокида бўлиб ўтадиган адабий кечалар, шеърхонлик мажлислари ҳамда муסיқа базмларида мунтазам иштирок этиб борган. Унинг ўзи ҳам “Таворих ул-хавонин”да “умримиз муддати йигирмага тўлгунча фозилу шоирлар, оқил олимлар давраси, мажлисида дониш олиб, китобат ижод сирларини ўргандик”,<sup>217</sup> - дейди. Сайид Ҳомид Тўранинг ёзишича, “*Ондоқким, шодмонлик ели бўстони табъимга эсса, филҳол замони хуррамликда риштайи назмга чекар эрдим ва замон инқилобидин ойинайи замиримда андак мукаддарлик занги зуҳур бўлса, они ҳам шул овонда таворих сафҳасига назар қилиб, замони тақаддумда ўтган воқеотлар сайқали ва девоннинг ғазалиётларининг афзали била дафъ қилур эрдим*”.<sup>218</sup> Ана шундай адабий муҳитда тарбия топган Камёб битта шеърый девон, Хоразм тарихига оид “Таворих ул-хавонин”, “Мунтахаб ул-воқеот” каби тарихий асарлар ва XIX аср охири-XX аср бошларида Хоразмда юз берган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликлар ёзиб қолдирган.

*Гаҳи илм аҳлига ҳамсуҳбат ўлдим,  
Гаҳи жуҳҳол ила ҳамулфат ўлдим.  
Қилиб илм аҳлидин маънини ҳосил,  
Маъоний бикрин этдим дилга восил.  
Гаҳи туздим афозил бирла мажлис,  
Билибон ўзима онларни мунис.  
Онларнинг суҳбатидин файз топиб,  
Иборот адҳамин ҳар сори чопиб.  
Кўнгул чун истагандек ком олдим,*

---

<sup>216</sup> Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. Самарқанд. СамДУ, 2008. -Б.74.

<sup>217</sup> Сайид Ҳомид Тўра Камёб. Таворих ул-хавонин. Т.: Академия, 2002. – Б. 99.

<sup>218</sup> Сайид Ҳомид Тўра Камёб. Таворих ул-хавонин. Т.: Академия, 2002. -Б.20.

*Гаҳ дониш гулшанига ўзни солдим.  
Гаҳи зуҳҳод сори шоду хандон,  
Бориб хизматга чун бесабру сомон.  
Бўлуб ул файзасар суҳбатга восил,  
Қилиб ондин бaсе кўб файз ҳосил.  
Гаҳи бўлдум чу иззат узра ором,  
Ичибон бахт алидин бодайи жом.*<sup>219</sup>

Хулоса қилиб айтганда, ўтмишизда ҳукмронлик қилган сулолалар вакиллари у шайбонийлар, аштархонийлар бўладими, ёки манғитлар, минглар, Хоразм кўнғиротлари бўладими, ижод билан шуғулланишган, адабиётни севишган, ҳар бир подшоҳ атрофида кўплаб сарой шоирлари бўлган. Хонлар эса ана шу шоирлар иштирокидаги адабиёт кечаларидан завқланган, кўнгили ёзган, кези келганда ақалли бирор байт шеър айтган. Буни юқорида келтирилган далиллар мисолида кўришимиз мумкин.

---

<sup>219</sup> Сайид Ҳомид Тўра Комёб. Таворих ул-хавонин. Т.: Академия, 2002.-Б.20.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ-2016.-Б.538.
- 2.Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи тарокима.Т.:Фан,1995.-Б.28.
- 3.Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк.Т.: Чўлпон, 1992.-Б.192.
4. Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд Манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2014.-Б.144.
- 5.Аваз Муҳаммад Аттор Ҳуқандий. Тарихи Жаҳоннамои. Т.: Фан, 2012.-Б.438.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Т.: Шарқ НМАК БТ, 2001.-Б.368.
7. Аҳмад Дониш. История Мангитской династии. Душанбе, 1967.-Б.140.
8. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.:Ўқитувчи-1994.-Б.432.
9. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Т.: Мерос, 1992.-Б.149.
10. Аҳмедов Б. История Балха (XVI в – и первая половина XVII в.в.) Т.: Фан, 1982.-Б.195.
11. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (Қадимги ва ўрта асрлар).Т.: Ўқитувчи, 1991.-Б.212.
12. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (XVI-XIX аср I ярми). Т.: Фан, 2009.-Б.250.
13. Бартольд В. Церемониал при дворе узбекских ханов.Соч.,Т.11.,часть 2., М., Наука.1964.-С.С. 388-399.
14. Бартольд В. Шейбаниды. Соч., Т.2.,часть 2.-С.485-548.
15. Березин И. Шайбаниада. Казан. 1849.-С.98.
16. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Т.:Фан, 1996.-Б.240.
17. Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машхур сулолалари. Т.: Академнашр, 2013.-Б.624.
18. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (Генезеси, функцияси, вакиллари, асарлари).Т.: Янги аср авлоди, 2010.-Б.352.
19. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихи манбаларда. Т.: Янги аср авлоди, 2014.-Б.1490
20. Воҳидов Р., Эшонқулов Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи.(Энг қадимги даврлардан XVI аср охиригча). Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.-Б.528.
21. Даврон Х. Шайбонийхон ҳақида.[хттс://т.ме/ШАЙБОНИЙЛАР\\_1](http://t.me/ШАЙБОНИЙЛАР_1)
22. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.Т.:Шарқ НМАК БТ-2002.-Б.336.

23. Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1979.- Б.216.
24. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ-2014.- Б.744.
25. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.:Юлдузча, 1990.-Б.368.
- 26.Зафарномаи Хусравий. Форс тилидан Ш.Воҳидов ва Ш. Жўраев таржимаси.Т.:2011.-Б.494.
27. Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи.Т.: Академнашр, 2017.- Б.596.
28. Ибраҳимов А. Бизким ўзбеклар. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2011.-Б.464.
29. Кузикулов И. Қўқон хонлиги тарихи. “Наманган” нашриёти, 2014.-Б.86.
30. Ниёз Муҳаммад Хавоқин (Тарихи Шохрухий).Т.: Турон замин зиё, 2014.- Б.700.
31. Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. Т.: Фан, 1963.-Б.160.
32. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Т.:Фан, 1995.- Б.118.
33. Салимбек Салимий. Кашкўли Салимий Таворихи Муттақадимин ва муттаахирин. Форсчадан Нарзулла Йўлдошев таржимаси. Бухоро, 2003.- Б.342.
34. Муин Ул-Фуқаро Аҳмад Ибн Маҳмуд Бухорий. Тарихи муллозода дар зикри мазороти Бухоро. Т.:Фан, 2019.-Б.216.
35. Муҳаммад Толиб Ибн Тожиддин Ҳасанхожа Ал-Ҳусайний Ас-Сиддиқий. Матлаб Ут-Толибин. Т.: Мовароуннаҳр, 2016.-Б.386.
36. Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги. Форсчадан ўзбек тилига таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. Т: Фан, 2005. –Б.49.
37. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т.: Ўзбекистон, 2011.- Б.704.
38. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т.: Янги аср авлоди, 2009.-Б.430.
39. Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро.Т.:Мумтоз сўз, 2013.-Б.624.
40. Муҳаммад Али Содикбек Афшар. Мажмаъу-л-хавос.Т.: Мумтоз сўз, 2019.-Б.344.
41. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН-1989.- Б.336.
42. Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи.Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1995.-Б.128.

43. Муҳаммад Алихон Ғофур. Хоразм сафари кундалиги. Т.: Фан, 2005.-Б.48.
44. Мулло Олим Махдум Ҳожи. Туркистон тарихи. Қарши. Насаф, 1992.-Б.151.
45. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Т.: Адолат, 2007.-Б.154.
46. Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари (Давлат арбоблари ҳақида лавҳалар). Самарқанд. Зарафшон, 1997.-Б.62.
47. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.-Б.343.
48. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Т. Шарқ НМК БТ, 1999.-Б.416.
49. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Т.: Шарқ НМК БТ, 2000.-Б.288.
50. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН-1990.-Б.96.
51. Убайдий. Дийдор орзуси. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2007.-Б.240.
52. Умаров Шохрухбек. Худоёрхон авлодлари тарихи, Т.: Турон замин зиё, 2014.-Б.700.
53. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфоханӣ. Михман-наме-йи Бухара” (Записки Бухарского гостя) Перевод, предисловия и примечания Р.П. Джамиловой. Москва, Издательство “Наука”, 1976.-Б.538.
54. Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.192.
55. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. Тошкент-Урганч, 2018.-Б.460.
56. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.: Маънавият, 1998.-Б.156.
57. Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар. // Нашрга тайёрловчилар: Б.Бобожонов, А.Мўминов, Ю.Пауль. Висбаден. Доктор Людвиг Райхерт, 1997.-Б.190.
58. Şeybanî Han Divanı. (Inceleme-Metn-Yaqub Qorasoy). Konya, 1989.-С.862.

## МУНДАРИЖА

1.Кириш. Ёки шеър ва шоирлик тарихи.....	3
2.Муҳаммад Шайбонийхон.....	13
3.Мўғул Хоним.....	19
4.Пўлод Султон.....	20
5.Убайдуллахон.....	21
6.Кўчкинчихон.....	25
7.Абдуллатифхон.....	25
8.Абдол Султон.....	26
9.Саъид Султон.....	27
10.Баҳодир Султон.....	29
11.Жавонмардали Султон.....	30
12.Абулхайр Султон.....	31
13.Музаффар Султон.....	34
14.Севинчхожахон.....	35
15.Наврўз Аҳмадхон.....	36
16.Дўстмуҳаммад Султон.....	37
17.Аваз Ғози Султон.....	38
18.Жонибек Султон.....	39
19.Искандар Султон.....	40
20.Абдуллахон II.....	41
21.Абдулмўминхон.....	43
22.Абдулқуддус Султон.....	44
23.Фўлод Султон.....	46
24.Ёрмуҳаммад Султон.....	47
25.Сулаймон Султон.....	47
26.Рустам Баҳодирхон.....	47
27.Ҳазора Султон.....	49
28.Хусрав Султон.....	49
29.Пирмуҳаммад Султон.....	50
30.Абдулазизхон.....	51
31.Муҳаммадраҳимхон.....	53
32.Бурҳон Султон.....	53
33.Кистан Қаро Султон.....	54
34.Келдимухаммадхон.....	55

35. Саййид Муҳаммад Султон.....	57
36. Муҳаммад Раҳим Султон.....	57
37. Муҳаммад Ҳошим Султон.....	59
38. Абулғози Баҳодирхон.....	59
39. Юнусхон.....	60
40. Султон Маҳмудхон.....	64
41. Султон Саидхон.....	65
42. Рашидхон.....	68
43. Муҳаммад Ҳайдар.....	70
44. Боқи Муҳаммад Султон.....	71
45. Вали Муҳаммад Султон.....	72
46. Надр Муҳаммад Султон.....	73
47. Имомкулихон.....	73
48. Абдулазизхон.....	74
49. Субҳонкулихон.....	75
50. Қосим Султон.....	77
51. Норбўтахон.....	77
52. Муҳаммадаминхон.....	78
53. Амир Олимхон.....	79
54. Умархон Амирий.....	79
55. Нодираи Даврон.....	82
56. Муҳаммад Алихон.....	84
57. Муҳаммадҳакимхон.....	85
58. Хусрав II.....	86
59. Шаҳзода.....	86
60. Худоёрхонзода.....	87
61. Раҳимхон.....	88
62. Муҳаммад Яъқуб Бухорий.....	89
63. Амир Шоҳмурод.....	89
64. Амир Ҳайдар.....	90
65. Муҳаммад Ҳусайнбек.....	91
66. Амир Ҳусайн.....	92
67. Амир Насрулло.....	92
68. Муҳаммад Сиддиқхон.....	93
69. Абдулаҳадхон.....	94
70. Амир Олимхон.....	96
71. Саййид Мансур Олимий.....	97

72.Муҳаммад Раҳимхон I.....	98
73.Муҳаммад Раҳимхон II.....	99
74.Сайид Ҳомид Тўра.....	101
75.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	103

**ШЕРХОН ҚОРАЕВ**

# **ШАЙБОНИЙ СУЛТОНЛАР ТАЗКИРАСИ**

**(Илмий – оммабоп нашр)**

Мухаррир: В. Мусаев,  
Техник муҳаррир: И.Тоғаев,  
Техник муҳаррир: М.Тоғаев,  
Компьютерда саҳифаловчи: А.Абдурахмонова.

Тасдиқнома. 5565, 03.03.2021.

Теришга берилди: 06.03.2023 йил.

Босишга рухсат этилди: 18.04.2023 йил.

Офсет қоғоз. Қағоз бичими 60x84 1/16.

Тимес New Роман гарнитураси. Шартли босма табоғи 5,0

Нашр ҳисоб табоғи 4,90. Адади 100.

“Интеллект” нашриётида тайёрланди.

ҚарМИ кичик босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 180100. Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 - уй,

Телефон 91-466-80-32